

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
махсус таълим вазирлиги


Наманган Давлат Университети

Педагогика факультети
Педагогика-психология кафедраси

Ҳ.Ҳамракулова. З.Ҳайдарова

Педагогик тизимни бошқариш асослари

(муаммоли маърузалар матни)



Наманган – 2005 й.

Мазкур муаммоли маърузалар матни 5140800-Педагогика-психология йўналиши учун «Педагогик тизимни бошқариш асослари» фанидан намунавий ва ишчи дастур асосида тузилган. Педагогика-психология ҳамда педагогик йўналишдаги барча мутахассислик талабалари ва ўқитувчилар учун тавсия этилади.

Тузувчилар: **Ҳ.Ҳамрақулова- катта ўқитувчи,**
 З.Ҳайдарова – ўқитувчи

Тақризчи: **М.Мирзаабдуллаева, педагогика**
 фанлари номзоди, доцент

Муаммоли маърузалар матни Педагогика факультети илмий-услубий Кенгашининг «___» _____ 2005 йилдаги №___-сонли қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

Замон талабига мос мутахассис
тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда

Ўқув юртларимизнинг шакли, қиёфаси ва таркиби, моддий базаси ҳам замонавий бўлиши шарт.

Ислом Каримов

Жамиятимизнинг муваффақият билан ривожланиши учун у юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Шу сабабли жамиятимиз аъзоларининг онги, маънавий маданияти, қанчалик юқори бўлса, жумҳуриятимизда қайта қуриш ишлари шунчалик муваффақият билан амалга оширилади. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маданий, маиший хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқариш олдига қўйилган мақсад эса илм-маърифатни, маданиятни, ҳар томонлама камол топган юксак интеллектуал, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кишини тарбиялаб етиштиришдан иборатдир.

Ҳар қандай нисбатан катта миқёсдаги бевосита ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат-идора қилувчига маълум даражада мухтождир. Бу идора қилувчи индивидуал ишларни бир-бирига мувофиқлаштиради ва ишлаб чиқариш организмнинг мустақил органлари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий функцияларни бажаради. Якка скрипкачи ўзини-ўзи идора қилади. Лекин, оркестр эса – дирижёрга мухтождир. Демак, тўғри бошқарувнинг муҳим шарти - бошқарувчи - раҳбарнинг бўлишидир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқариш олдига қўйилган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Биз яшаётган жамият муваффақият билан ривожланиш учун юксак интеллектуал потенциалга эга бўлиши керак. Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маиший-маданий хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурати ана шундан келиб чиқади. Энг янги илмий техника инқилоби асрида маънавий ишлаб чиқаришнинг фан каби соҳасини бошқариш ғоят катта аҳамият касб этади.

Жамиятнинг ва унинг ҳар бир айрим аъзосининг маънавий ривожланишини бошқариш - умумий таълим мактаблари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими органлари, хунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагогик кадрлар малакасини ошириш институтларини бошқаришни, фан адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади.

Шунга кўра халқ таълими тизимини бошқариш бўйича билим, малака, кўникамага эга бўлиш бугунги кунда бўлажак мутахассисларга қўйиладиган талаблардан биридир.

1-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИШИ.

РЕЖА:

1. Турғунлик йилларидаги умумий таълим мактаби, миллий мактаблар ҳаёт тақозоси.
2. «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»- халқ таълимини ривожлантириш йўлида.
3. Умумий таълим мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг халқ таълимида тутган ўрни.

Таянч иборалар:

Миллий халқ таълими, умумий таълим, миллий таълим, миллий мактаб, академик лицей, коллеж.



Давлат тарафидан иётини белгилашда маориф, мактабнинг ўрни қандай?

Республикаимизнинг миллий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиёти бевосита мактабларга боғлиқ.

Халқ донишмандлари, элимизнинг буюк мутафаккирлари - Фаробий ва Беруний, Улуғбек ва Навоий, Завқий ва Фурқат, Ҳамза ва Аваз Ўтар, А.қодирий ва А.Авлоний фақат маориф ва маданият орқали инсон ва давлатнинг келажакда гуллаб яшнашини уша даврларда кўра олдилар. Улуғбекнинг машҳур мадрасаси пештоқида "Илм олиш ҳар бир эркак ва аёл мусулмон учун ҳам қарз, ҳам фарздир" деган иборалар ёзиб қўйилган эди.

Халқ таълимида муҳим ўрин эгаллаган умумий таълим мактаблари республикаимиз ҳаёти билан мустаҳкам боғланган бўлиб, давлатнинг сиёсий, ҳўжалик ва маданий вазифаларига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам республикаимиз ҳукумати, жойлардаги ҳокимиятлар ва жамоатчилик халқ таълими тизимини, жумладан умумий таълим мактабларини ривожлантириш, уларнинг тармоқларини кенгайтириш, янги бинолар билан таъмин этиш, ўқув-моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларни юқори билимга эга бўлган ўқитувчилар билан таъминлаш каби қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Бу борада ўқитувчилар, тарбиячиларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш масаласига алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Ана шундай ғамхўрлик натижасида умумий таълим мактабларининг тармоғи йилдан-йилга кенгайди, ундаги ўқувчиларнинг сони кўпайиб, мактабларни ўқитувчилар билан таъминлаш яхшиланиб борди. Ҳар бир кишининг ўтмиши, маънавий қадриятлари мактабдан бошланади. Таълим олган ва олаётган ҳар бир шахснинг фазилатларига таянч бўлаётган ва унинг маънавий қиёфасини, инсон камолотини вояга етказадиган мактаб ҳаммамиз учун азиз ва мўътабардир.

Шахсни тарбиялаш ва шакллантириш мактабнинг амалий фаолиятида энг қийин ва мураккаб жараёндир. Кундалик ҳаёт ва иш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мактабларнинг ҳамма ўқитувчилари ҳам билим хазинасига ва ҳуқ-атвор мезонларига тўла эга бўлмаётирлар. Ёшларимиз орасида жуда оз бўлсада, ўқиш ва меҳнатни менсимаслик, ўртоқларни ҳам катталарни ҳам ҳурмат қилмаслик, жамоат тартибини бузишлик, аёлларга нисбатан қўполлик, маишатга берилиш, маънавий бузуқлик, безорилик ва хатто жиноий ишлар қилиш даражасига бориш каби кўнгилсиз ҳолатларнинг содир бўлиб туриши барча жамият аъзоларини, биринчи галда маорифчиларимизни

ташвишлантормай иложи йўқ. Бундай одобсизлик худбинлик ҳолатларининг олдини олиш учун зарур бўлган чора-тадбирларни тезда қўлламаслик, уларнинг уй шароитлари ва атроф-муҳитига ўз вақтида аҳамият бермаслик, бола тарбиясини салбий таъсирлардан сақлаш учун кераклича ёрдам уюштирмаслик, мактаб, ота-оналар ва жамоат ташкилотларининг диққат-эътиборини тўла-тўқис сафарбар этмаслик мана шундай салбий оқибатларга олиб келмоқда. Таълим-тарбиявий ишларда содир бўлаётган бундай аянчли ҳолларда хилма-хил қийинчиликлар ва зиддиятларнинг сабаблари бор, албатта.



Турғунлик йилларининг =андай сар=итлари маориф ривожига тиси=былмо=да?

Инқилобдан сўнг ўзбек мактаблари учун чиқарилган дарсликлар, кўргазмали қуролларга рус синфлари учун чоп этилган нусхалар асос қилиб олинди. Оқибатда миллий ғуруримиз топталди, қадриятларимиз оёқ ости қилинди, тарихимиз сохталаштирилди.

Миллий мактабларимиз инқирозига миллий мутахассисларимизнинг ўзини ҳам нотўғри тарбиялаганимиз сабаб бўлди. Дарвоқе, тарбиячи-муаллимларнинг ўзи-ўзлигини танимагач, миллий қадриятлардан, туркий халқларнинг узоқ асрлик тарихидан, классик адабиёти, бой фольклори халқчил анъаналари, урф-одатларидан беҳабар бўлгач, қандай қилиб ёш авлодга ўзларида бўлмаган маънавиятни, ахлоқни сингдира оларди.

Мактабларимиз, таълим-тарбиявий ишларимиз қораланди, айниқса, 70-80-йилларда қўшиб ёзишлар, маорифда ҳам юз берган қарсакбозликлар авж олмади бўлди. Паст ўзлаштириш берган мактаб раҳбари, ёмон баҳо қўйган ўқитувчи илмсизликда айбланибгина қолмай, балки уларга жамият, тараққиёт душмани, деган сиёсий айб қўйилди, маъмурий жазоланди.

Яна шуни эслатиш лозимки, турғунлик йилларида ўқиш-ўқитишдаги депсинишларда оиланинг, ота-оналарнинг маълум "ҳиссаси" бор. Ота-оналарнинг асосий қисми турмуш ташвишларидан ортиб, фарзандларининг илм-олиши, ахлоқи, тарбияси билан шуғулланишга вақт ажратолмай, бу муҳим соҳа билан қизиқмай қўйди. Уларнинг аксарият қисмида таълим тарбияни фақат мактаб, фақат шу соҳада маош оладиган педагоглар беради, деган зарарли ақида пайдо бўлди ва бу ақидани жамият мақуллади, ахлоқ жавобгарлиги деярли унитилди, улар ўғил-қизининг одобсизлиги, безорилиги ва жиноятлари учун батамом жавоб бермай қўйдилар. Мактаб таълимини фан-техниканинг замонавий ривожланиш суръатларига мувофиқлаштириш, миллий мактабни таркиб топтириш ҳозирги куннинг энг муҳим долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди.

Миллий мактаб ҳақидаги масала жуда ҳам мураккаб, серқирра, мазмуни чуқур бўлган масаладир. Чунки ҳар қандай мамлакат ва халқ тақдири, унинг қисмати ҳамда келажаги, тараққиётининг асоси таълим-тарбия маскани бўлган мактаб билан боғлиқдир. Шу сабабли ўзбек миллий мактабини яратиш ва унинг асосида ҳозирги кунда халқ таълими тизимида тўпланиб қолган муаммоларни ижобий ҳал этиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Миллий мактабни яратиш хусусидаги дастлабки ҳаракатлар ҳаммамизни хурсанд этмоқда. Мазкур эзгу ишга қўпгина иқтидорли олим ва ўқитувчилар, халқ таълимининг ташкилотчилари ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Миллий мактаб яратиш бобидаги кўпгина фикр ва таклифлар диққатга сазовор бўлиб, улар ўқувчиларга миллий кийимлар кийдириш, эски ўзбек ёхуд лотин ёзувига қайтиш, ўғил ва қиз болаларни ажратиб ўқитиш, фақат Ўзбекистон олимларининг илмий ишлари асосидагина дарсликларни яратиш, шу асосда ўқитиш, ўқитиш жараёнини тарихий ўтмишга мослаштириш, фақат Шарқ педагогикаси билан чекланиш каби фикрлардир.

Бугун Ўзбекистон жумҳуриятининг мустақиллик йўлига ўтиши мислсиз тарихий воқеа бўлиб, мустақиллик мунтазам маъсулият ва улкан ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишни талаб этади. Агар мустақиллик мактабдан бошланади десак, мутлақо муболаға бўлмайди. Чунки жамият келажагининг қандай бўлиши ёш авлодга, демак, мактабга бевосита боғлиқдир.

Мактаб ёшларга фан асосларидан билим берибгина қолмасдан, балки уни тарбиялайди, илмий дунёқарабини шакллантиришга кўмаклашади, "комил инсон" деган олий рутба сари етаклайди.

Мактаб ўқитиладиган фан тизими, таълим-тарбия усули, ғояси, жамиятга таъсири билан ижтимоий ҳаётга, мамлакат ривожига ва давлат мустақиллигига хизмат қиладиган ғоятда ўзига хос мустаҳкам заминдир. Президентимиз таъкидлаганидек: "Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масалаларига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-муҳаббат ва шу каби инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминидан тарбия ётади".

Ўтмишдаги (инқилобдан олдинги) мактабларимиз ёмон дейилишига қарамасдан, бир мунча демократик асосларга қурилган эди. У даврдаги мактаблар бир хил ўқув режалари, бир хилдаги ўқув йўриқлари ва қолипдан чиққандай бир хил дарсликлар сиқувида эмас эди. Ота-она ва талаба мактабни, ўқитувчини танлаш имкониятига эга эдилар. Қадимги мактабларимизда чет тилини ўқитилишига катта эътибор берилганди. Мактабни битирувчилар камида уч тилни билардилар. Ана шу анъанани тиклаш ва уни янада ривожлантириш фарзандларимиз камолотини тезлаштириш имкониятини беради.

Миллий мактабларда таълим-тарбия ишини намунали йўлга қўйган ҳолда уларнинг онига ўз эли ва миллати руҳиятини сингдириб, бирини иккинчисидан заррача ҳам камситмаган ҳолда турли кечалар, баҳслар, мунозаралар, мусобақалар ўтказиш асосида дўстлик-ўртоқликни, байналминалчиликни, қадр-қимматни, ҳурмат-иззатни чуқур англаган авлодни камол топтириш мақсадга мувофиқдир.

Миллий мактабни яратиш учун ҳозирги таълим мазмуни ва ўқиш-ўқитиш жараёнидаги кўпгина чалкашликлар, хатоликларни тугатиш айни муддаодаги ишдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақил деб эълон қилиниши, халқ хўжалигини бошқаришнинг бозор иқтисодиёти қонунлари асосига ўтиши, таълим-тарбиянинг сиёсатдан ҳоли қилиниши умумий ўрта таълим мактаблари таълим мазмуни миллий кадриятлар асосида қуришни, ўқувчиларни ўзбек халқининг тарихи, маданий мероси ва педагогик анъаналари асосида тарбиялашни тақозо этади. Шу боисдан ўзбек халқининг асрлар давомида яратган, аجدодлар синовиданг ўтган миллий урф-одатлари, маросимларини

тадбиқ этиш ва улардан баҳраманд бўлишларини таъминлайдиган бирдан-бир ўқув тарбия маскани-бу умумий ўрта таълим мактабидир.

Ўзбекистоннинг умумий таълим мактаби-бу узлуксиз таълим тизимида бир бўғин бўлиб, у Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча болаларга ўз вақтида ўрта умумий таълим олиш, ҳар бир кишининг иштиёқи, қизиқиши ва қобилиятига мувофиқ, жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда таълимни давом эттириш имконини берувчи давлат, жамоат муассасаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида тасдиқланган умумий ўрта таълим мактаби тўғрисидаги муваққат низомида таъкидланишича, унинг мақсади ҳар томонлама маънавий ривожланган, ақлий, ахлоқий баркамол шахсга таълим бериш ва уни тарбиялашдан иборатдир. У ўз фаолиятида умуминсоний қадриятларга амал қилади. Таълим-тарбия маҳаллий анъаналар ва минтақалараро хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиларини фан аниқ-равшан тўла исбот этган далиллар билан табиат ва жамият ходисаларини ҳамда инсон тафаккурини тушунтириб берадиган энг муҳим илмий назариялар билан таништиради. Умумий ўрта таълим мактаби берадиган маълумотнинг мазмуни ўқувчиларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний ва эстетик жиҳатдан тўла камол топадиган кишилар бўлиб етишмоқлари учун асос бўладиган билим кўникма ва малакалар тизимини ўз ичига олади. Бу билим, кўникма ва малакалар ўқувчиларда илмий дунёқараш ва юксак маданий ахлоқ асосларини тарбиялайди. Умумий таълим мактабларида бериладиган маълумотнинг мазмуни ва мундарижаси ўқув режалари, ўқув дастурлари ва дарсликлар билан белгиланади.

Ўқув режасида кўрсатилган фанлар ўқувчиларни жамият ва табиатни ҳамда киши тафаккурининг тараққиётини илмий асосда тушуна олишга тайёрлайди ва уларга ихтисослашган ўқув юртларида ўқишни муваффақият билан давом эттириш ва амалий ишларда фаол қатнашиш учун зарур билим, кўникма ва малакалар беришни таъминлайди.



Таълимни ислоҳ = олишда «Таълим тўғрисида»ги + онун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ырни = андай?

1997 йил августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим тизимини тубдан ислоҳ қилинишига олиб келди. «Миллий модел» асосида қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим тизимини такомиллашувига сабаб бўлди.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг таркибий қисми бўлган узлуксиз таълим тизимига киритилган уч йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг жорий этилиши том маънодаги янгилик бўлди. Мажбурий таълимнинг тўққиз йилини ёшларимиз тугатгандан сўнг яна уч йил ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари- академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида таълимни мажбурий-ихтиёрий давом эттирадилар. Мажбурийлик-бу икки йўналишдан бирида ўқишни давом эттиришнинг шартлилиги. Ихтиёрийлик эса ўқувчининг ўзи қизиққан ҳамда лаёқатига мос йўналишни (касбкорликни) эркин танлашдир.

Академик лицейлар ўқувчиларнинг қизиқишлари ва қобилиятларини ҳисобга олиб уларнинг жадал интеллектуал ривожланишини,

чуқурлаштирилган, ихтисослаштирилган ҳолда ўқитишни таъминлайди. Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаган касб бўйича билимларни ошириши ва муайян фанлар асосларини чуқур, мукаммал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. Академик лицейлар асосан олий ўқув юртлари қошида ташкил қилинади.

Касб-хунар коллежлари эса ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, лаёқатларини, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, уларни танлаган йўналишлари бўйича бир ёки бир неча замонавий касб эгаллаш имконини беради.

Яхши касб-хунар эгаси бўлиш инсоннинг энг катта зийнати бўлиб, унинг бутун ҳаёти давомида жуда катта фойда келтиради. У фароғат, камолотга етади ва хунар туфайли иззат-икром топади. Ўз фарзандларини илмли, хунарли қилиб вояга етказиш миллатимизга хос хислат бўлиб, ота-боболаримиз фарзандларининг саводини чиқариш, хунарли қилиш учун энг яхши усталарга шогирдликка берганлар, бошқалар шаҳар ва ўзга юртларга билим олиш учун юборганлар. Халқимизда илму-хунар доимо улуғланиб келган, илмли, хунарли бўлишга доимо даъват қилинган. Бу тўғрида жуда кўп мақоллар, ҳикматлар ва ривоятлар мавжуд.

Ота ўз ўғлини хунар ўрганиш учун устага "эти сизга суяги бизга", деб топширар экан, фарзандининг ўқимишли, яхши касб-хунар эгаси ва ўз касбининг қўли гул устаси бўлишини истайди. Шогирд эса ўқиб, ўрганиб устознинг оқ фотиҳаси билан уста сифатида иш бошлайди ва у оқ фотиҳага умрбод содиқ бўлиб қолади. Бу демакки, ёшларимиз ҳар қандай шароитда олган билимларига ҳилоф иш қилмайдилар ҳамда ишларини сифатсиз бажаришни ўзларига ҳеч қачон эп кўрмайдилар. Тараққиёт асоси айнан шундадир.

Касб-хунар коллежлари замонавий асбоб-ускуналар, ўқув-услубий куроллар, кўргазмали воситалар, ахборот технологиялари ва компьютерлар билан жиҳозланиши билан тубдан фарқ қилади. Ўқув бинолари, устахоналар ташқи ҳамда ички кўринишининг чиройлилиги, кўркемлиги билан, замонавийлиги билан кескин ажралиб туради. Коллежларда касб-хунар турининг кўплиги, бугунги кун талабларига, иқтисодий ислохотлар эҳтиёжига жавоб бериши алоҳида аҳамиятлидир. Шунини айтиш керакки, касб-хунар коллежларида кадр эмас, балки кенг ихтисосликдаги кичик мутахассислар тайёрланади. Яна бир афзаллиги касб-хунар коллежларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос географик ва демографик шарт-шароитлари ва мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда кадрлар тайёрланади. Шунингдек, кадр тайёрлаш учун ўқув жараёнида икки ёқлама тизим асосида амалга оширилади. Ўқувчиларга бериладиган ишлаб чиқариш таълими ўқув муассасасининг замонавий жиҳозланган устахоналарида корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Шу билан бир қаторда умумий билимлар асосларини бериш, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш ва замон талабларига жавоб берувчи мутахассис бўлиб етишиши учун берилаётган таълим: миллий қадриятларимизга ҳурмат, мустақил давлатимизга содиқлик ва ифтихор туйғулари руҳидаги тарбия билан муштаракликда амалга оширилади.

Айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, касб-ҳунар коллежларида кадрлар тайёрлаш олдинги "ПТУ"лардагидек хужакўрсингагина, режа учун эмас, балки аввало давлатимиз равнақини, қолаверса, шахснинг бахт-саодати, келажаги ва тақдирини кўзлаб ташкил этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Умумий таълим мактабларининг халқ таълими тизимида тутган ўрни;
2. Миллий мактабни яратиш ҳақидаги дастлабки ҳаракатлар;
3. Академик лицей ва коллежларнинг ташкил этилиши ва уларнинг бири-биридан фарқи.

2-Мавзу: БОШҚАРИШ ҲАҚИДАГИ УМУМИЙ ТУШУНЧА РЕЖА:

1. Мактабни бошқариш;
2. Бошқариш ҳақида тушунча;
3. Бошқариш турлари;
4. Бошқариш вазифалари

Таянч иборалар:

Бошқариш, мактаб, бошқариш турлари, бошқариш вазифалари, ижтимоий тарбия, ижтимоий бошқариш



Бош=ариш нима? Бош=аришнинг олдига =андай ма=садлар =ыйилади?

Бошқариш ҳар қандай жамиятга, ҳаётнинг барча соҳаларига хос бўлган нарсадир. Ҳозирги шароитдаги бошқариш ижтимоий ва хусусий мулкка асосланган. Бошқариш олдида қўйилган асосий мақсад-меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўла қондириш учун ишлаб чиқаришни, барча ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришдан иборат. Жамиятни меҳнаткашларнинг ўзлари-ишчилар, деҳқонлар ва зиёлилар бошқарадилар. Бошқариш уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги кундаги бошқариш биринчи галда кишиларнинг иқтисодий ва моддий ҳолатини, ижтимоий фаолиятини, уларни кадриятларимиз руҳида тарбиялашни назарда тутди.

Жамиятимизнинг ривожланиши юксак ақлий патинциалга эга бўлган жамиятимиз аъзоларининг онги, билимига қараб шунчалик муваффақиятли амалга оширилади.

Ижтимоий тарбияни, илм ва маърифат беришни, аҳолига маъданий, маиший хизмат кўрсатишни илмий асосда бошқариш зарурияти ана шундан келиб чиқади.

Жамиятнинг маънавий ҳаётини бошқариш олдида қўйилган мақсад эса-илм-маърифатли, маъданиятли ҳар томонлама камол топган, юксак даражадаги пок ва ахлоқли кишиларни тарбиялаб етиштиришдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бошқарув тараққиётининг ҳар қандай босқичида жамиятга хос бўлган ички хусусият бўлиб, бу хусусият умумий хусусиятга эга бўлгани ҳолда кишиларнинг ижтимоий жамоатчилик меҳнатидан, турмуш ва меҳнат жараёнида ўзаро алоқада бўлиш ўз моддий ва маънавий фаолиятининг маҳсулотининг алмаштириш заруриятидан келиб чиқади.

Меҳнат ижтимоий меҳнат бўлган, ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам ҳамиша ижтимоий меҳнат бўлиб қолаверади. Кишилар табиатнинг қудратли кучларига муваффақиятли равишда қарама-қарши туриш, табиатдан тирикчилик воситаларини ундириб олиш учун дунёга келган пайтларидан бошлабқ биргаликда меҳнат қилишлари, жамоа бўлиб бирлашишлари лозим бўлди.

Бироқ уюшқоқлик, тартиб, меҳнат тақсимооти бўлмаса, кишининг жамоадаги ўрни ва вазифалари тайин бўлмаса, меҳнат жамоаси бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бошқарувсиз муайян тартибни ўрнатмасдан ва қувватламасдан туриб, меҳнат фаолиятини, айниқса, кенг миқёсларда амалга ошириб бўлмайди.

Ҳар қандай нисбатан катта миқёсдаги бевосита ижтимоий ёки биргаликда қилинадиган меҳнат-идора қилувчига маълум даражада мухтождир. Бу идора қилувчи ишларни бир-бирига мувофиқлаштиради ва ишлаб чиқариш организмнинг мустақил органлари ҳаракатидан фарқ қилиб, бутун организм ҳаракатидан келиб чиқадиган умумий вазифаларни бажаради. Якка скрипкачи чалганида ўзини-ўзи идора қилади. Лекин оркестр эса дирижёрга мухтождир. Демак, тўғри бошқарувнинг муҳим шарти бошқарувчи раҳбарнинг бўлишидир.

Киши ижтимоий ҳолатдир, лекин у ҳамма вақт муайян ижтимоий тизимга (формацияга синфга, ижтимоий гуруҳга, жамоага) мансуб бўлади, бу тизим унинг олдига маълум талаблар қўяди, унинг туриш-турмуши ишлари, ҳатти-ҳаракатларини муайян тартибга соладики, бу тартиб жамиятнинг табиатга, унда ҳукмронлик қилувчи иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муносабатларга мувофиқ бўлади.

Кишиларнинг фақат меҳнат фаолияти эмас, балки уларнинг ижтимоий-хулқ атвори ҳам муқаррар суратда бошқарилиши, тартибга солиб турилиши керак. Кишиларнинг маънавий фаолиятига келганда, бу фаолият ҳам ташкилотдан ташқарида, жамият назоратидан ташқарида бўлмайди. Хуллас, бошқарув ҳар қандай жамиятга, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига хос бўлган нарсадир.



Жамиятда =андай соҳалар бор ва уларни =андай бош=арилади?

Маълумки жамият асосий уч соҳани-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларни ўз ичига олади. Шунга мувофиқ тарзда бошқаришнинг учта асосий тури мавжуддир. Улардан энг асосий иқтисодий бошқарув бўлиб, у жамият ҳаёти ва тараққиётининг асосини ташкил этади. Ҳозирги шароитда ҳукуматнинг иқтисодини бошқаришга, айниқса, кўп эътибор бериш тасодикий эмас. Республикамизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳ, халқ хўжалигини

бошқаришни қайта қуриш ва такомиллаштиришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйган. Ҳозирги вақтда Республикамизнинг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантириш иқтисодий бошқариш олдига қўйилган мақсаддир.

Ижтимоий-сиёсий бошқариш кишиларнинг турли жамоалари (синфлар, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, элатлар ва ҳакозолар) ўртасидаги муносабатларни ҳам, ана шу жамоалар ичида кишилар ўртасидаги муносабатларни ҳам бошқарилишидир. Бошқариш бу турнинг асосий моҳияти жамиятни бошқариш тизимининг сиёсий негизи бўлган ишчилар билан деҳқонлар иттифоқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан иборат.

Меҳнат жамоаларнинг ижтимоий ривожлантиришни бошқариш катта аҳамият касб этади, чунки барча ишимизнинг муваффақиятини, режаларимизни тақдири кўп жиҳатдан жамоа муносабатларини такомиллашув даражасига, меҳнат жамоаларидаги микроиклимнинг қанчалик соғлом бўлишига боғлиқдир.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётни бошқариш олдига қўйилган мақсад ижтимоий тафовутларни бартараф этиш, жамиятнинг ижтимоий бир хиллигига эришиш, давлат бошқарувини такомиллаштириб ижтимоий ўз-ўзини идора қилишга айлантиришдир.

Жамият ва унинг ҳар бир айрим аъзосининг маънавий ривожланишини бошқариш-бошқаришнинг яна бир асосий туридир.

У умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия, мактабдан ташқари болалар муассасалари, халқ таълими бўлимлари, хунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, педагоглар малакасини ошириш институтларини бошқариш, фан, адабиёт, санъат, маданият каби соҳаларни бошқаришни ўз ичига олади. Шунга кўра хулқ таълими тизимини бошқариш, жумладан, умумий таълим мактабини бошқариш ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисмидир.



Бош=арув тизими олдига =андай вазифалар туради?

Жамиятдаги бошқарув тизимини маълум бошқариш вазифалари асосида ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра уни алоҳида кўрсатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ишлаб чиқаришни бошқариш вазифалари деганда бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи манбаларга таъсир кўрсатишнинг у ёки бу қилинадиларини тушунмоқ керак. Бошқарув вазифаларига: **режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, мувофиқлаштириш, назорат ва ҳисоб-китоб қилиш** киради.

Режалаштириш бошқарувчи манбани ривожлантириш мақсадини ва бу мақсадга эришиш воситаларини белгилашдир, ишлаш режасини тузишдир. Режалаштириш бошқарилувчи манбаларни ривожлантириш ва моделлаштиришни ўрганишни ҳам ўз ичига олади.

Ташкил қилиш-ишлаб чиқариш манбасининг тузилишини ва бошқарув усулини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир, тизимнинг тузилиш ўртасидаги муносабатларни ва уларнинг ўзаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш-тизимнинг турли элементлари ўртасидаги маълум нисбатни тутиб туришга, бошқарилувчи манба ишлаётганида режа топшириқларидан четга чиқиб кетишга йўл қўймасликка қаратилгандир.

Назорат қилиш-ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини ва тараққиётини режага қанчалик мувофиқлигини кузатиб ва текшириб туришдан иборат.

Ниҳоят, ҳисоб-китоб қилиш эса режани ёки амалга оширишдаги муайён босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига яқун яшашдир. Ҳисобга олиш ахборотларни яқунлашга, уни тизимга солишга имкон беради. Шунингдек, у мазкур тизимнинг кейинги даврига мўлжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тўлиқ фойдаланишга имкон беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган бошқарув вазифаларини халқ хўжалигимизнинг хоҳлаган соҳасига, жумладан, мактаб маориф соҳасида ҳам тўлиқ маънода тадбиқ қилиш мумкин. Лекин, мазкур вазифаларнинг аниқ мазмуни турли бошқарув тизимларда бошқарув манбаининг мазмунига боғлиқ бўлади.

Демак, биз фикр юритаётган вазифалар ижтимоий бошқарувнинг мазмунини ташкил қилади. Мадомики, шундай экан мактаб-маориф соҳасидаги ҳар бир раҳбар ходим ўзининг бошқарув иш тизимининг мазкур бошқарув вазифалари асосида ташкил қилса, бу борада сўзсиз яхши натижаларга эришиши мумкин. Бунинг учун эса, мазкур бошқарув вазифалари ва уларнинг моҳиятига тўлиқ тушуниб оломоқ мумкин.

Барча ишлаб чиқариш ходимларини жумладан, мактаб ходимларининг бошқарув аппаратида ва ишлаб чиқариш жараёнида, мактабда эса ўқув тарбия ҳамда мактабнинг бошқа ишлари жараёнида бевосита иштирок қилувчи ходимларга бўлиш мумкин.

Ишлаб чиқаришда, жумладан, мактабда бошқарув меҳнати билан шуғулланувчи кишилар (мактаб директори, директорларнинг ўқув тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, методик бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарув аппаратини ташкил этади. Бошқаришнинг барча бўғин ва босқичларидаги ходимлар ҳам шу аппаратга мансубдирлар. Бошқарув аппаратининг бир қисмини кишиларни бошқарувчи шахслар (мактабдаги раҳбарлари) ташкил этса, иккинчи қисмини ижрочилар (ўқитувчи, тарбиячи, синф раҳбарлари, методик бирлашмаларининг аъзолари, техник ходимлар) ташкил этади. Бошқариш соҳасидаги ижрочи ходимларни иккита асосий гуруҳга: а) мутахассисларга (ўқитувчи ва тарбиячиларга); б) техник ходимларга (лабарант, котиба, фаррош, электрчи-монтёр, мактаб қоровули кабиларга) бўлиш мумкин.

Мактабга ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тўғри танлаш ва уларни жой-жойига тўғри қўйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билими, ҳалоллиги, ишбилармонлиги, маъмурий қобилиятига қараб ёндошиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, хўжаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш ишлаб чиқариш усулининг хусусиятини акс эттирувчи

муайян ақидалар (принциплар) асосида олиб борилади. Шунинг учун ҳам бу ақидаларни бошқариш ақидалари деб аталади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Мактабни бошқариш деганда нимани тушинасиз?
2. Бошқариш турлари қандай?
3. Бошқариш вазифалари нималардан иборат?

3-Мавзу: БОШҚАРИШ УСУЛЛАРИ РЕЖА:

1. Бошқаришда рағбатлантиришдан фойдаланиш усуллари.
2. Кадрларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш усуллари.
3. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усуллари.

Таянч иборалар:

Бошқаришни рағбатлантириш, кадрлар, мактаб ҳужжатлари, ривожлантириш усуллар.



Раъбар бош=арувда =андай усуллардан фойдаланиши мумкин?

Мактаб ичидаги бошқарувини тўғри ташкил этишда бошқариш усуллариининг роли бениҳоя каттадир. Бошқариш усуллари ўқитувчи, тарбиячи, техник ходимларга, умуман мактаб жамоасига таъсир кўрсатиш воситаси бўлиб, бу воситалар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш жараёнида мазкур ходимлар ва жамоаларнинг фаолиятини уйғунлаштиришни таъминлайди.

Шунинг учун ҳам мактаб ички бошқарувини ташкил қилиш ва уни амалга оширишда мактаб раҳбарларининг бошқариш усуллариини тўғри танлаши ва ундан ўз ўрнида тўғри фойдаланишлари муҳим аҳамият касб этади.

Бошқариш усуллариини уларда акс этадиган мактаб ишига тааллуқли бўлган муносабат турларига қараб тасниф қилиш билан бир қаторда, бу усулларни мактаб ходимларининг фаолият мотивларини ҳисобга олган ҳолда уларга таъсир этиш нуктаи назаридан ҳам фарқ қилиш лозим. Шу ўринда қуйидаги мотивларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

а) ҳар бир мактаб ходимининг ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқадиган фаолият мотивлари (мажбурий мотивлар);

б) моддий манфаатлардан келиб чиқадиган мотивлар;

в) маънавий (руҳий) мотивлар. Шунга кўра бошқариш усуллариини ҳам қуйидагича бўлиш мумкин:

1. Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усуллари.
2. Бошқаришнинг социал-психологик усуллари.
3. Бошқаришнинг ҳуқуқий усуллари.
4. Бошқаришнинг бевосита кўрсатма бериш усуллари.
5. Бошқаришда рағбатлантиришдан фойдаланиш усуллари.
6. Кадрларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш усуллари.
7. Бошқаришда кузатиш усуллари.

8. Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усуллари.

Бошқаришнинг ташкилий-маъмурий усули. Бошқариш усуллари тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Улар бошқарув бўғинларининг ўзаро боғланиб ишлашининг бошқарув муносабатларини акс эттириб, бошқарилувчи мансабларга маъмурий таъсир кўрсатишининг бутун механизмини ифодалайди. Бошқарув бўғинлари томонидан амалга ошириладиган бошқариш актлари икки турга бўлинади: норматив актлар ва шахсий актлар. Бошқарувга оид норматив актларда аниқ муайян шахс бўлмайди: улар бирор шароитга тадбиқан олинадиган умумий ҳатти-ҳаракат қоидаларини ўз ичига олади ва кўпинча узоқ вақтга мўлжалланган бўлади. Бошқаришнинг шахсий актлари эса муайян субъектларга қаратилган бўлади.

Ташкилий усулларни ташкилий кўрсатма ва фармойиш бериш йўли билан таъсир кўрсатишга бўлиш кенг тарқалган. Ташкилий маъмурий таъсир кўрсатиш турли ташкилий чораларни масалан, мактабни бошқаришнинг ташкилий мазмуни ва мундарижасини белгилаш, ички тартиб қоидаларни ўрнатиш ва шу кабиларни ўз ичига олади. Фармойиш, кўрсатма ва буйруқ бериш йўли билан таъсир кўрсатиш барча бошқариш бўлимларининг ишланиши кунда тезкорлик билан таъминлаб туришдан иборат балиб, унга кўрсатмалар бериш, ёзма шаклдаги ёки оғзаки бериладиган буйруқлар воситаси билан эришилади.

Бир-бирига бўйсунмаган бошқариш бўғинлари ўртасидаги муносабатлар ўз хусусиятига эгадир. Бу бўғинларнинг умумий таълим мактаби билан, мактабдан ташқари болалар муассасаси билан ҳамжиҳат ишлаши учун бошқариш муносабатларига хос бўлган фармойиш ёки буйруқ бериш, усулидан фарқли ўлароқ, келишув акти каби ташкилий усулдан фойдаланиш ўринли бўлади. Бундай методда ташкил қилинган бошқарув, сўзсиз ўзининг ижобий натижаларини беради.

Бошқаришнинг ижтимоий-психологик усуллари мактаб ходимларига таъсир этиш усулларида бири бўлиб, улар мактабнинг муаллимлар жамоасини, улардаги "психологик иқлимни", ҳар бир ҳодисанинг шахсий хусусиятларини ва ҳоказоларни ўрганишга асосланади.

Бошқаришнинг ижтимоий-психологик усуллари иккита асосий турга: а) ҳар бир ходимга жамоа орқали таъсир кўрсатишга ҳамда, б) бўйсунувчилар билан яқка ҳолда иш олиб боришга бўлиш мумкин.

Бошқаришнинг ҳуқуқий усуллари. Мамлакатимиз халқ хўжалиги тармоқларини ҳамда ўқув масканларини асосан давлат йўли билан бошқариш маъмуриятлар тизимида ҳуқуқий воситалардан тобора кенгроқ фойдаланиш амалга оширилмоқда. Ҳуқуқий воситалар деганда ижтимоий муносабатларга юридик таъсир кўрсатиш воситаларининг жами тушунилади.

Ҳуқуқ мезонлари давлат томонидан чиқарилади, агар жамоат ташкилотлари томонидан чиқарилса, давлат томонидан тасдиқланади.

Ҳуқуқ мезонлари турли қонуний ҳужжатлар, низомлар, кўрсатмалар, инструктив-методик кўрсатмалар, буйруқлар, фармойишлар, қарорлар ва ҳоказолар шаклига киритилади.

Моддий жавобгарлик корхоналар, ташкилотлар, ўқув юртлари, мактабгача тарбия ва мактабдан ташқари болалар муассасалари, интернат-мактаблари, болалар уйлари, шунингдек, айрим мансабдор шахсларнинг

зиммасига хўжалик фаолиятининг (муассасалари раҳбарларининг хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ўринбосарлари ва ходимлари) натижалари учун юкланадиган маъсулиятдир. Моддий жавобгарлик турли жарималарда, пеняларда ва ҳоказоларда ифодаланади.

Бошқаришнинг бевосита кўрсатма бериш усули кўпроқ субъектларнинг буйруқ, кўрсатма, фармойиш, топшириқлар бериш йўли билан бошқариш манбаига таъсир кўрсатишини таъминловчи усул ва ҳаракатларни ўз ичига олади.

Бошқаришнинг мазкур усуллари мактабдаги илмий тарбия жараёнида қатнашувчиларнинг юқори бошқарув бўғинлари ва мактаб маъмурияти ҳамда педагоглар кенгашининг қарорлари, директорнинг буйруқлари ва турли кўрсатмаларни бажариш учун мактаб ходимларининг шахсан жавобгар бўлишини таъминлайди.

Бошқаришда рағбатлантиришдан фойдаланиш методлари.

Мактаб ички бошқарув тизимида ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни рағбатлантириш таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш ва унинг сифат-самарадорлигини янада оширишда муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Рағбатлантириш турларига қуйидагилар киради: жорий мукофотлаш, таълим-тарбия ишида алоҳида ўрнатилган кўрсатгани учун мукофотлаш, республика халқ маорифи аълочилиги ва ҳоказолар.

Педагог ходимларни маънавий жиҳатдан ривожлантириш усуллари.

Меҳнатнинг маънавий омиллари маънавий-сиёсий, ижодий ва бошқа омилларни ўз ичига олади. Маънавий-сиёсий омилларнинг негизи илмий дунёқараш, тарихий тараққиёт истикболларини тушуниш ва қайта қуриш тантанасига ишонишдир. Шунинг учун мактабнинг муаллимлар жамоаларини бошқаришда уларнинг ҳар бирини сиёсий, илмий, методик ва умумпедагогик жиҳатдан савияларини ошириб бориши, шунингдек, уларга иқтисодий билимлар бериш муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда мактаб ходимларининг онги қанчалик юқори бўлса, уларнинг педагогик меҳнат соҳасидаги фаолияти, бинобарин, ўқув-тарбия бобидаги ютуқлари шунчалик юксак бўлади.

Ижодий изланишнинг негизи-ўқитувчилик касбига меҳр қўйиш, уни қадрлаш, педагог меҳнатининг ўзидан, унинг натижаларидан қаноат ҳосил қилишдир. Бу омиллардан самарали ва ўринли фойдаланиш мактабнинг таълим-тарбия ишини янада такомиллаштиришда муҳим роль ўйнайди.

Бошқаришда мактаб ҳужжатларини таҳлил қилиш усули.

Мактаб ички бошқаруви тизимида педагогик жараёни, унинг айрим ходисалари ва фактларини текширишда мактаб ҳужжатларини чуқур ўрганиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш масаласига алоҳида эътибор бериш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир, чунки, бу ҳужжатларда мактабнинг, муаллимлар жамоасининг ёш авлодни тарбиялаш, унга пухта билим бериш ва уни ўқиш масалаларига доир қарорларни амалга ошириш борасидаги фаолияти ўз ифодасини топган.

Мактаб ҳужжатлари жумласига: ўқув машғулотларининг жадвали, мактаб ишининг режалаштиришнинг барча турлари, узлуксиз таълимнинг муҳим шохобчаси бўлган ўрта умумий таълимга доир ҳисоб ва ҳисоботлар,

таълим-тарбия ишларига тегишли ҳужжат ва ҳисоботлар, синфдан, мактабдан ташқари ишларга тегишли бўлган Низомлар, инструктив-методик кўрсатмалар, шу асосда ишланган мактабнинг турли ҳужжатлари (буйруқ ва кенгаш қарорлари) ва дастур ҳамда режалар, таълим-тарбия ишларини тақсимлаш, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг кундалик дафтарлари, мактабнинг буйруқ дафтарлари, мактаб педагоглар кенгашининг қарорлари дафтари, мактаб сметаси ва турли молиявий ҳужжатлар, шу асосда тузилган статистик ҳисоботлар, мактаб паспорти, инвентарлар дафтари ва ҳоказолар киради.

Мактаб ҳужжатларини таҳлил қилишда мазкур ҳужжатларда муҳим вазифа қилиб қўйилган: ўқувчилар сонининг ўсиши ва камайишига, уларнинг мактабдан кетиб қолишининг олдини олишга, баъзи бир ўқувчиларнинг айрим фанлар бўйича ва бутун синфнинг умумий ўзлаштириш даражасига, бир синфда икки йил қолиб ва ўзлаштирмасликнинг олдини олиш ва унга барҳам беришга, рағбатлантириш ва жазолаш чораларини таснифига, мактаб педагоглар кенгашининг тавсифига, мактабнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишларининг қўйилиш ҳолатига, мактабнинг ота-оналар жамоатчилиги, меҳнат жамоалари, оталиқ ташкилоти, савдо, қурилиш, соғлиқни сақлаш ташкилотлари, база корхонаси, мактабдан ташқари болалар муассасалари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликдаги ишларига, мактабнинг ўқув-моддий ва техник базасини мустаҳкамлаб бориш масаласига, унинг молия-ҳўжалик ва педагогик тарғибот ишларига алоҳида эътибор берилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Бошқариш усуллари қандай бўлиши мумкин?
2. Ўқитувчилик касбига қаноат қачон ҳосил қилинади?
3. Рағбатлантириш турларига нималар киради?

4-Мавзу: МАКТАБНИ БОШҚАРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Мактаб ичидаги бошқарув тизими;
2. Мактаб ички бошқаруви тизимида раҳбарлик услуби ва маданияти.
3. Раҳбарнинг фазилати ва обрў-эътибори мактабни тўғри бошқаришнинг муҳим шартидир;
4. Бошқариш психологиясининг баъзи масалалари.



Мактаб ичидаги бошқарув тизими нималарни ўз ичига олади?

Бизнинг мактабимиз Республикамиз қисматига тушган барча меҳнат ва жангларда халқ билан бирга бўлди. Бизнинг ўтмишимиз мана шу ердадир. Республикамизнинг шон-шухрати ва қудрати, унинг маънавий бойлиги, ахлоқий қадриятлари манбалари шу ердан бошланади. Бизнинг ҳозирги кунимиз ҳам мана шу ерда ўз аксини топади. Ҳаммамиз мактабда таълим

олганмиз. Бизнинг фазилатларимиз ва камчиликларимиз, бугунги кунда бизни қувонтираётган ва ташвишга солаётган, бизга таянч бўлаётган ёки кураш олиб боришга даъват қилаётган нарсаларнинг ҳаммаси мактаб партасидан бошланган. Мактаб ва жамият бир-биридан ажралмасдир. Бизнинг келажагимиз - якин йиллар ичида қайта қуришга фаол қушиладиган, иқтисодиётимиз тараққиётининг янги тезлиги ва сифатини ўзлаштирадиган, ижтимоий муносабатларни ўзгартиришни давом эттириб, Республика тақдири учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган авлод ҳозир мактабнинг синф хоналарида таълим ва тарбия олмоқда.

Умумий таълим мактаби таълим-тарбия муассасасидир. Унинг раҳбарлари зиммасига ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, инсон шахсини ҳозирги даврининг ғоялари руҳида таркиб топтириш жараёнини бошқариш вазифаси юклатилган. Мадомики, шундай экан, мактаб ишини илмий асосда ташкилқилиш ўқув-тарбия ишларига раҳбарлик ва назоратни бошқариш ақидалари асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жамиятда ҳар бир хўжалик тизими ва ишлаб чиқариш ўчоғи икки тизимчанинг: бошқарилувчи ва бошқарувчи тизимининг бирлигидир. Масалан, корхона тизимида директор бошчилигидаги завод бошқармасининг бутун бошқарма аппарати бошқариш тизимига киради.

Мактаб ички бошқаруви тизимини ташкил қилишда ҳам ана шу қоидаларга асосланилади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганимизда мактаб ички бошқарув тизимида ҳам бошқарувчи (мактаб маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилотлари) ва бошқарилувчи тизимчалар мавжуд. Масалан, мактаб ички бошқаруви тизимида директор бошлиқ унинг ўқув, тарбия ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари бошқарилувчи тизимчаси киради. Лекин бу тизимча ўз фаолиятида мактабдаги ташкилотларга суянган ҳолда, улар билан яқиндан ҳамкорликда бошқарув ишларини амалга оширади.

Бошқарилувчи тизимча эса ўз йулида бир канча бошқариш манбаларига бўлинади. Уларга қуйидаги манбалар киради:

1. Мактабнинг ўқув-моддий ва техникавий базасига тааллуқли ишлар;
2. Мактабни ўқитувчи ва тарбиячи ҳамда техник ходимлар билан таъмин этиш, уларни жой-жойига тўғри қўйиш ва улар билан ишлаш;
3. Мактаб жамоаси фаолиятида бошлангич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта умумий таълимни амалга ошириш;
4. Мактабнинг ўқув-тарбия (1-11-синфлар бўйича) ишлари;
5. Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар;
6. Мактабнинг методик ишлари;
7. Синф раҳбарлари;
8. Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган ишлар;
9. Мактаб кутубхонаси ишлари;
10. Ота-оналар қўмитаси ишлари;
11. Ўқувчиларни иссиқ овқат ва чой билан таъминлаш ишлари;
12. Ўқувчиларга медицина хизматини ташкил қилиш бўйича ишлар;
13. қишлоқ жойларида (3 км) узоқдан катнайдиган ўқувчиларга транспорт ташкил қилиш ишлари;
14. Мактабнинг молия-хўжалик ишлари;

15. Мактабнинг ҳамкорликдаги ишлари. Бу ҳамкорлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) мактабнинг ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорлиги; б) медицина ва савдо ташкилотлари билан ҳамкорлик; в) оталик ва база корхоналари билан ҳамкорлик; г) китоб савдоси ташкилотлари билан ҳамкорлик; д) туман ёки шаҳараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари билан ҳамкорлик; е) академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик; ж) мактабдан ташқари болалар муассасалари билан ҳамкорлик; з) қурилиш-таъмирлаш ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишлар ва ҳоказолар.

16. Мактаб ҳужжатларини юритиш ишлари;

17. Педагог ходимларнинг малакасини ошириш ишлари;

18. Мактабнинг педагогик ташвиқот ишлари ва шу кабилар.

Шундай қилиб, бошқариш ишидаги самарали услубни ҳосилқилиш муаммоси кўп куч-гайрат ва бир талай вақт сарфлаб ҳал этиладиган мураккаб, кўп қиррали муаммодир. Бу муаммо дарсхона ёки қироатхонадан кўра кўпроқ хизмат ва жамоат фаолияти, шу жумладан, мунтазам равишда ўз билимини ошириш жараёнида ҳал этилади. Бу муаммо ҳар бир мактаб раҳбарининг диққат марказида бўлиши лозим.



Мактаб ички бош=аруви тизимида раҳбарнинг ўрни =андай?

Мактабни бошқариш ижодий жараён бўлиб, ўзига хос бир санъатдир. Бу педагог жараён мактаб раҳбарларининг хилма-хил иш усулларида намоён бўлади. Бу усуллар эса ҳар бир раҳбарга мактабшуносликнинг долзарб масалаларини назарий ва амалий жиҳатдан билиб олиш, мактаб-маориф соҳасидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ҳамда бу соҳадаги омилкор кишиларнинг (ҳалқ маорифи органларининг ходимлари, мактаб ўқитувчилари ва тарбиячиларининг) мактабни бошқариш борасидаги фикр ва мулохазаларини ўрганиш ҳамда мазкур фикр, мулохазалардан мактаб ишини бошқариш жараёнида ижодий фойдланишни тақозо қилади. Бу эса, ўз навбатида мактаб ишини бошқаришда ва раҳбарлик услубини янада такомиллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир мактаб раҳбари таълим-тарбия ишининг у ёки бу масаласи юзасидан қарор қабул қилганида, унинг бажарилишини ташкил қилганида, қўл остидаги (ўқитувчи, синф раҳбари, тарбиячи кабилар) ходимлар ишини назорат қилганида у ўз вазифаларига мувофиқ иш кўради. Лекин ҳар бир раҳбар бунда ўзига хос равишда, бошқарув жараёни ўзи учун хос бўлган, ўз раҳбарлик услубини белгилайдиган турли самарали усуллар билан иш кўради. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, мутлақо бир хил икки киши бўлмаганидек, раҳбарликда ҳам мутлақо бир хил услуб йўқ. Раҳбарлик услуби раҳбарларнинг ўз қўл остидагилар билан бевосита алоқасида, уларнинг ўзаро муносабатларида таркиб топади. Раҳбарлик услуби учун демократизм, жамоачилик, юксак жавобгарлик ва сиёсий онглилик, ташаббускорлик каби ақидалар ҳосилдир.

Ҳар бир раҳбар - тарбиячидир. У педагогик жамоани тарбиялаш учун юксак жавобгарликни ҳис этиш туйғусига тўлиқ эга бўлмоғи лозим. Раҳбар қўл остидагилар шахсига шу қадар педагогик маданиятлик билан таъсир кўрсата

билиши керакки, бу таъсир натижасида мазкур мактаб педагоглар жамоасининг ҳар бир аъзосида онглилик шаклланин, у педагогик меҳнатга нисбатан ижодий ёндошадиган, ижтимоий ҳаётда фаол қатнашадиган бўлсин. Мактаб директорининг жамоага таяниб раҳбарлик қилиш санъати, қўл остидагиларнинг, мактабдаги жамоат ташкилотлари вакилларининг фикрларини англаб олиши ва тезда тўғри хулосалар чиқариш қобилиятини бошқарув ишини тўғри ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Мактабнинг таълим-тарбия ва ҳўжалик масалалари кенгашиб муҳокама қилиниши лозим, қабул қилинган қарорларни бажаришда мактаб педагоглар жамоасининг ҳар бир аъзоси ташаббус кўрсатиши зарур. Раҳбарнинг мактабни бошқариш бўйича меҳнатини қарор қабул қилиш учун сарфланган вақтга қараб эмас, балки унинг фаолиятидаги пировард натижани ҳисобга олиш билан баҳолаш мақсадга мувофиқ ишдир.

Раҳбар ўқитувчи ёки тарбиячининг педагогик меҳнатига юзаки баҳо берганида, кишида меҳнатга нисбатан қизиқиш камаяди. Шунинг учун мактаб раҳбари ўқитувчи ёки тарбиячининг таълим-тарбия соҳасидаги ҳар бир ютуғини, у кўрсатган ёки кўрсатаётган ташаббус ва эпчилликни дарҳол алоҳида у ёки бу шаклда қайд қилиши катта аҳамиятга эгадир. Ҳар бир мактаб раҳбари ходимлар билан ишлашнинг ана шу қисмини ҳеч қачон эсдан чиқармаслигини лозим. Чунки, ўқитувчи ходимларнинг меҳнатига тўғри баҳо бериш ва уларни рағбатлантириб бориш мактабнинг ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан биридир.

Мактаб раҳбарлари бу мезонларга тўлиқ амал қилишлари лозим. Улар ўз раҳбарлик ишларида этиканинг гуманизм, мулоимлик, ўзаро ёрдам каби мезонларига таянадилар. Шунинг билан бирга, мактаб раҳбарининг ижтимоий аҳволи, унинг ўзига хос этикаларини ҳам белгилайди. Масалан-мактаб раҳбари юқори бўғинларга ёлғон ахборотлар беришга, статистик ҳисобот мезонларини бузишга асло йўл қўймаслиги керак. Бошқариш маданиятида сўзнинг устидан чиқиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Сўз бердингми, ваъда қилдингми, тадбир белгиландими - аниқ мўлжалланган муддатда бажар. қўл остиндагилар билан бўлган муносабатда уларга нисбатан баҳолаш, муваффақиятлари учун уларни ўз вақтида мақташ ва рағбатлантириш бошқариш маданиятининг муҳим шартларидан биридир.

Бошқарув маданияти илмий асосда ишланган, аниқ мақсадни кўзда тутган режа асосида бошқарув ишини ташкил қилиш, бунда сўз бирлиги билан амалий иш бирлигини таъминлаш, мактаб жамоасининг, ўқувчилар ва оналарнинг эҳтиёж ва талабларига диққат эътибор ҳамда манфаатдорлик билан муносабатда бўлиш, уларнинг бирортасини иззат нафсониятига тегмаслик, кўз бўямачилик билан шуғулланмаслик, ишга нисбатан юқори даражадаги интизомни жорий этиш, бошқариш жараёнида юқори даражадаги педагогик маданиятни сақлаш, раҳбарнинг шахсан ўзига ва қўл остидагиларга талабчан бўлиши, ўзининг шахсий манфаатини давлат ва умумжамоа манфаатидан устун қўймаслиги ва шу қабилардан иборатдир.

Мактаб педагоглар жамоаси ўртасида оммавий тадбирлар-турли мавзуларда сиёсий, илмий-методик конференциялар, методик кенгашлар, семинарлар, мактаб доирасидаги педагогик ўқишлар, мажлислар ва ҳоказолар ўтказиш маданияти ҳам катта педагогик аҳамиятга моликдир. Бундай

тадбирларнинг ўзига хос томони шундан иборатки, мазкур тадбирлар туфайли, нисбатан қисқа вақт ичида муҳокома қилинаётган масалалар бўйича тўла ва ҳар томонлама ахборот-тажриба алмашиш мумкин. Бундан ташқари, бу тадбирлар педагогик жамоа фаолиятидаги ғоявий-тарбиявий ишларнинг энг таъсирчан шаклларида бири бўлиб ҳисобланади. Бундай тадбирлар, сўзсиз, мактабда таълим-тарбиявий ишларини янада такомиллашувига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Бошқариш маданиятини такомиллаштириш унинг барча соҳаларига эътиборни кучайтириш демакдир. Бу бошқариш самарадорлигини ошириш, бошқариш аппарати ишини (мактаб маъмурияти ишини) аниқ ва пухта йўлга қўйиш, педагоглар жамоасининг меҳнат интизомини янада мустаҳкамлаш имкониятини беради. Ана шунинг учун ҳам мактаб ишини бошқариш тизимида раҳбарлик услуби ва маданиятини тўғри ташкил қилиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.



Мактабни бош=аришда раҳбарнинг =андай ишгахсий ишлатлари мушм?

Мактаб директори ўқув-тарбиявий жараёнининг ташкилотчиси, педагогик маҳоратнинг юксак намуналарини ўрнат қилиб кўрсатувчи устоз демакдир.

Мактаб директори дарс олиб бориши, ўқув-тарбия ва молия-хўжалик ишларини юритиши, талабчан давлат инспектори (ишчи-деҳқон инспекциясининг мактабдаги вакили бўлиши) ҳамда ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасининг дилкаш мураббийси бўлиши керак. Бундай кўп қиррали фазилатли тарбиялашга ҳеч қандай олий ўқув юрти қодир эмас. Директорлик истеъдодли ва фазилатли ҳаётнинг ўзида, мактабдаги иш амалиётида шаклланиб кишидан кенг кўламдаги билим ва тажрибани, муаллимликка хос фидокорликни, танланган ишга чексиз содиқликни талаб қилади. Ҳозирги шароитда ўқув юртлари раҳбарларининг роли янада ортиди. Мактаб раҳбарлари амалга оширилаётган ўзгаришларни олдинги сафида бўлади. Айниқса, билим ва тарбиянинг сифатини яхшилаш, ҳар бир фанни ўқитишнинг янада юксак илмий даражасини таъминлаш, ўқувчиларни ақлий, сиёсий, меҳнат ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг эстетик ва жисмоний ривожланишини яхшилашдан иборат ҳозирги мактаб ислоҳоти ўртага қўйган асосий вазифаларни амалда ҳал этиш мактаб директоридан жуда кўп куч-ғайрат талаб қилади. Бунда эса унинг кўп қиррали фазилати муҳим роль ўйнайди.

Хўш, ҳозирги шароитда мактаб раҳбарлари қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлиши керак, деган савол туғилади. Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин:

1. Ҳозирги кундаги мактаб раҳбарлари юксак ишонч, кенг сиёсий билим эгаси;

2. Педагоглар жамоасига раҳбарлик қила оладиган, унинг ишини ташкил эта билладиган, кишилар бажарган иш сифатини тўғри, одил баҳолай оладиган ва талабчан;

3. Сезгир кишиларга эътибор билан яхши муомала ва муносабатда бўладиган, уларнинг меҳнатини тўғри кадрлай билиш, адолатли ва принципиал;

4. Мактаб жамоаси, ота-оналар ва жамоатчилик ўртасида катта обрўга эга;

5. Дунёқараши кенг, ўзининг сиёсий, илмий методик ва раҳбарлик малакасини мунтазам равишда ошириб борадиган;

6. Ўз фанини яхши билиши ва аёло даражада дарс бериши жиҳатидан ўқитувчиларга намуна;

7. Изланувчан, омилкор, янгиликка, илғорликка ижобий муносабатда бўлиш ва илғор ўқитувчилар, педагоглар жамоаларининг яхши тажрибаларини ўрганувчи, умумлаштирувчи ва оммалаштирувчи;

8. Ишга виждонан муносабатда бўлиш, ўз ишларини Сидқидилдан бажариш ва ўз меҳнатини тўғри ташкил қила билиш;

9. Хўжалик масалаларини тўғри ҳал қила оладиган ва тежамкорлик санъатига эга бўлиш;

10. Мактаб ишини бошқариш принциплари асосида ташкил қилиш ва уни амалга ошира олиш маҳоратига эга бўлиши;

11. Ўқув режасидаги барча фанларни дастур доирасида билиш ва раҳбар бўлиш учун етарли педагогик иш тажрибасига ва маъмурий қобилиятга эга бўлмоғи керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактабнинг ички бошқарув тизимини тўғри ташкил этишда раҳбарнинг обрў-эътибори ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Обрў-эътибор чуқур ижтимоий-иқтисодий ва тарихий илдизларга эга бўлган мислсиз хусусиятдир.

Обрў-эътибор ходимларнинг иш услубини ифодаладиган фаолиятнинг турли жиҳатларига, раҳбарликнинг мезон ва ақидаларига оғишмай риоя этилишига бевосита боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси субъектив ҳарактердаги омиллар бўлиб, уларни муайян шахслар рўёбга чиқаради. қулай маънавий руҳий вазият обрў-эътиборнинг ҳаётбахш манбаидир.

Обрў-эътибор ходим ҳарактерининг ички белгиларига боғлиқ бўлади. Ташқи вазиятлар унинг ривожланишига кўмаклашиши ва уни рағбатлантириши мумкин. Агар раҳбарнинг амалий ва сиёсий хусусиятлари ўзи эгаллаб турган лавозимга мос келмаса, у оқибат натижада ўзига топширилган иш соҳасини узоқ вақт, малакали ва самарали идора қила олмайди. Ҳар бир киши ўз обрў-эътиборини ўз меҳнати билан яратади. Раҳбар ходим эса ўз обрў-эътиборининг биринчи ва асосий ижодкоридир. Раҳбар мавқеини унинг эгаллаб турган лавозими ва бошлиқларнинг қўллаб-қувватлаш эмас, балки унинг ўз ишига муносабати, буйсунувчилар ва меҳнаткашларнинг унга бўлган муносабати белгилайди. Обрў-эътиборли раҳбар жамоанинг ғоят ҳурматли аъзоси, жон-тани ва ақл идроки устози ва мураббийсидир.

Республикамиз мактаблари истеъдодли ташкилотчиларга бой. Уларнинг тажрибаси бугунги кунда мактаб ишини қайта қуриш ва уни янада такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этиб, халқ маорифини бошқаришни такомиллаштиришда намуна ва таянч бўлиб хизмат қилади.

Мактаб жамоасидаги соф "психологик иқлим" педагогик меҳнатнинг унумдорлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан биридир. Жамоада инсон ижтимоий онг мезонларига бўйсунди. Шунинг учун ҳам педагоглар жамоасидаги "психологик иқлим" ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларда юксак маънавий фазилатларни шакллантиришда қулай шароит туғдириши, фаолиятнинг ижобий асосларини ривожлантириши ва мактаб ходимларини педагогик меҳнатга фаол, ижодий, виждонан муносабатда бўлишга одатлантиришда жуда муҳим бўлиб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабда педагоглар меҳнати яхши ташкил этилса, таълим-тарбия самарасидан ва ўз ишидан қониқиш юксак бўлади, педагогик меҳнат интизомини бузиш эса камаяди. Ўқитувчи ва тарбиячилар меҳнатини ташкил этишдаги хато ва камчиликлар кишилар психологиясига салбий таъсир кўрсатади, уларнинг фаоллигини пасайтиради, педагоглар жамоасидаги "психологик иқлим"ни ёмонлаштиради ва ҳатто бузиб, ёзишмалар содир бўлишига сабаб бўлади. Бундай аҳвол эса жамоанинг бир маромда меҳнат ишини янада такомиллашувини тўхтатиб қўяди.

Демак, ҳар бир раҳбар мактаб жамоасидаги "психологик иқлим"ни ҳар доим бир маромда ушлаб туришга алоҳида эътибор бериш билан бирга, бу иқлимни бузилишига мутлақо йўл қўймаслиги ва уни мунтазам равишда мустаҳкамлаб бориши лозим.

Ҳар бир мактаб жамоаси (метод бирлашма аъзолари, кутубхона ва синф ўқувчилар жамоаси) ўзини бошқа жамоалардан ажратиб турувчи ўзига хос белгиларга эга бўладилар. Бу белгиларни таърифлаш учун аввало, мазкур жамоа умуммактаб жамоаси ичида қандай ўрин тутишини аниқлаб олиш, унинг педагогик меҳнатдаги кўрсаткичлари, меҳнат шароитлари ва меҳнатни ташкил этиши қандай, моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими қай даражада такомиллашган, бу педагоглар жамоасидаги "психологик иқлим" қандайлигини билиб олиш керак.

Мактаб ходимларининг бир-бири билан муносабати икки хил расмий ва норасмий усулда амалга ошади.

Расмий усул ўқитувчи ва тарбиячиларнинг педагогик жараён ва ижтимоий фаолиятидаги маъмурий жиҳатдан мустаҳкамланган расмий алоқаларини кўрсатиб боради ва у педагогларнинг лавозим бурчларидан келиб чиқиб ўзаро муносабатларга кўра белгиланади. Норасмий усул шахсий симпатия ва антипатия асосидаги норасмий муносабатларни, муносабатларнинг умумийлигини, характерларнинг ўхшашлигини, ўзаро бир-бирини тушунишни ифодалайди. Ҳар иккала усул ҳам доимо бир-бирига ўзаро таъсир қилиб туради. Шу туфайли норасмий муносабатларни расмий алоқалар тизими орқали тартибга солиб туриш мумкин. Жамоа аъзолари муносабатлари ва обрўилигининг ички норасмий тузилишини билан жамоани янада самаралироқ бошқаришга имкон беради.

Бошланғич педагогик меҳнат жамоасини шакллантиришда унинг миқдори маълум аҳамиятга эга. Текширишлар ва тажриба шуни кўрсатадики, жамоада энг ками 10-15 киши, кўпи 25-30 киши бўлганда улар тезроқ бирлашадилар. Ўта кичкина жамоа ва ўта катта жамоалар ҳам кишиларнинг бир-бири билан муносабатда бўлишини қийинлаштиради. Кичик жамоаларда "бирга бўлиш" мумкин бўлган кишиларни танлаш имконияти кам бўлади.

Катта жамоалар эса айрим гуруҳларга бўлиниб кетади, - бу эса жамоанинг бир бутунлигига, жипслигига путур етказди.

Мактаб жамоаси одатда ёши ва характерининг ўзига хос хусусиятлари турлича бўлган, турлича касбий тайёргарликка ва лавозимга, турлича қобилият ва маҳоратга эга бўлган кишиларни бирлаштиради. Бу эса раҳбарлардан ўз қўли остидагиларнинг ҳар бирига нисбатан ўзига хос муносабатда бўлишни талаб қилади.

Психологик одоб энг самарали таъсирини ва психологик жиҳатдан кўп қўлланишни таъминловчи муомала шаклини танлашда қўйиладиган талабларнинг ихчамлигида намоён бўлади. Чунончи, масалан, мактаб раҳбарлари қониқарсиз иш юзасидан турли хазилдан тортиб, айрим ҳолларда ҳатто кескин танбеҳ бериши мумкин. Бундай ҳолларда раҳбарнинг таъсири турлича бўлади, албатта. Баъзан шароитнинг ва кишиларнинг ўзига хос хусусиятларн турли-туманлигини ҳисобга олмай, нотўғри танлаган гапириш оҳанги ва таъсир кўрсатиш шакли туфайли кишилар ўртасидаги низоли вазиятлар вужудга келади. Мактабда низоли вазиятлар турли сабабларга кўра вужудга келиши мумкин. Шунинг учун мактабдаги низоли вазиятлар олдини олишнинг барча имкониятларидан кенг фойдаланиш лозим. Низо қандай хусусиятга эга бўлмасин ва у қай даражада катта бўлмасин, барча ҳолларда низоли сабаблари ҳамда уни вужудга келтирган ҳолатлар диққат билан таҳлил қилиниши керак. Раҳбар ҳар бир ҳодисанинг сабабини одиллик билан аниқлаши ва тегишли хулоса чиқариши шарт. Бундай ҳолларда низоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўли - ўқитувчи ва тарбиячиларни таълим-тарбия жараёнини бошқаришга жалб этишнинг хилма-хил шаклларида кенгрок фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу жуда ҳам ошкораликка, жамоа фикрини аниқлашга, таълим-тарбия масалаларида жамоанинг ҳар бир аъзоси ахборотига имконият беради. Эркин фикр алмашиш, ишга доир мунозара учун шароит яратиб бериш, танқидий мулоҳазаларга тўғри фикр билдириш жуда ҳам муҳимдир.

Мактабнинг педагоглар жамоаси раҳбарнинг ҳатти- ҳаракатлари доимо хизмат манфаатлари томонида тақозо қилганлигига ишонса, раҳбарнинг обрўси ошади, бу эса жамоада тўғри муносабатлар ўрнатилишига ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Бошқарилувчи тизимча қандай бошқариш манбаларига бўлинади?
2. Мактабни бошқариш қандай жараён?
3. Мактабни тўғри бошқаришнинг муҳим шартлари нималардан иборат?
4. Мактаб раҳбарлари қандай фазилат ва хусусиятларга эга бўлишлари керак?

5-Мавзу: МАКТАБ ИЧКИ БОШҚАРУВИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ПЕДОГОГИК ЙЎНАЛИШЛАРИ. РЕЖА:

1. Мактаб директори ва педагоглар жамоаси;
2. Мактаб директорининг асосий вазифалари;
3. Мактаб маъмурияти ходимлари ўртасидаги иш тақсимооти.

Таянч иборалар:

Мактаб директори, педагоглар жамоаси, ички бошқарув, иш-ҳаракат, тарбиявий ишлар, синф раҳбари.



*Бош=аришда раҳбар ва ходимлар ўртасидаги муносабатларнинг
ўрни =андай?*

Мактаб ичидаги педагогик меҳнатни ташкил қилиш кишиларни, аввало уларнинг биргаликда бажараётган меҳнатлари жараёнини ташкил этишдир. Жамоа меҳнатига раҳбарлик қилишдаги энг муҳим шартлардан бири меҳнат ходимларининг олдида турган вазифаларни яхши бажаришга имкон берадиган қилиб ташкил этишни таъминлашдир.

Ўсиб келаётган ёш авлодга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, уларни юқори даражада ахлоқли қилиб тарбиялаш вазифаларини кўплаб ўқитувчи, тарбиячи ва техник ҳамда хўжалик ходимларининг умумий меҳнати жараёнида ҳал қилинади. Лекин бу меҳнатнинг муваффақияти кўп жиҳатдан уларнинг кучлари қандай йўналтириладилигига, мақсадлар бирлиги ва ҳаракатлар мувофиқлиги қандай таъминланаётганлигига боғлиқдир. Акс ҳолда биргаликда қилинаётган меҳнат қатнашчилари бир-бирларидан айрим ҳолда, ўзларича алоҳида ҳаракат қилиб, бир-бирларига ҳалақит беришлари ва меҳнатнинг самарадорлигини пасайтириб юборишлари мумкин. Мақсадларни тушуниш бирлигини амалда юзага чиқариш, сўнгра бу мақсадларга эришиш жараёнида ўзаро алоқаларни таъминлаш ва ташкилий-педагогик ишларни ўз вақтида тўғри амалга ошириш мактаб ички бошқарувининг муҳим вазифасидир.

Мактаб директори педагоглар жамоаси аъзоси бўлиб, у ўз жамоаси томонидан чиқарилган барча қарорларни бажаришга мажбурдир. Лекин, директорлар кўпинча мазкур қарорларни бажарилишини ташкил этувчи ва шу қарорларнинг қабул қилинишини таъмин этувчи сифатида иш кўриши лозим бўлади. қарорларнинг қабул қилинишида директор жамоа билан кенгашиб иш кўради, қарорларни бажарилишини ташкил этишда эса, директор яккабошчилик принципида иш тутлади. Директор жамоанинг бирор муҳим масаласидаги фикрини аниқлаб ёки жамоа фикрини таркиб топтириб, сўнгра кўпчилиكنинг шу фикрини жамоа қарори шаклида расмийлаштиради, хатолар қилишдан ўзини сақлаган бўлади.

Амалда педагоглар жамоасининг қарори ҳамма вақт ҳам кўпчилиكنинг фикрини ифода этавермайди. Бу кенгаш талабларига расмийлаштириш билан риоя қилиш оқибатидир (бундай ҳолда масалани асосан бир киши ҳал қилади, бошқалар эса фақат овоз берадилар). Мактабга раҳбарлик қилишда коллегиял кенгашни тўлароқ таъминлаш учун қуйидаги шартларга риоя қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳар қандай фикрларни, муҳокама қилинаётган масалани ҳал қилишнинг ҳар қандай усуллари бемалол баён этиш (баъзида қимматли фикрлар, моҳияти

жиҳатидан янги бўлган таклифлар одатдаги таклифларга ўхшамаганлиги сабабли айтилмай қолади);

- жамоа бўлиб изланиш руҳи, ўртага қўйилган вазифаларни кўплашиб ҳал қилиш, ҳар бир масалани ҳал қилиш вариантларини ишчанлик билан муҳокама этиш;

- жамоанинг ўз кучини ҳис қилишга имкон берадиган ҳуқуқларини кенгайтириш, қабул қилинадиган қарорлар учун маъсулиятини ошириш;

- Жамоа фикрини ҳурмат қилиш.

Мана шундай тартибда ташкил этилган ички бошқарув-сўзсиз ўзининг яхши натижаларини беради. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, педагогик жамоа ишининг даражасини фақат иш-ҳаракат бирлиги кўрсата олади. Иш -ҳаракат бирлиги тарбиявий вазифаларни ҳал қилишда, айниқса, муҳимдир.

Педагоглар жамоасининг ғоятда юксак бирлигининг, бутун кучининг уйғунлигини, ишларни мувофиқлигини таъминлаш оқибат натижада мактабни бошқариш ва уни ғоят даражада ишга лаёқатли қилиш шартларидан биридир. Бу муаммони ҳал қилишнинг қийинлиги ўз - ўздан кўриниб турибди. Мактаб жамоаси фикр юритиши, ҳаётий тажрибаси, иш стажи, маълумоти ва малакаси турли хилда бўлган кишилардан иборат. Ҳар бир ўқитувчи қанчалик куч - ғайрат сарфламасин айрим ходимлар қанчалик кучли бўлмасин, агар улар ишга юзаки қарасалар, муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шу ўринда мактаб ички бошқаруви тизимида жамоа бирлигини таъминлашнинг баъзи вазифаларини кўрсатиб ўтамиз:

- а) раҳбарларнинг муайян мақсадларни кўзлаб иш тутиши, жамоа олдида турган вазифаларни аниқ билиши;
- б) раҳбарнинг бу вазифаларни бутун ходимларнинг онгига етказа билиши, жамоанинг бу вазифаларни бир хилда тушунишини таъминлай олиш қобилияти;
- в) жамоа томонидан талабларнинг бир хил тизимининг (бир хил дидактик талаблар ўқувчиларнинг хулқи, дафтарларни тутиши ва ҳоказолар тўғрисида бир хил талаблар) ишлаб чиқиши;
- г) талабларнинг бир хиллигини таъминлашга жамоат ташкилотларини жалб қилиш;
- д) бир хил талабларнинг бажарилишини, мунтазам ўрганиш ва уни педагогик таҳлил қилиш йўли билан зарур кузатишлар киритиш.

Мактаб ички бошқарувини ижтимоий бошқарувнинг ана шундай тартиб-қоидалари асосида ташкил этиш ҳозирги давр талаблари асосидаги бошқарувдир.

Директор мактабнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади. Директорлик вазифасига энг яхши, тажрибалик ўқитувчилар орасидан маъмурий-ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, олий маълумотли ва камида уч йилик педагогик иш стажига эга бўлган кишилар республикаларнинг пойтахтларида шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан туман шаҳар халқ таълими бўлимлари тақдимида биноан, вилоятларда эса шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари тавсиясига биноан вилоят халқ таълими бош бошқармалари томонидан тайинланади.

Мактаб директори ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим - тарбия ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши, шунингдек ўзига топшириб қўйилган мактабнинг хўжалик - молиявий аҳволи учун давлат олдида жавобгар шахс ҳисобланади.

Мактаб директори педагоглар жамоасига раҳбарлик қилиш билан бирга, ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйишни таъминлайди, ходимларнинг ғоявий-сиёсий савиясини ва малакасини ошириш, мактабнинг ўқув-моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаш учун зарур шароит яратади; ўқитишининг ғоявий-сиёсий йўналиши, ўқувчилар билимининг сифати ва ўқувчиларнинг хулқ-атворининг, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни ва ташкил этилишини назорат қилиб туради; ўқувчиларнинг касб танлаши юзасидан иш олиб беради; ўқувчиларнинг ўз-ўзини бошқариш ишини йўлга солиб туради, ўқувчи-ёшлар ташкилоти, ўқувчилар комитетига ва шунингдек мактабдаги бошқа ташаббускор ташкилотларга ёрдам бериб туради.

Мактаб ўқувчиларининг ота-оналари ва жамоатчилик билан олиб бориладиган ишини ташкил этади; ота-оналар комитети ишини йўлга солиб туради.

Меҳнат тўғрисидаги қонунларга, меҳнат ички тартиб қоидаларига ва мактаб Уставига мувофиқ суратда мактаб ходимларининг вазифалари доирасини белгилайди; мактабда раҳбарлар ўртасида иш таксимлайди.

Мактабда меҳнат ички тартиби, санитария - гигиена режими, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя этилишини таъминлайди.

Мактаб фаолиятида умумий мажбурий (таянч) таълимни амалга оширилади. Мактабнинг бошқа ташкилотлар, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинати, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ҳамкорлиги ишларини бошқаради. У мактаб маблағларини мутасаддисидир. Мактаб директорининг таълим-тарбия ишлари, ишлаб чиқариш таълими, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси (мактаб директорининг ўринбосари ҳукуқи билан) ҳамда директорнинг хўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари мавжуддир. Айрим тилларни (ҳинд, араб, форс, француз, немис, инглиз тили кабилар) чуқурлаштирилган дастур асосида ўқитиладиган махсус мактабларда эса мазкур тиллар бўйича ҳам директор ўринбосари мавжуддир.

Директорнинг таълим-тарбия ишлари бўйича шуғулланувчи ўринбосари мактабдаги таълим-тарбия жараёнини тўғри ташкил этилиши учун, ўқув дастурларининг бажарилиши дарсларнинг ва ўқувчилар билимнинг сифати учун жавобгардир; у таълим-тарбия ишини йўлга қўйилишини, ўқувчиларнинг фан асосларини ўзлаштиришини ва хулқ- атворини назорат қилиб боради; мактабнинг педагог ходимларига йўл- йўриқлар беради ўқувчиларга берилаётган топшириқлар ҳажмини тартибга солиб туради; мактабни методик ишларини ташкил қилади; ўқув машғулотлари жадвалини ва таълим-тарбия ишларини аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни тузади.

Ишлаб-чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари мактабда ўргатилаётган ихтисос юзасидан ишлаб-чиқариш таълими ва ишлаб- чиқариш меҳнатини ташкил этади, ўқувчилар ишлаб-чиқариш бригадаларидаги, ўқувчилар ишлаб-чиқариш устахоналаридаги ўқув- тажриба хўжалиги ва база

корхонасидаги ишларга раҳбарлик қилади ўқув устахонасидаги меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига риоя этилишини назорат қилиб боради.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишини ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнатини ташкил этади ва шу ишларни олиб боради, синф раҳбарларига, ўқитувчилар, тарбиячиларга ҳамда мактаб ўқувчиларининг синфдан ташқари машғулотларига раҳбарлик қилади ва уларга педагогик ёрдам беради.

Директорнинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари мактаб бинолари ва мактаб мулкани сақланиши, ўқув жараёнини моддий- техника билан таъминлаш, мактаб биноларида озодалик ва тартиб бўлиши, мактабни ўқув машғулотлари бошланишига ўз вақтида тайёрлаш, ёнғиндан сақлаш чораларини кўриш, ёрдамчи ходимлар ишини тўғри ташкил этиш учун жавобгардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги даврда мактаб раҳбарлари таркибини сайлаб қўйиш, уларнинг педагогик жамоалари олдида мунтазам ҳисоб бериб туришлари каби раҳбар кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйилишининг самарали шакллари амалга оширилмоқда. Бу раҳбар ходимларнинг мамлакатимизда кучайиб бораётган ўзгаришлар билан баб-баробар дадил қадам ташлашларининг муҳим гаровидир.

Мактабни чинакамига тўғри бошқаришни таъминлаш учун директор аралашishi аслида лозим бўлмаган ҳамда унинг кўп вақтини оладиган жуда кўп иккинчи даражали ишлар ва ташвишлардан ўзини халос қилиш керак. Хўш, мактабни бошқариш вазифаларининг қайси бири муҳим, мактаб директори ўз кучини асосан нимага сарфлаши лозим?

Бу саволга жавоб бериш учун бошқариш назариясидаги шу масалага доир бўлган ҳамда қоида ва кўрсаткичларга мурожаат қиламиз. Бунда раҳбарлик қилишдаги иш услубини, шунингдек, бу масала юзасидан билдирилган фикрлар билан танишган тадқиқотчилар ўз амалий ишида, бошқариш меҳнатини тақсимлашда қуйидагиларга асосланганлигини таъкидлайдилар:

1. Тизимни ташкил этишни ишлаб чиқиш; тадқиқот, лойиҳалаш, иш тажрибасини белгилаш. Бу эҳтиёткорликни, диққат билан ўйлаб иш кўришни талаб этадиган, шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайдиган муҳим босқичдир;
2. Ишни юқорида белгиланган тартибга, тизимга мувофиқ такрор бажариш;
3. Амалда бажаришнинг белгиланган тартибга, тизимга мувофиқлигини текшириш.
4. Маромдаги ишни бузилишини, қийинчиликларни, тўсиқларни бартараф этиш.

Бошқариш иш услубининг мазкур тузилишини асос қилиб олиб, мактаб директори иш фаолиятини туўрт турга ажратиш мумкин. Буларга алоҳида тўхталиб ўтамиз:

1. Олинган ахборот асосида қарор қабул қилиш. Мактаб директори вазифасининг бу турида маълумотларни педагогик таҳлил қилиш ва уни умумлаштириш асосида ишнинг яқин ва келажак истиқболларини белгилаш, яъни режалаштириш, ишнинг аниқ вазифаларини, мақсадлари ва вазифаларини

белгилаш. Келажакни олдиндан кўриш, ўқув-тарбия ва хўжалик ишининг қандай аҳволдалигининг ҳақиқий даражасини ва уни режалаштириш даражасини белгилаш, уларни таққослаш, имкониятларни ҳисобга олиш, вариантларни танлаш, мактабнинг ривожланиш йўлини белгилаш. Мазкур вазифаларни етарли даражада амалга оширмасик мактаб директори ва бутун жамоа вақти ҳамда меҳнатининг унумсиз сарфланишига олиб келади. Булар айтилиши пайтда энг маъсулиятли вазифалар ҳамдир, чунки директорнинг масалаларни ҳал қилишдаги ҳатоси кўп кишиларнинг беҳуда меҳнат қилишига сабаб бўлади. Кўпинча назорат қилиш жараёнидаёқ умумлаштириш юзага келади, дастлабки ҳулосалар таркиб топади. Лекин, меҳнатнинг бу турини асосли равишда ажратиб кўрсатиш керак, чунки, у ҳам бошқа ишлардан масалан, ўқувчиларнинг узлаштириши тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, бу маълумотларни тўплашдан анчагина фарқ қилади.

Директорнинг бу вазифалари унинг қуйидаги фаолият турларида: мактабнинг ҳафта, ой, чорак, йил, бир неча йил мобайнидаги ишлари якунини таҳлил қилишда алоҳида фикрлар, паралел синфларга доир ишларнинг якунини таҳлил қилишда, ҳисобот тузишда, кундалик, ҳафталик ишларни режалаштиришда, мактабнинг яқин даврлар учун иш режасини тузишда, ишнинг айрим турлари бўйича бир неча йилга истикбол режасини тузишда, ўз мактабининг материаллари асосида маърузалар, мақолалар тайёрлашда, педагогик адабиётларни ўрганиш ва ҳоказоларда ўз ифодасини топади.

2. қабул қилинган қарорларни бажарилишини ташкил этиш, қарорларнинг асосий ғояларини уларни ижро этувчиларга билдириш керак. Бу ғояларни билиш қарорларни тушуниб ижро қилишни таъминлайди. Вазифаларни бурч ва ҳуқуқларининг мактабда қабул қилинган тақсимотига мувофиқ аниқлаштириш. Олинган маълумотларга асосан ишни кўриб чиқиш, камчиликларни тузатиш.

Директорнинг бу вазифаси амалга ошириладиган фаолият турларига ҳар хил йиғилишлар фаолларнинг йиғилишлари, линейкалар, касаба уюшмаси йиғилишлари, ишлаб-чиқариш қисқа йиғилишлари, планеркалар, инструктор кенгашлар) радио орқали суҳбат, ота-оналар йиғилиши, ота-оналар комитетининг ёрдам кўрсатиш комиссиялари, методик бирлашма мажлислари, ўқитувчилар билан инструктор суҳбатлар, техник ходимларнинг кенгаши, ходимлар танлаш ва улардан тўғри фойдаланиш.

3. Ахборот алоқаларини амалга ошириш. Ўқув-тарбия жараёнини қандай аҳволдалиги тўғрисида доимий равишда ишончлик маълумотлар олиш. Давлат ўқув дастурларини бажарилишида, талабаларда бирлик бўлишига риоя қилинишини назорат қилиш кабилар қиради.

Бунга фаолиятнинг қуйидаги турлари тўғри келади: ўқувчиларнинг билимини ва тарбияланганлик даражасини аниқлаш (контрол ишлари олиш, имтиҳонлар ўтказиш, дарсларни кузатиш, иншолар ёздириш, анкеталар тўлдириш, болалар билан доимий равишда алоқада бўлиш), ўқувчиларнинг уйига бориш, ўқувчилар ва синф раҳбарлари ҳисоботларини эшитиш, дафтарларни, кундаликларни, синф журналларини ва бошқаларни текшириш, ўқитувчилар, ўқувчилар, ота- оналар билан суҳбатлашиш.

Мактаб директорининг вазифаси ўз мактаби шароитида бу вазифаларни аниқлаштириш ва уларни бажаришни ташкил этишдан иборатдир. Ўқитувчи ва

тарбиячилар олдига ёшларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш вазифаларини тўғри қўйиш учун мактаб раҳбари сиёсий, илмий-методик, умумий-педагогик ва юқори мактабшунослик илмига эга бўлиши зарур. Мактаб ҳаётида кутилмаган мураккаб вазиятлар туғилиб қолса, у бу вазифаларни изчиллик ва қатъиялик билан амалга ошириш учун мустаҳкам эътиқодли, юқори савияли тadbиркор ҳам бўлиши керак. Мактаб директори педагогик жараёни текшириб бориб ўқитувчиларнинг фаолиятини ҳар куни баҳолаб йўлга солиб туради, бинобарин ўқувчиларни ақлий жиҳатдан тарбиялашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан директорнинг ўқитувчиларга берган мазкур баҳолари ва йўл-йўриқларига қандай ғояларга амал қилишига, унинг бу борадаги эътиқодига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам педагоглар жамоасининг раҳбар ходимлари чуқур фалсафий маълумотли ва юксак ғояли бўлишлари жуда ҳам муҳимдир, чунки, ўқувчи - ёшларни ҳар томонлама тарбиялашни ташкил этиш директорнинг кундалик педагогик меҳнатининг зарур қисми ҳисобланади,

Мактабдаги таълим-тарбия ишларини ҳозирги даврнинг талаблари асосида ташкил этиш ва уни такомиллаштириб боришда ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг онгли интизоми муҳим аҳамиятга эгадир. Интизом инсоннинг муаяян талабларини, вазифаларни, ахлоқ қоидаларини бажарилишини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ҳуқуқига мувофиқ меҳнат интизоми корхона, муассаса, ўқув даргоҳи ва ташкилотда ҳақиқий мезонлар билан ўрнатилган ички меҳнат тартиботи бўлиб, у кишиларнинг меҳнат жараёнидаги юриш-туриш қоидаларини ҳамда бу қоидаларга риоя қилишни таъминлаш чораларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 58-моддасида: "... ҳалол меҳнат қилиш ва меҳнат интизомига риояқилиш меҳнатга лаёқатли ҳар бир Ўзбекистон фуқаросининг бурчи ва шарафли ишидир" дейилган. Мазкур бурч меҳнат қонунчилиги мезонларида аниқлаштирилган ва у асосан ички интизом тартиб қоидаларига риоя қилишда намоён бўлади, бу қоидаларни тегишли касаба уюшмаси ташкилотларининг розилиги билан корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг маъмурияти тасдиқлайди.

Ҳозирги шароитда юқори даражали меҳнат интизомига эришиш имкониятини берадиган воситалар меҳнаткашларни ишонтириш, тарбиялашдан, уларни маънавий ва моддий рағбатлантиришдан иборат. Бундан ташқари, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қилишдан манфаатдор бўлган маъмурият ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатини тўғри ташкил этиш, юксак иш унумдорлиги ва ижодий меҳнат қилиш учун зарур шароит туғдириши ва шу билан бирга ўзи ҳам меҳнат тўғрисидаги қонунларга қатъий риоя қилиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқув интизоми ўз хусусиятларига эга бўлиб, булар мактабнинг таълим-тарбиявий мақсадлари ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари билан белгилайди. Шу билан бирга у ижтимоий интизомнинг ҳам асосий хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Мактабда ўқитувчи, тарбиячи, техник ходим ва ўқувчиларни мактабга (мактаб ички режими дарс жадвалига асосан) ўз вақтида келиб- кетишга ва уй вазифаларини ҳалол адо этишдан ташқари, мактаб ишини режалаштириш ва

режа тадбирларини ўз вақтида бажариш интизоми, молия-хўжалик ишларини интизоми, дарс жадвалини тўғри тузиш, ўқув-тарбия ишларини тўғри ташкил қилиш интизоми, синфдан ва мактабдан ташқари ишларни режалаштириш ва уни амалга ошириш интизоми, мактаб кутубхонаси иш мазмунидаги интизом, мактабни ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларининг интизоми каби интизом турларини кўриш мумкин.

Буларнинг бажарилиши ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи, ходимнинг, қолаверса, мактаб педагоглар жамоасининг онгли меҳнат интизомига, ана шу интизом руҳида тарбияланганлик даражасига боғлиқ. Демак, бу масалага мактаб маъмурияти ва касаба уюшма ташкилотлари ўз эътиборларини алоҳида қаратишлари билан бирга, бу борада улар мустаҳкам ҳамкорликда иш юритишлари лозим.

Мактабда ўқувчилар интизоми-жамоанинг бирдамлик ва ижодий фаоллик интизоми бўлиб, ўқувчилар жамоаси олдида турган вазифаларни ҳал этишга қаратилгандир. Бизнингча, мактабдаги онгли интизом маълум бир ҳатти-ҳаракатларни таъқиқлаш билан чекланмайди. Аввало у аниқлик, уюшқоқлик, жавобгарлик талабларини кўяди. У ўқувчиларнинг фаолиятини фақат таъқиқлаш эмас, балки йўлга солишни ташкил этишга асосланади. Ҳар бир ўқувчи ташаббус ва иродага эга. У ўз ўртоқларида ташкил топган жамоа билан умумий вазифаларнинг бажарилиши учун курашади, ўзига ва бошқаларга интизомли бўлиш талабларини кўяди.

Ҳар бир ўқувчида интизомли бўлиш одатини тарбиялаш уни ҳарактер ҳислатига айлантириш ахлоқий тарбиянинг маъсулиятли вазифасидир. Интизом ўқувчиларни тарбиялаш натижаси ва воситаси бўлиши керак.

Юқорида баён этилган фикрлардан маълумки ҳозирги кунда педагоглар ва ўқувчилар жамоасининг ҳар бир аъзосида педагогик меҳнатга нисбатан онгли интизомни тарбиялаш ва уни мустаҳкамлаш мактаб ички бошқарув тизимидаги асосий масала бўлиб ҳисобланади. Мадомики, шундай экан умумтаълим мактабининг ҳар бир раҳбари, ундаги жамоатчилик ташкилотлари мазкур масалага ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда алоҳида эътибор билан қарашлари лозим.

Мактаб ички бошқаруви тизимида маъмурият ходимларининг раҳбарлик фаолиятини тўғри ташкил этишнинг муҳим шарти мазкур ходимлар ўртасида ишни тўғри тақсимлашдир.

Мактаб директори ўз ўринбосарлари билан, айниқса, ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари билан келишиб ишлаши керак. Директор барча раҳбарлик ишлари ўз қўлига олиб илмий бўлим мудирини фақат ёзув-чизув ишлари билан шуғулланувчи ходим, мактабнинг "ўқув-тарбия ишлари бўйича котиб", "ўқув-тарбия масалалари бўйича идора мудирини" даражасига ёки фақат директориинг буйруқларини бошқарувчи шахс даражасига тушириб қўймаслиги лозим. Ёки директор мактабнинг барча таълим-тарбия ишларини илмий бўлим мудирига ташлаб қўйиб, ўзи фақат маъмурий-хўжалик ишларига раҳбарлик қилиш билангина чекланмаслиги керак.

Мактаб раҳбарлари ўртасида вазифаларни тўғри ва аниқ тақсимлаш тўғриси бошқарувнинг муҳим шартидир.

Мактабга раҳбарлик қилишда директор билан ўқув ишлари бўйича ўринбосарнинг вазифалари ўртасида бирмунча фарқ бўлиши керак.

Кўп мактабларнинг иш тажрибасига қараганда мактаб раҳбарлари ўртасида вазифалар, асосан, шундай тақсимланиши мақсадга мувофиқдирки, бунда директор қуйидаги ишларга раҳбарлик қилиши лозим:

1. Барча хўжалик, молия-смета ва маъмурий-ташкилий ишлар: бунга мактабни ўқув йилига тайёрлаш, таъмир қилиш, ёқилғи илан таъминлаш, бюджетнинг бажарилиши маъмурий-техник ходимлар танлаш ва уларни ишига раҳбарлик қилиш;
2. Ўқув ишлари: педагог ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ўқитувчи-тарбиячилар, синф раҳбарлар иш режасини тасдиқлаш, ўқитувчиларнинг дарслигини ва қўшимча машғулотларини илмий бўлим мудир билан бирга кузатиш, синф журналларини, ўқувчиларнинг кундалик дафтарини текшириш ва уни натижаларини таҳлил қилиш.
3. Ўқувчиларни иссиқ овқат ва қишлоқ жойларида қатнов воситалари билан таъминлаш, санитария-соғайтириш ишларига раҳбарлик қилиш;
4. Педагоглар кенгашига ва педагогларнинг директор ҳузурига чақириладиган йиғилишига раҳбарлик қилиш: синф раҳбарлари метод бирлашмаларининг ва фан комиссияларининг режаларини тасдиқлаш;
5. Синф раҳбарларининг ишига раҳбарлик қилиш;
6. Ўқувчиларнинг синфдан ва мактабдан ташқари ишларига раҳбарлик қилиш. Директор бу ишни ҳам илмий бўлим мудир билан биргаликда бажаради, бунда уларнинг ҳар бири ўзи кўпроқ биладиган ишга раҳбарлик қилиши мақсадга мувофиқ бўлади;
7. Ўқувчи-ёшлар ташкилоти ишларига раҳбарлик қилиш;
8. Ота-оналар кенгаши ишларига, аҳоли ва ота-оналар ўртасидаги таълим-тарбия, илмий ва сиёсий тарғибот ишларига раҳбарлик қилиш;
9. Имтиҳонларга умумий раҳбарлик қилиш, имтиҳон билетларига киритиладиган амалий топшириқларни тасдиқлаш, ўрта маълумот ҳақидаги аттестатни олиш имтиҳонларига ва тўққизинчи синфни битириш имтиҳонларига бевосита раҳбарлик қилиш;
10. Ўқитувчиларнинг ғоявий-сиёсий ва маданий савиясини, умумий-илмий ихтисос, педагогика ва методика соҳасидаги малакасини оширишга раҳбарлик қилиш;
11. Мактаб фаолиятида ўрта умумий ва таянч таълимни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилиш;
12. Бундан ташқари, директор мактабнинг умумий иш режасини тузиш, халқ маорифи бўлимига ҳисобот бериш ишларига раҳбарлик қилади, муассасалар билан мактаб ишлари ҳақида маслаҳатлашиб, улар билан ҳамкорликдаги ишларни амалга оширади;
13. Илмий бўлим мудирлари синф ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчисининг, ўқувчи-ёшлар ташкилоти ишини, марказлашган ҳисобхона ва хўжалик ишларини назорат қилиб боради. Мактаб бўйича статистика ишларини тўғри юритилишига раҳбарлик қилади. Мактаб директори мактаб ўқув-тарбия ишлари бутун тизимини мутаносиблаштириб боради.

Мактаб ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари ўқув-тарбия ишларини йўлга қўйишда ташаббускор бўлади, ўқувчиларга мустаҳкам ва сифатли билим беришни бошқаради. Ўқув дастурларининг ўз вақтида бажарилишини назорат

қилиш вазифаси ҳам зиммасида бўлади, дарсларни сифатли ва самарали бўлишини, таълимнинг фан хоналари тизимида олиб борилишини, ўқитувчиларнинг ахборот ва электрон ҳисоблаш техникаси, кўргазма, техника воситаларидан тўла-тўқис фойдаланишларини таъминлайди. Ўқувчиларга бериладиган топшириқларнинг мактаб Низоми талаб қилган даражада бўлишини, болалар билимининг тўғри ҳисобга олинишини, кундалик дафтарларнинг юритилишини, ҳамма фанлар бўйича ўқув қуроллари ва дафтарларнинг тўғри тутилишини уюштиради. Мактабда мавжуд метод бирлашмаларнинг самарали ишларини таъминлайди. Дарс жадвалини тузади, ўқув-тарбия ишларига оид ҳисобот ишларини юритади. Мактабнинг ички ва ташқи жиҳозланиши ва ички қисмининг тоза, гигиена талабларига мос, тартибли бўлишини таъминлайди. Физика, химия, биология, тил ва адабиёт, меҳнат бўйича метод бирлашмаларга раҳбарлик қилади.

Илмий бўлим мудирини бошланғич синфлардаги ўқув-тарбия ишларига раҳбарлик қилади. Шу синфларда фанлар бўйича дастурнинг бажарилишини, ўқувчилар билимининг мустаҳкам, чуқур бўлишини таъминлайди. Иккинчи сменадаги синфларда намунали ҳуққ учун курашга бошчилик қилади. Синфларда кундаликнинг юритилишини, болалар билими ҳамма вақт тўғри ҳисобга олиб борилишини назорат қилади. Дафтарлар тутиш ва ёзувни яхшилашни кузатиб боради, амалий тадбирлар белгилайди. Қуни узайтирилган гуруҳлар ишларига раҳбарлик ва назорат қилади. Иккинчи сменада ишлайдиган синф раҳбарларининг фаолиятига раҳбарлик ва назоратни амалга оширади ҳамда синфларда тозалик бўлишига, ўқувчиларнинг кийимига, бошланғич синфлар, биология, тарих-география метод бирлашмалари фаолиятига раҳбарлик ва назоратни амалга оширади.

Чет тили ва араб тили бўйича илмий бўлим мудирини мактабда чет тили ва араб тилидан ўқув тарбия ишларининг самарадорлигини ошириб боришда, ўқувчиларнинг араб ва чет тилига бўлган иштиёқини ошириш, билимларни мустаҳкамлашда бошчилик қилади. Араб ва чет тили метод бирлашмасининг унумли ишлашига, ўқитувчиларнинг сиёсий, илмий-методик ва умумий-педагогик маҳоратини такомиллаштиришга раҳбарлик қилади. Араб ва чет тилида махсус фото ва деворий газета чиқишини таъминлайди. Араб ва чет тилида адабий кечалар концертлар уюштиришга, байналминал тарбияда раҳбарлик қилади, араб тили хонасини жиҳозлаш ва яхши ишлашини таъминлайди.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси мактабда тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилиши ва унинг самарадорлигини оширишга етакчилик қилади. ғоявий-сиёсий тарбияни янада яхшилашни таъминлайди. Ўқувчилар фаолиятига раҳбарлик қилади. Синф раҳбарларининг ишини назорат қилади. Тарбиявий иш режаларини текширади. Энг яхши синф раҳбари ва тўғра раҳбарларининг иш тажрибасини ўрганади ва оммалаштиради. Ўқувчиларнинг ота-оналари билан олиб бориладиган методик тадбирларни, педагогик тадбирлари, тарбиявий мавзуларда ўтказиладиган кечаларни бошқаради.

Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг мактабдаги навбатчилигини ташкил қилади, ўқувчилар меҳнат тарбиясини, ўз-ўзига хизматни ва шунингдек, ижтимоий-фойдали меҳнатни уюштиради. Мактабдаги фан ва бадий хаваскорлик

тўғарақлари ишини ташкил этилишини ва унинг ишини назорат қилади. Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини бошқаради ва ўрта махсус ўқув юртлари билан яқиндан алоқа боғлайди, кутубхона ишларига раҳбарлик қилади, қишлоқ жойларида ўқувчилар учун қатнов воситасини уюштиради, шанбаликлар ўтказди ва унинг натижаларини ҳисобга олади.

Мактаб маъмурияти ходимлари ўртасида ишнинг шу тариқа тақсимланишини таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш ва унга раҳбарликни илмий асосда ташкил этишда катта ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Мактабда ички бошқарувининг ташкилий-педагогик назоратлари қандай ташкил этилади?
2. Мактаб директорининг асосий вазифалари нималардан иборат бўлади?
3. Мактаб маъмурияти ходимлари ўртасидаги иш қандай тақсимланади?

6-Мавзу: МАКТАБ ИЧКИ НАЗОРАТИ РЕЖА:

1. Мактабни ички бошқаруви тизимида ички назоратнинг тутган ўрни;
2. Ички назоратни режалаштириш ва амалга ошириш;
3. Мактабнинг ички бошқаруви тизимида ички назоратнинг тутган ўрни, педагогик аҳамияти;

Таянч иборалар:

Мактаб, ички назорат, режа, педагогик кенгаш, ўқув тарбиявий иш, дарс таҳлили, дарс турлари, тематик, фронтал, оператив



Бош=аришда ички назорат ырнатиш муцимми?

Ички назорат-мактаб ички бошқарувининг ажралмас қисми бўлиб, мазкур бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Чунки ҳар бир мактаб директори раҳбарлар ўртасида иш тақсимотиға кўра биркитилган ишларнинг мактабдаги қўйилиш ҳолати ва унинг натижаларига тегишли бўлган ахборотлар билан мунтазам равишда қуролланиши, тўпланган ахборотларни лексик, педогогик жиҳатидан таҳлил қилишини янада яхшилашға қарата тадбирларни белгилаб бориши муҳим аҳамиятға эгадир.

Ички назорат мактабининг ўқув моддий техник манбаиға, таълим тарбия, синфдан ва мактабдан ташқари таълим тарбияси, тарбия ишларига, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш каби қатор масалаларға тегишли бўлиши мумкин.

Чунки назорат иши орқали ҳар бир ўқувчи, мактабнинг ҳолатини билиб борадилар, мактаб ишидаги назорат муайян мақсад режа ва мавзу асосида амалға оширилади.

Мактаб ички назорати бўйича ишланган режани чораклик, ярим йиллик, ўқув йилига мунжаллаб туриш мумкин ҳамда август ойида ўтказиладиган педагогик кенгашда муҳокама қилиниб тасдиқланади. Ички назорат режаси қуйидаги масалаларни ўз ичига олади.

1. Мактабнинг ҳамма кўрсаткичлари бўйича режанинг бажарилиши;
2. Ўқув тарбия ишларининг аҳволи;
3. Синфдан ва мактабдан ташқари олиб бориладиган тарбиявий ишлар;
4. Мактабнинг жамоатчилик ва мактабнинг оталик ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар;
5. Мактабнинг педагог ходимлари билан ишлаши;
6. Мактаб ҳужжатларини юритиш;
7. Мактаб ўқувчи ёшлар ташкилотининг ишлари;
8. Мактабнинг молия хўжалик ишлари;
9. Мактаб оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги;
10. Синф раҳбарларининг иши.

Мактабнинг ички назоратини ўрганиладиган масалага қараб уч гуруҳга бўламиз.

1. Тематик назорат;
2. Фронтал назорат;
3. Оператив назорат.

Тематик назорат аниқ мавзу асосида ёки айрим фанларнинг ўқитилишини назорат қилиш. Ёки 2-3 ўқитувчини ишини метод бирлашма ишини ўрганиш ҳам тематик назоратга киради. Мактаб ишларини комплекс назорат қилиш таълим тарбия ва хўжалик ишларини кенг камраб олган, тўлиқ педагогик маънодаги масалаларни ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

1. Мактабда аниқ фанларнинг ўқитилиши ва уни янада яхшилаш;
2. Мактабда синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг амалга ошириш ва уни янада такомиллаштири;
3. Ўқувчиларни дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланганлик, ҳолати ва бу масалаларни янада яхшилаш;
4. Мактаб фаолиятида умумий ўрта таълимни ҳозирги давр талаблари асосида амалга оширишнинг аҳволи.

Мактабнинг ички назорати хилма-хил шаклда ҳам олиб борилса, унинг асосий вариант ўқув режа ва дастурларнинг бажарилиши, ўқитишнинг ғоявий сиёсий даражасининг, таълимнинг дарс жараёнида тарбия билан ифодаланиши, ўқитувчиларнинг дарсга пухта тайёрланиш, ўқитувчиларнинг дарсда қандай усуллардан фойдаланиши, ўқувчиларнинг билим даражаларини доимо назорат қилиш киради. Ички назорат тизимида имтихонлар даври мактаб ҳаётида масъулиятли давр ҳисобланади. Имтихонларни ўтказиш натижасида ўқувчиларнинг билим малака ва кўникмалари сифатига умумий баҳо бериш мумкин.

Мактаб ичик назоратининг энг яхши усулларида бири статистик таҳлилдир. Мактабда қандай иш қилинадида статистик таҳлил усулидан фойдаланиш мумкин.

-Ўқувчилар контингенти ҳамда ўқувчиларнинг фанлардан узлаштири;

- паралел синфларда олинган контрол ишларнинг якуни бир неча йиллардан буйн олиниб келинаётган контрол ишларининг якуни ва бир-бирига таққослаш;
- ўқувчиларнинг кутубхоналардан фойдаланиши;
- мактабни тамомлаган ўқувчиларни ҳозирги ижтимоий аҳволи, вазифаси.

Республикамиз мактаб раҳбарларидан айримлари мактабни бошқаришда ички назоратни амалга оширишга юзаки қараб келаётганлари ҳам мавжуд. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги мактаблар бошқармасининг вилоят ва туман халқ таълими бўлимларининг жойлардаги мактаб фаолиятига тааллуқли бўлган текшириш актлари мазкур фикримизни яна бир бор тасдиқлайди.

Айрим мактабларда ички назорат масаласи, бошқарув ақидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолда тузилган режа асосида амалга оширилмаган.

Айрим мактабларда жамоатчилик ташкилотлари оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилмаган.

Айрим мактабларда ҳукуматимизнинг қарорлар ижроси муҳим ўрин топа олмай қоляпти. Айрим мактабларда ички назорат ўқитувчиларнинг ўзаро дарс кузатишлари назоратга олинмаган. Ҳар бир мактабда ички назорат ишини режа асосида тўғри йўлга қўйиш мактабдаги таълим тарбиявий ишларни ривожлантиришга ёрдам беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Мактабни бошқаришда ички назоратнинг роли қандай?
2. Ички назоратнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Ички назорат режасида нималар ўз аксини топиши керак?
4. Ички назорат якуни қаерда муҳокама қилинади?

7-Мавзу: МАКТАБНИНГ ЎҚУВ ТАРБИЯ ИШЛАРИГА РАҲБАРЛИК. РЕЖА:

1. Мактабнинг таълим тарбия ишларига раҳбарлик.
2. Таълим- тарбия ишларини такомиллаштириш омиллари.
3. Ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш.
4. Таълим тарбия ишларига раҳбарлик қилиш йўллари.

Таянч иборалар:

Таълим, тарбия, раҳбарлик, ижтимоий, ўқув-тарбия, илмий-назарий; метод, тарбиявий, амалий, умумий таълим, ўрта таълим.



Мактабнинг таълим-тарбия ишларига раҳбарлик нималардан иборат?

Мактабнинг таълим-тарбия жараёнларига раҳбарлик қилиш масаласи мактаб ички бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Унинг мақсади,

таълим-тарбия ишларини ҳозирги давр талаблари асосида ташкил қилиш, бунда дидактиканинг билиш назарияси, таълим бериш талаблари ва усуллари ҳамда унинг шаклларига бу борадаги илғор педагогик тажрибаларга асосланиш, самарали йуллар билан уни янада такомиллаштиришдир.

Мактабда таълим-тарбия жараёни тарбиянинг жамиятимиз талаб қиладиган мақсад ҳамда вазифаларини ифодаловчи илғор назария билан қуролланган муаллимларнинг муайян мақсадга қаратилган онгли фаолияти натижасида вужудга келади. Мактабдаги таълим-тарбия ишига раҳбарлик қилиш услуби ва ўзига хослигини белгилаб берадиган асосий қоида ижтимоий жараёнларнинг ривожланишини бошқариш тўғрисидаги таълимот ҳамда кейинги йилларда қабул қилинган ҳужжатлардаги йўл-йўриқлар асосида бошқаришдир. Ҳозирги умумий таълим мактаби олдида турган бу мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли равишда тўлиқ маънода амалга оширилиши биринчи навбатда мактабда соф психологик иқлимни вужудга келтириш, муаллимлар жамоасининг бир ёқадан бош чиқариб, ўқув-тарбия ишини ҳозирги куннинг талаблари даражасида яхши йўлга қўйиш билан таъмин этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамызда юз бераётган туб ижтимоий ўзгаришлар, фан-техника тараққиёти даражаси ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда мактабнинг таълим-тарбия ишини қайта қуришининг асосий вазифаси маорифнинг юқори бўғинлари томонидан белгилаб берилди. Мазкур кечиктириб бўлмайдиган вазифалар билан бир қаторда таълим жараёнини такомиллаштириш иши ҳам бош вазифалардан бири қилиб қўйилди.

Бинобарин, таълим жараёнининг такомиллашуви таълим-тарбия назариясидаги барча масалаларни: мактабдаги таълимнинг мазмуни (ўқув режаси, ўқув дастури, дарсликлар), таълим принциплари, ўқитишнинг шакл, усул ва воситалари, таълимни ташкил қилиш шакллари қайта кўуриб чиқишни талаб этади.

Мактаб раҳбарлари таълим-тарбия ишларига раҳбарлик ва назоратни амалга ошириш бобида ўқув қўлланмалари, илмий, назарий, методик ва умумпедагогик адабиётлардан фойдаланган ҳолда бу ишни амалга оширсалар, сўзсиз бу борада яхши натижаларга эришадилар. Мактаб ишини қайта қуриш шарофати билан мактабларнинг ўқув режаларига янги фанлар киритилди. Чунончи, "Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси", "Информатика ва электрон хисоблаш техникаси асослари". "Одобнома" ва бошқалар. Компьютерлар фақат ишлаб чиқаришдагина эмас, балки кўпгина ўқув фанларини мустақил ўрганиш учун ҳам ўқувчиларга қатъий имкониятлар очиб беради. Физика курслари, ўзбек тили, рус тили, химия, жуғрофия ва бошқа фанларнинг айрим мавзуларини ўрганиш дастури яратилган бўлиб, улар ўқувчига ўқув материалларини ўзлаштириш, Машқларни бажариш, ўзини-ўзи назорат қилиш, кўп ҳолларда эса ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини илдамлаштирувчи ўқув-билиш ўйинларини ҳам ўтказиш имкониятларини беради.

Ўқитувчи меҳнатининг самарадорлигини ошириш мактабда унга қулай шароитлар яратиб берилишига, ўқув хоналари яхши жиҳозланган ва техника воситалари билан таъминланган бўлишига, ўқитувчига методик адабиётлар билан ёрдам кўрсатилишига, мактаб методика хонасида ўқув-тарбия ишига

доир дидактик материаллар ва кўрсатмали куроллар тўпланган бўлишига, қулай ва соф психологик иқим, ўртоқларча ўзаро ёрдам вазиятини вужудга келтирилишига ҳам боғлиқдир.

Дарслар ва синфдан ташқари машғулотлар жадвалини тўғри тузиш ҳам мактабда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш шартларидан биридир. Жадвал ўқитувчи ва ўқувчилар меҳнатига аниқ иш ритмини ўнатиш имкониятини беради. Жадвални қийдаги талабларга мувофиқ тузиш, яъни дарсларни қийинлигига ва мумкин бўлган даражада уй вазифаларининг ҳажмига қараб жадвалга ҳафтанинг кунларида ва бутун ўқув йили давомида тўғри навбатланиб келадиган қилиб қўйиш: тиббиёт, математика ва гуманитар фанларга доир дарсларни қулай ва мақсадга мувофиқ оралатиб жойлаштириш: ҳафталик соат миқдори кам бўлган фанларга оид дарслар ўртасида керакли интервал қолдириш: ўқувчиларнинг бир иш куни ва иш ҳафтаси давомидаги иш қобилиятини ҳисобга олиш лозим.

Дарс жадвалини тузишгача мактаб директорининг таълим-тарбия иши билан шуғулланувчи ўринбосари бу ишга тайёргарлик кўриши, қайси синфларни ва ўқув фанларини, дарсларни (чет тили, физкультура, меҳнат таълими каби) гуруҳларга бўлиш зарурлигини, юқори синфларда қайси ўқув фанлардан қўшалок дарс қўйиш лозимлигини, қайси фанлардан айрим ҳолда ва биргаликда қандай экскурсиялар ўтказишни режалаштиришни: асосий иш жойидан бошқа мактабда ўриндошлик йўли билан ишловчи ўқитувчиларнинг ўша мактабдаги ишига доир қандай тилаклари борлигини олдиндан билиш керак.

Мактаб раҳбарлари ва муаллимлар ўқувчиларга таълим-тарбия бериш самарадорлигини ошириш масаласини ҳал қилишга ота-оналарни жалб этишнинг педагогик аҳамиятини яхши тушунишлари лозим. Чунки ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси мактабнинг ўқув-моддий ва техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув хоналарини жиҳозлаш, болалар учун иссиқ овҳат ташкил қилиш, уларнинг бўш вақтларини ташкил этиш, синфдан ташқари ишнинг турли хил шакллари амалга ошириш, мактабда медицина хизматини ташкил қилиш каби қатор ишларни амалга оширишда ота-оналарнинг фаол иштироки яхши натижалар беради.

Мактаб директорининг раҳбарлик санъати ўз ихтиёридаги ҳамма воситаларни ишга сола билиш, республика ҳукуматининг кейинги йиллардаги қарорларида мактаб олдига қўйилган вазифаларни амалга оширмоқ учун мактаб жамоасининг барчаси ўзаро келишиб, бир-бирига ёрдам бериб ишлашни таъминлай олишдан иборатдир.

Педагоглар жамоасининг таълим-тарбия иши соҳасидаги фаолиятига раҳбарлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилади.

1. Ишни мақсадга мувофиқ режалаштириш.
2. Ўқитувчи ходимларни илмий-назарий савиясини ва методик маҳоратини ошириш учун улар билан ишлашни тўғри йўлга қўйиш, таълим ва тарбия ишлари учун энг қулай шароитларни вужудга келтириш.
3. Мактабда илмий асосда ташкил этилган малакали ички назоратни амалга ошириш.

4. Ўқув-тарбия ишининг ҳолатини мактаб педагоглар кенгаши ва директор қошидаги йиғилишларда, касаба уюшмасининг мажлисларида узлуксиз равишда муҳокама қилиб бориш кабилар.

Мактабда таълим-тарбия ишининг тўғри ташкил этилганлиги ва унинг юқори даражада сифатлилиги педагогик меҳнат маданиятининг асосий кўрсаткичларидир.

Дарс илмий-методик жиҳатдан юксак даражада бўлиши, ўқитувчи мавзуни илмий томондан тўғри тушунтириб бериши, бу мавзуни ҳозирги замон фан ва техника ютуқлари билан, республикамиздаги амалиёт билан узвий боғлаб бориши керак.

Дарс олдида қўйилган энг муҳим талаблардан бири ўқувчиларнинг мавзуни онгли ва фаол ўзлаштиришларидир. Шунинг учун дарсни болаларни қизиқтирадиган ва янги билимлар олишга интиштирадиган қилиб ташкил этиш керак.

Ҳар бир дарс педагогик маҳорат кўриги бўлиши шарт.

Дарсга қуйидаги умумий талаблар қўйилади:

1. Ҳар бир дарс албатта, маълум бир мақсадни амалга оширишга қаратилган ва пухта режалаштирилган бўлмоғи лозим. Бунинг учун а) дарс ўқувчи-ёшларни ахлоқий тарбиялашнинг умумий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқадиган аниқ бир мақсадни амалга оширишга қаратилган бўлиши: б) дарснинг мақсади, албатта, ўқувчиларга тугалланган билим беришни назарда тутиши: в) бир соатлик дарсда ўтишга мўлжалланган мавзу ёки ўқув дастури материалининг бир қисми сифатида ифодаланиши ва бу материаллар ўзаро ички мантикий боғланишга эга бўлиши: г) қандай дарс типи, ўқитиш усули ва методик усуллардан фойдаланиш назарда тутилиши: д) синф ўқувчиларининг фаоллигини ошириш мақсадида умумсинф ва айрим ўқувчилар билан қандай иш олиб бориш кераклиги белгиланган бўлиши керак.

2. Ҳар бир дарс таълим-тарбия бирлиги қилинадиганга эга бўлмоғи лозим.

3. Ҳар бир дарс, албатта, ҳаёт билан боғланган бўлмоғи лозим. Бунда, айниқса: а) математика, физика, химия, биология, геометрия ва бошқа фанларнинг илмий асослари, қишлоқ хўжалигининг ривожланишида фаннинг тутган ўрни: в) фан тараққиётининг жаҳоншумул шухрати; атом энергиясининг халқ хўжалигида ишлатилиши, космик фазонинг забт этилиши кабилар назарда тутилиши лозим.

4. Ҳар бир дарс хилма-хил метод, методик усул ва воситаларидан кенг ва унумли фойдаланилган ҳолда олиб борилиши лозим.

5. Дарсга ажратилган ҳар бир дақиқани тежаб, ундан самарали фойдаланиш лозим.

6. Ҳар бир дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигини гаъминлаш лозим.

Ҳар қандай дарсда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти бирлашгандагина қўйилган мақсадга эришиш мумкин. Бунинг учун: а) ўқитувчи дарсга пухта тайёрланган бўлиши билан бирга уни амалга оширишда қандай дарс типи ва ўқитиш усулларида фойдаланишни аниқ белгиланган бўлиши: б) шу дарс давомида ишлатиладиган кўргазмали ўқув қуролларини тўғри танлаши ва ундан ўринли фойдаланиши: в) синф жамоаси ва ҳар бир ўқувчи билан ўзига хос муомалада бўлиши: г) синф ўқувчиларининг

фаолллигини оширишга қаратилган тадбирларни тўғри белгилаши, айниқса ўқувчиларнинг мустақил фикр юритишлари, улар диққатини жалб қилиш ва маълум топшириқларни-китоб билан ишлаш, тажриба ўтказиш ва самарали фойдаланиш назарда тутилмоғи лозим.

7. Дарсда ўқувчиларнинг кунт билан ишлашларини таъминлайдиган мустаҳкам интизом ўрнатилган бўлиши керак.

8. Ҳар бир дарс ўқувчиларнинг мустақиллигини оширишга қаратилиши, бунда: а) ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, таълим жараёнининг ҳамма звеноларида олиб борилиши албатта зарур бўлганидек, дарсда айниқса ўқувчиларнинг ўқитилаётган мавзу юзасидан мустақил фикр юритишлари факт ва ҳодисаларни таққослаб кўриб, хулосалар чиқариш; б) ўтиладиган материалларни илгари ўтилган материалларга боғлай олишлари ва шу материалларнинг бошқа ўқув фанлари билан боғланишини аниқлай билишларини; в) дарсда ўқувчиларнинг мустақил ҳолда оғзаки, ёзма ва тўғри ишлар олиб боришларини; г) ўзлаштирилган илмий билимларни турмушда қўллай олишларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим.

9. Дарс машғулотини бутун синф билан олиб боришда ҳар бир ўқувчининг шахсий руҳий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Мактаб раҳбарлари таълим-тарбия ишларини бошқаришда дидактиканинг ана шу қонуниятларига амал қилсалар яхши натижаларга эришишлари мумкин.



Мактаб ишини режалаштиришнинг аҳамияти нимада?

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири маориф тузилишини такомиллаштириш, умумий таълим, меҳнат ва касбий тайёргарлик сифатини янада ошириш, таълимнинг фаол шакллари ва усулларини, техника воситаларини яна ҳам кенгроқ қўллаш, таълим-тарбия бирлиги, оила, мактаб ва жамоатчиликнинг мустаҳкам алоқасини собит қадамлик билан амалга ошириш лозимлигидир. Мактабни бошқариш жараёни билим ўчоқларини режалаштириш ва комплектлаш, меҳнат тарбияси ва таълими учун шароитлар яратиш кабиларни ўз ичига олади. Унда ўқув-тарбия ишлари тизимини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришнинг кенг қўламдаги ижтимоий дастури бўлиб ҳисобланган асосий қилинади ғоялари амалга оширилаётган ҳозирги вақтда мактаб ишларини барча бўғинларда режалаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги таълим-тарбия ишларини ягона режа асосида олиб бориш бошқариш самарали услубининг ажралмас қисмидир. Бизнингча, ҳар бир бошқариш воситаси фаолияти муайян тизимининг бўлиши шартдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, бу иш тасодифий, бир-бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, балки аниқ шароитни, вазиятнинг хусусиятини ҳамда бутун мактаб жамоаси олдида, шунингдек, унинг айрим бугинлари олдида турган вазифаларнинг хусусиятларини қатъий ҳисобга олиш негизида ишлаб чиқилган, қатъий суръатда тартибга солинган, бир-бири билан боғланган ва чуқур ўйлаб сурилган режа-тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмоғи лозим.

Раҳбарликни сиёсат билан боғлаб олиб боришни таъминловчи асосий шарт аниқ режа билан ишлашдир. Бу асосий масалани эътибордан четда қолдириб, кундалик ишларга ўралашиб қолиш хавфидан сақловчи воситадир. Режа билан ишлаш олдиндан кўра билиш билан чамбарчас боғлиқдир. Тўғри раҳбарлик қилиш учун олдиндан кўра билиш, руй бериши мумкин бўлган ўзгариш ва қийинчиликларни олдиндан пайкай билиш ва назарга ола билиш зарур. Бизнингча, мактабда тузилган иш режаси мазкур мактаб педагоглар жамоаси ҳар бир аъзосининг фаолиятини тартибга солувчи қонун, кўрсаткичлар тизимида ифодаланган давлат топшириғидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай вазифани муваффақиятли бажариш, ташқилик тадбирларни, шу жумладан, халқ маорифи ва мактаб ишига оид бўлган тадбирларни амалга ошириш тўғри режалаштириш маҳоратига бевосита боғлиқ бўлган. Халқ таълими бўлимининг ишини, жумладан мактаб ишини режалаштириш аввало унинг вазифаларини, фаолият мазмуни ва усулларини аниқлашдан иборатдир.

Тўғри тузилган иш режаси хатога йўл қўйишдан асраш билан бирга, илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишни ҳам таъминлайди. тўғри тузилган режа раҳбарлар учунгина эмас, айтилиши вақтда мактаб муаллимлар жамоасининг ҳар бир аъзоси учун ҳам йўл кўрсатувчидир. Шунинг учун ҳам мактаб ишини режалаштириш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим ўринни эгаллайди.

3. Ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этиш.

Таълим, тарбия бўйича ўқитувчиларга раҳбарлик томондан меҳнатни илмий асосда ташкил этиш учун бир қатор вазифаларни юклайди.

1. Ўқитувчи билан индивидуал суҳбатлашиш уларни қобилиятини тиклаш ва ривожлантирувчи билимлар билан мустаҳкамлаш тарбиявий соатлар ўтказиш ўқитувчи зиммасига юклатилади. Ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этишда таълим тарбия бўйича юритиладиган режа тадбирлар ахбороти мусобақалар ўтказишни юклатади. Ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этишда ўқитувчини билими, маҳоратига эътибор берилади. Ҳар бир синф раҳбари ишини кузатиб илмий асосда тўғрилигини асослаб беради. Шунини натижасида ўқитувчиларнинг меҳнати илмий асосда аниқланади. Ўқитувчилик касби фахрли касб бўлиб қолмай у маъсулиятли ҳамдир. Ўқитувчиларни меҳнатини илмий бўлим мудирини кўпроқ кузатади. Ўқитувчилар билан ишлаш жараёнидаги ёзма ахборотни ўқув ишлари раҳбари назорат қилиб боради. Синф раҳбарини таълим тарбия тўғрисида ўзини фикрлари билан ўртоқлашади. Индивидуал таълим оладиган ўқувчи билан ишлаш қондасини тушунтириб боради. Маънавият ва маърифат тўғрисида дарс соатларини мунтазам кузатади сўнг ўқитувчилар меҳнатини илмий асосда ташкил этишида кўмаклашади.

Ўқув таълим тарбия раҳбари ўқитувчини синфдан ташқари ишини кузатишдан ташқари дарсларини кузатиш ва ўқувчиларни билимини кузатиш лозим. Натижалар асосида ўқитувчилар кенгашида маърузалар қилиш ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш яхши таълим тарбия ишларини олиб борган ўқитувчиларга профсоюз томонидан мактаб директори томонидан ўқитувчи меҳнатини оммалаштиришга ёрдамлашиш ва назоратни кучайтириш

лозим. Синфдан ташқари ишларда актив иштирок этган ўқитувчиларни тадбир ўтказишда кўмаклашиш лозим.

Таълим тарбия ишларини бажаришда синфдан ташқари ишларни бир режага солиб иш ташкил қилишда ишни бир тизимга келтириш синф активлари билан мунтазам иш олиб бориш ўқитувчи зиммасига юклатади. Ўқувчиларни илимини текшириш тадбир ва кечаларни уюштиришда кўмаклашишдан борат. Ҳар битта синф раҳбарини ҳафтасига ишини ёзма тариқасида ишини кузатиш ва баҳо бериши лозим. Чорак якунида ўқитувчиларни ишлашига қараб меҳнатини илмий асосда асослаб бериш керак.



Бош=арувда синфдан ва мактабдан таш=ари ишларни эътиборга олиш шартми?

Умумий таълим мактабининг ички бошқарув тизимида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ва унга раҳбарлик муҳим ўринни эгаллайди.

Ҳар иккала қилинадиган ишлар мактаб раҳбарлари томонидан тасдиқланган, аниқ мақсадни кўзлаб тузилган режа асосида олиб борилади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ўзига хос хусусиятлари билан ўқув машғулотларидан фарқ қилади. Бу иш ихтиёрий асосда ташкил қилинади. Ўқувчилар ўз қизиқиш ва хоҳишлари ҳамда лаёқатларига қараб турли тўғарақларга ёзиладилар. Дарсдан ташқари вақтда ўтказиладиган оммавий ва алоҳида ишларга ҳам қатнашадилар. Шунинг учун бу ишлар ўқувчиларни қизиқтирадиган, мазмундор бўлиши керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, бу ишларнинг мажбурий дарс турининг йўқлигидир.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги турли хил тўғарақлар учун намуна сифатидаги дастурларни ишлаб, уни нашр қилди. Мактаблар, мактабдан ташқари муассалар, тегишли тўғарақларнинг раҳбарлари маҳаллий шароит ва имкониятларни ҳисобга олиб, ана шу дастурлар асосида ўзлари учун аниқ мақсадга қаратилган иш режаси тузадилар ва шу асосда иш олиб борадилар. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг дастури ва мазмунини ҳар бир тадбир (ҳар бир тўғарақ, ҳар бир суҳбат, маъруза, экскурсия, мунозара, адабий кеча, илмий конференция, турли, ёзувчилар, композиторлар, шоирлар, санъат арбоблари, олимлар, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ва ҳ.к) учун алоҳида-алоҳида тузиш мақсадга мувофиқдир, лекин бунда ўқувчилар жамоасининг ҳавас ва талаблари ҳисобга олиниши керак бўлди.

Синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларнинг мазмуни техника, экология, санъат, физкультура каби билимларнинг тегишли синфлар учун мактаб дастурида кўрсатилган доирадан ташқари чиқадиган соҳаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин, аммо бу машғулотлар болаларнинг мактабда олган билимларига таяниши шарт ва бу билимларни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга, ўқувчиларнинг бу билимларини амалда ва ижтимоий фойдали фаолиятида қўлланишларига ёрдам бериши лозим. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар мактабнинг ўқув ишлари билан чамбарчас боғлангандир, аммо синфдан ва мактабдан ташқари ишлар болаларнинг ташаббуслари ва

хаваскорликлари асосида йўлга қўйилади ҳамда олиб борилади. Мактаб ўқувчилари тўғараклар ва турли оммавий ишдарда фаол қатнашишлари, меҳнат қилиш ва ташкилий ишлар соҳасида малака ва кўникма орттиришлари, интизом сақлашга одатланишлари керак.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг мазмуни ўқувчиларнинг билим ва ҳаётнинг турли соҳаларига бўлган қизиқишлари, талаблари ва майлларини қондириши керак. Бунда шуни назарда тутиш керакки, кичик ёшдаги болалар кўпроқ ўйинга қизиқадиладар, ўрта ва катта ёшдаги болалар эса меҳнатга ва ижтимоий фойдали ишларга қизиқадиладар.

Ўқувчиларнинг, айниқса, ўрта ёшдаги болаларнинг қизиқиши ниҳоятда беқарор ва ноаниқ бўлади, улар гоҳ у ишга, гоҳ бу ишга, бир ишни охирига етказмай, иккинчи бир нарсага уриниб кетадиладар. Шунинг учун синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар болаларда бирон мақсадни кўзловчи, барқарор амалий натижага олиб келадиган ҳавасларни тарбиялашга ёрдам бериши керак: ана шундай ҳавас болалар шуғулланадиган ишларга ижобий таъсир этади, уларда ирода ва ҳарактерни тарбиялайди, шунингдек, матонат билан мунтазам ишлаб, бошлаган ишини охиригача етказиш қобилиятини ўстиради, буларнинг ҳаммаси шахснинг ҳар тарафлама камол топишида ҳам ўғил ва қиз болаларни амалий ишга тайёрлашда жуда муҳимдир.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг шакллари қуйидагича:

а) оммавий ишлар (мусобақалар, кўргазма, кечалар, эрталиклар, экскурсиялар, спартакиада ва ҳоказо);

б) тўғарак ишлари (ёш физиклар, математиклар, табиатшунослар тўғараклари, драма тўғараги ва ҳоказо);

в) ўқувчиларнинг мустақил машғулотларини йўлга қўйиш (бунда ўқувчилар фан ва техниканинг бирон соҳасини ўрганиш учун мустақил ишлайдилар ёки мустақил равишда турли моделлар кўрадиладар ва ҳоказо).

Ҳозирги қайта куриш даврининг талабларига кўра тарбия жараёнига раҳбарлик мақсадга йўналтирилган, илмий ва режали, амалий ва дифференциаллашган бўлиб, ҳар бир ўқувчи шахснинг таълимни бошланғич, узликсиз ўрта ва ўрта босқичларида муваффақиятли шаклланишини таъминлайдиган бўлиши лозим.

Мактаб директорининг раҳбарлик иш тизимида синфдан ва мактабдан ташқари ишларни бошқариш билан бир қаторда ўқувчи-ёшлар фаоли, ўқувчилар комитети, ота-оналар комитети ишида қатнашиш катта ўринни эгаллайди. Чунки, бусиз тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиб бўлмайди.

Мактаб директори ўзининг яқин кўмакчиларисиз ҳар куни кундаланг бўлиб тўрган масалаларни ҳал этиши мушкул, шунинг учун ҳам унинг ўринбосарлари уз директори билан қўлни-қўлга бериб ишлашлари керак. Мактаб директорининг ўринбосари, ёш авлодни шакллантиришда ўқитувчиларга тўғри усулларни ўрнатиши, кўмаклашиши, кўрсатиши керак.

Ўқитувчининг иш жараёнини зийраклик билан кузатиб бориш, зарурият туғилса, ёрдам беришга тайёр туриш, намуна кўрсатиш, қандай ишлаш кераклигини ўргатиш уларнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар ташкилотчисига келганда, шуни айтиш керакки, у мактаб ҳаётининг энг муҳим соҳаси - тарбиявий ишларга хабарликни амалга оширишга даъват этилган. Бу директорнинг ўқув ишлари

бўйича ўринбосари тарбиявий ишлардан четга туриши керак, деган гап эмас, аксинча у ҳам, директор ҳам, жамоат ташкилотлари, шу жумладан, касаба уюшмаси ташкилоти ҳам фақат таълим иши учунгина эмас, балки мактабда ҳам, ундан ташқарида ҳам тарбиявий жараён учун жавобгардир.

Тарбия жараёнининг моҳиятини чуқур билиб, уни ташкил этишда ташаббус кўрсатиш, ишбилармонлик ва эпчиллик, барча янги ва илғор [нарсаларни амалда хийла самарали қўллай билиш ҳам мактаб ўқувчиси шахсини ривожлантириш жараёнига раҳбарлик қилиш принципларидан биридир.

Самарали раҳбарлик услубини мактаб ҳаёти ва фаолиятига татбиқ этишининг намунаси бўлган коллегиял ва яқка раҳбарликнинг бирга қўшиб олиб борилиши болалар тақдири, уларнинг тарбиясига педагогларнинг жамоаси жавобгарлигини ва директорнинг шахсий жавобгарлигини таъминлайди.

Раҳбарликнинг зарур принципи режалилик бўлиб, унинг олдида педагогик таъсирлар тизими ва тарбиявий ишда изчилликка эришилади. Режалилик директорга тарбиянинг барча масалаларини аниқ амалга ошириш истиқболларини намоён қилади.

Мазкур таълимотга асосан мактабдан ташқари ишларни режалаштириш унинг амалга оширилишига раҳбарлик ҳамда назоратни уюштириб бориш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Синфдан ва мактабдан ташқари ишларнинг умуммактаб режасини тарбиявий ишлар ташкилотчисининг бевосита раҳбарлигида, синф раҳбарлари, методик бирлашмаси, тажрибали ўқитувчилар, мактаб кутубхонаси, ўқувчи-ёшлар ташкилоти, ўқувчилар комитети, ота-оналар комитети ҳамда тўғарак раҳбарларининг фаол иштирокида тузиш ҳамда уни мактабнинг йиғилишида муҳокамадан ўтказиб тасдиқлаш мақсадга мувофиқдир.

Республикамиздаги қатор мактаблар илғор директорларининг иш тажрибаларида ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг тарбиявий ишига педагогик раҳбарликнинг яхшиланишини таъминлайдиган комплекс тизим таркиб топмоқда. Директор ўқитувчилар, синф раҳбарлари, тарбиячилар ва ўқувчиларга нисбатан тутган принципиал йўли ва фаолиятида бирлик бўлишига эришади. Ммактабнинг оила, катталарнинг меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари билан узвий ҳамкорлик қилишга интилади.

Мактабнинг тарбиявий жараёнига раҳбарлик қилишда директор бошланғич ва ўрта синфлар тарбиявий ишида изчилликка риоя қилишга алоҳида эътибор беради, бу билан таълим жараёнида ҳам, шунингдек, дарсдан ташқари вақтда ҳам тарбиянинг узлуксизлик ва изчиллик принципини амалга оширади.

Ўқитувчилар ва синф раҳбарларининг ишини мунтазам ва амалий назорат қилиб туриш тарбия жараёнига мактаб ичида раҳбарлик қилишнинг муҳим таркибий қисмидир. Белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш ва текширишдан мақсад ўқитувчилар ва синф раҳбарлари ишидаги салбий томонларни аниқлаб, улар ҳақида навбатдаги педагоглар йиғилишида гапириш эмас, балки таълим жараёнида ва дарсдан ташқари машғулотларда, тарбия ишини такомиллаштириш, бу ишдаги энг яхши

тажрибаларни ёйишдир. Тарбиячилар ишини шахсан назорат қилишни жамоат ташкилотларининг назорати билан қўшиб олиб бориш ўринли бўлади.

Ҳозирги шароитда синфдан, мактабдан ташқари тарбиявий ишларга раҳбарлик қилишга катта талаблар қўйилмоқда. Мактаб раҳбарлари, ўқитувчи тарбиячилар, ўқувчилар ва ота-оналар жамоалари билан ишлашнинг шакл ва методларини такомиллаштирира бориб, ўқувчиларни тарбиялашда юксак самарадорлик натижаларига эришмоқдалар. Мактаб раҳбарларининг меҳнати ўқув-тарбия иши учун сарфланган соатлар сони билан эмас, балки амалга оширилган режа-тадбирларнинг миқдори, мазмуни, унинг мавзуси долзарблиги, сифати, тарбиявий жараённинг умумий занжиридаги муҳим томонларни топа билиши билан ўлчанади. Бунга иродали ва ташаббускор, камтар ва зийрак, талабчан ва ишбилармон мактаб раҳбарларигина эриша оладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабнинг таълим тарбиявий ишларида раҳбарлик қилишда нималарга эътибор бериш керак.
2. Мактабдаги таълим тарбия ишларига раҳбарлик қилиш услуби ва ўзига хослиги.
3. Таълим тарбия ишларини илмий асосда ташкил қилишда раҳбарга қандай вазифалар юклатилади.

8-Мавзу: МАКТАБ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ РЕЖА:

1. Мактаб ишини режалаштиришнинг аҳамияти.
2. Мактаб иш режасининг турлари.
3. Мактаб иш режасининг асосий қилинадилари.

Таянч иборалар:

Режа, мактаб, иш режа, ўқитувчи, ўқув йили, аттестация, тарбиявий иш, методик ишлар, ташкилий ишлар.



Мактаб ишини режалаштиришдан маъсад нима?

Ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан бири маориф тузилишини такомиллаштириш, умумий таълим, меҳнат ва касбий тайёргарлик сифатини ошириш, таълимнинг фаол шакллари ва усулларини, техника воситаларини яна ҳам кенгроқ қўллаш, таълим-тарбия бирлиги, оила, мактаб ва жамоатчиликнинг мустаҳкам алоқасини собитқадамлик билан амалга ошириш лозимлигидир. Мактабни бошқариш жараёни билим ўчоқларини режалаштириш комплектлаш, меҳнат тарбияси ва таълими учун шароитлар яратишларни ўз ичига олади. Унда ўқув-тарбия ишлари тизимини режалаштириш, ташкил этиш, назорат қилиш ҳам алоҳида ўрин тутди.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришнинг кенг кўламдаги ижтимоий дастури бўлиб ҳисобланган асосий қилинади ғоялари амалга оширилаётган ҳозирги вақтда мактаб ишларини барча бугинларда режалаштириш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Мактабдаги таълим-тарбия ишларини ягона режа асосида олиб бориш - бошқариш самарали услубининг ажралмас қисмидир. Бизнингча, ҳар бир бошқариш воситаси фаолиятида муайян тизимнинг бўлиши шарт. Бунинг маъноси шундан иборатки, бу иш тасодифий, бирига алоқаси бўлмаган тадбирлар йиғиндисидан иборат бўлмай, балки аниқ шароитни, вазиятнинг хусусиятини ҳамда бутун мактаб жамоаси олдида, шунингдек, унинг айрим бугинлари олдида тўрган вазифаларнинг хусусиятларини қатъий ҳисобга олиш негизида ишлаб чиқилган, қатъий суратда тартибга солинган, бир-бири билан боғланган ва чуқур ўйлаб кўрилган тадбирлар йиғиндисидан иборат.

Режа билан ишлаш олдиндан кўра билиш билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳар қандай вазифани муваффақиятли бажариш, ташкилий тадбирларни, шу жумладан, халқ маорифи ва мактаб ишига оид бўлган тадбирларни амалга ошириш тўғри режалаштириш маҳоратига бевосита боғлиқ бўлади. Халқ таълими бўлимининг ишини, жумладан мактаб ишини режалаштириш аввало унинг вазифаларини, фаолият мазмуни ва усулларини аниқлашдан иборатдир. Мактабда тузилган иш режаси мазкур мактаб педагоглари жамоаси ҳар бир аъзосининг тизимида ифодаланган давлат топшириғидир.

Тўғри тузилган иш режаси хатога йўл қўйишдан асрайди ҳамда илгари йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатишни ҳам таъминлайди. Янада соддалаштирилган ҳолда баён қилинадиган бўлса, режалаштириш - ҳар бир педогогнинг келгусида қандай вазифаларни бажариши зарурлигини яққол ифода этиш билан бирга педагогдан мазкур вазифаларни бажаришга тайёргарлик талаб этади.

Тўғри тузилган режа раҳбарлар учунгина эмас, айтилиши вақтда мактаб муаллимлари жамоасининг ҳар бир аъзоси учун ҳам йўл кўрсатувчидир. Шу сабабли мактаб ишини режалаштириш мактаб ички бошқарув тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Агар мактаб иши ҳар томонлама тўқис, мукамал, атрофлича тузиб чиқилган бўлса мазкур режа асосида иш ташкил этиш бир мунча осон кечади, мактаб жамоасининг ҳар бир вакилини меҳнатга бўлган муносабатини ижобий юксалтиради, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ифода этишларига кенгроқ имкониятлар яратиб беради.

Мактабларнинг иш режаларида ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишини такомиллаштириш, ходимлар малакасини ошириш, мактабнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия ишининг долзарб масалаларига қаратилган турли мавзуларда семинарлар, конференциялар ўтказиш, мактаб ўқитувчиларининг педагогик ўқишларини акс этиши долзарб вазифадир.



Мактаб иш режасининг =андай турлари мавжуд?

Ҳар бир умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалари мавжуд. Улар қуйидаги режалардир:

- Мактабнинг маълум даврга мўлжаллаб (бир ёки икки беш йиллик учун) тузиладиган иш режаси. Буни мактабнинг истиқбол иш режаси деб аталади. Бундай иш режаси умуммактаб халқ-хўжалик режа-кўрсаткичлари асосида тузилади ҳамда мактабнинг маълум даврга ривож (қанча синф хона, ўқитувчилар сони, ўқувчилар сони, мактаб қурилишлари ва ҳ.к.) турли рақамлар асосида кўрсатилади;

-Мактабнинг бир ўқув йилига мўлжалланган иш режаси мактаб иш турлари асосида тузилади.

Мактабнинг жорий иш режаси.

Мазкур режа мактабнинг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади. Бу режа туркумига:

- мактаб директори ва унинг ўринбосарларининг бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиладиган иш режалари;
- мактабда фанлар бўйича ташкил этилган методик бирлашмаларнинг иш режалари;
- синф раҳбарларининг иш режалари;
- фан тўғараклари ва куни узайтирилган гуруҳ раҳбарларининг иш режалари;
- мактаб кутубхонасининг иш режаси;
- мактаб устахонасининг иш режаси;
- мактаб ота-оналар комитетининг иш режаси;
- мактаб врач ва ҳамширасининг иш режаси;
- ҳар бир бошланғич ва фан ўқитувчисининг тақвим бўйича ҳамда кундалик дарсни ўтказиш режаси каби режалар кирази.

Шунга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, режани тўғри тузиш билан иш битмайди. Ишнинг муваффақияти шу режани қандай усулда, қандай шаклда амалга оширишга, унда белгиланган тадбирларни ҳаётга тадбиқ этиш маҳоратига кўп жиҳатдан борлиқ. Мактаб режасини амалга оширишда қўйидагилар муҳим педагогик аҳамият касб этади:

- 1) Маорифнинг юқори ташкилотлари, халқ таълими бўлимлари ва мактабга якин бўлган турли муассасалар билан мустаҳкам алоқа ўрнатилганлиги;
- 2) Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ўта ҳалол, ишбилармон ва маъмурий қобилиятга эга бўлган педагог ходимлар жалб этилганлиги;
- 3) Ходимлар ўртасида иш тақсимотининг тўғри ташкил этилганлиги;
- 4) Раҳбар ходимлардан тортиб энг қуйи ижрочиғача умумий режадан келиб чиқадиган шахсий (жорий) иш режасини тузиб, шу асосида иш юритиши;
- 5) Раҳбарнинг мактаб иш режаларининг бажарилиши юзасидан самарали ҳамда узлуксиз назоратни ўрнатганлиги.

Мактаб режаси устида ишлаш жараёнида ўсиб келаётган ёш авлод тақдири ҳақида, уларни ақлан ва жисмонан камол топтириш ҳақида, мактаб ишини режалаштиришда ўқитувчилар жамоасининг ижодий тақдири ҳақида, зиёкорларни маънавий жиҳатдан ўстириш ва уларнинг илмий, методик ва умумпедагогик маҳоратини ошириш ҳақида ўйлаш лозим. Зеро, мактабда ўқув дастурларининг бажарилиши, ўқувчилар билимининг сифати, уларнинг тарбияланганлик даражаси, умуман олганда ўқув-тарбия ишининг ҳамма жиҳатлари ўқитувчига, унинг ҳалол меҳнатига боғлиқ. Ўқитувчи – мактабдаги бош сиймо. Бундан кейин ҳам у шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам мактабнинг иш режасида ўқитувчилар жамоасидаги кучларни шундай

тақсимлаш керакки, уларнинг ҳар бири топшириқларни бажаришга бутун куч ва ғайратини сафарбар этиш имкониятига эга бўлсин.



Мактаб иш режаси = андай йыналишларда былади?

Мактабнинг ўқув-тарбия ишларини режалаштиришда қуйидаги учта шароитга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ишнинг бошлангич аҳволини чуқур педагогик таҳлил қилиш йўли билан, яъни иш режалаштирилаётган пайтда педагогик жараён тавсифини аниқ билиш;
- 2) ишнинг режалаштирилиши охирида мактаб жамоаси ўқувчиларга берган таълим ва тарбиянинг даражасини аниқ тасаввур қилиш;
- 3) мактаб ишини ҳозирги кун талаблари даражасига кўтариш учун, шунга имкон берадиган педагогик воситаларнинг энг мақбулини танлаш. Режалаштиришни уз шаклига кура ёзма, график ва аралаш (ёзма ва график) шаклга бўлиш мумкин. Режа қисқа, аниқ ва тушунарли, педагогик мақсадларга мувофиқ тузилиб, ягона қилинадиларни, қўйилган масалаларни бажариш тадбирлари тизимини ўз ичига олган бўлиши керак. Режанинг сифати режалаштириш қанчалик оқилона ва тўғри қўйилишига боғлиқдир. Одатда, мактаб иши режалаштирилаётганда унинг тузилиши икки қисмдан иборат деб тузиш тавсия этилади: 1-қисм - аналитик бўлиб, унда мактаб ишининг ўтган ўқув йилидаги яқунларининг таҳлили ва янги ўқув йилдаги вазифалари ўз аксини топади; 2-қисм эса амалий хусусият касб этиб, бу вазифаларни бажариш тадбирлари режалаштирилади. Шундан келиб чиқиб, қуйида мактабнинг бир ўқув йили учун иш режасининг намунасини тавсия этамиз.

1 қисм. Мактаб иши яқуни ва унинг янги ўқув йилидаги вазифалари:

Кичик туманнинг ўзига хос хусусияти ва мактаб иш шароитлари. Бу ерда кичик туман, унинг аҳолиси, мавжуд маданият муассасалари, мактаб ишини қийинлаштирувчи ноқулай шароитлар ҳақида қисқача тавсиф берилади.

2. Ўқув йили иш яқунлари ҳақида қисқача таҳлил. Бу бўлимда режанинг барча бўлимлари доирасидаги иш яқунлари берилади ҳамда таҳлил қилинади. Бунда ўтган ўқув йили режаси қандай бажарилгани, вазифалар қанчалик амалга оширилгани; жамоа, педагоглар синфлар ва бошқаларнинг рақам кўрсаткичлари келтирилади, ўқувчиларнинг билим ва тарбияланганлик даражаси баҳоланади, мактаб жамоаси иш усуллари таҳлил қилинади. Камчиликлар кўрсатилади.

3. Янги ўқув йили вазифалари ҳукуматимизнинг мактаб ислохоти ҳақидаги қарорларидан келиб чиқади. Бу ўринда ҳукуматимизнинг таълим-тарбия соҳасида мактаб олдига қўйган вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мактабнинг асосий вазифалари шакллантириб борилади. Аниқланган вазифалар орасида аниқ тадбирларни белгилаш режанинг иккинчи қисми бўлиб ҳисобланади. Унинг мундарижаси (намунавий тузилиши) қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Ташкилий-педагогик ишлар.
2. Мактабнинг ўқув-моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаш.
3. Мактаб фаолиятида таянч ва ўрта умумий таълимни амалга ошириш.

4. Мактабни ўқитувчи ходимлар билан таъминлаш ва улар билан ишлаш.
5. Мактабни ўқув-тарбия ишларини йўлга қўйиш.
6. Мактабнинг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларини ташкил этиш.
7. Ота-оналар ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлар.
8. Мактабнинг оталик, соғлиқни сақлаш ва савдо ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлари.
9. Мактаб кенгаши ва мактаб директори олиб борадиган ишлари.
10. Мактаб ички назорати ва уни амалга ошириш.
11. Мактабнинг молия-хўжалик ишлари.
12. Мактабнинг методик ишлари.

Мактаб режасининг ташкилий-педагогик ишлар қисмида умумий таълим мактабида янги ўқув йилини уюшқоқлик билан бошлаш ҳамда уни тугаллашнинг берувчи тадбирлар бу борадаги мактабнинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлари белгиланади. Бу ўринда иш тақсимооти ҳам аниқ кўрсатилади. Ўқитувчи ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, мактаб раҳбарлари, ходимлари ва ўқитувчилар ўртасида вазифа ва топшириқларни тақсимлаш (масалан: ким синф раҳбари бўлади, мазкур мактабнинг микромайдонига кимлар бириктирилади, ким тўғарак раҳбари бўлади, ким ўқув-тарбия ва синфдан, мактабдан ташқари ишларни бошқаради ва ҳ. к.), синфларни бутлаш каби масалалар кўрсатилади.

Шундан кейин муайян бир иш учун (методик бирлашмаларнинг иш кунлари, мактаб кенгаши мажлислари, касаба уюшмаси ташкилоти мажлислари ва шу кабилар учун) ҳафтанинг кунларини аниқ кўрсатиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Иш режасининг "Мактабни ўқув-моддий ва техникавий базасини мустаҳкамлаш" деб аталган қисмида:

- а) мактаб учун ажратилган маблағ ва бошқа маблағлардан тўла, ўз вақтида ва унумли фойдаланиш;
- б) ўқув қуруллари ва бошқа ўқув-хўжалик жиҳозлари, кутубхона ва методик хоналари учун мўлжалланган адабиётларни сотиб олиш; мебеллар, дарсликлар, ўқув-хўжалик ашёларини ремонт қилиш ва сақланишини таъминлаш; ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар кучи билан мактабни янги ўқув йилига тайёрлаш;
- в) санитария-гигиеник режим, техника хавфсизлиги ва ёнғинга қарши кураш тадбирлари; ўқувчиларнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиши;
- г) мактабнинг ўқув хоналари, техника воситалари билан таъминлаш кабилар билан белгиланади.

Мактаб иш режасининг мактабни педагогик ходимлар билан таъминлаш ва улар билан ишлаш деб аталган қисмида мактабни ҳозирги куннинг талаблари даражасидаги ўқитувчи ва тарбиячи ходимлар билан таъмин этишга қаратилган тадбирларни белгилаш билан бирга, мактаб ўқитувчисининг ғоявий-сиёсий, илмий-методик, педагогик ҳамда умумий маданий савиясини оширишга қаратилган қатор тадбирлар белгиланади.

Бундан ташқари мактаб иш режасининг мазкур қисмида педагог ходимлар билан ишлаш ва уларнинг малакасини оширишга қаратилган ишлар:

- а) педагогларнинг билимини мустақил ошириши, турли мавзуларда маъруза, конференция ва суҳбатлар уюштириш, ўқувчилар орасида таълим-тарбия ишлари олиб бориш бўйича педагог ходимлар ўқувини ташкил этиш кабилар;
- б) ўқитувчиларнинг маҳоратини ошириш. Ўз устида мустақил ишлашни ташкил этиш бўйича консультациялар, очик дарслар ўтказиш ва уларга қатнашиш;
- в) малака ошириш ва методик ишлар. Мактаб ислоҳоти талаблари асосида янги дастур бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этиш, ўқитувчилар малакасини ошириш шаҳар, туман, Республика институтларидаги курс машғулотларига қатнашиш. Методик кенгаш, синф раҳбарларининг синф гуруҳлари, фанлар бўйича методик бирлашмалари ишларини ташкил этиш. Мактаб методика хонасини жиҳозлаш ва тўлдириш. Ўқитувчилар шуғулланаётган педагогик мавзулардаги муаммолар. Педагогик конференциялар, кўргазмалар;
- г) ўқитувчилар аттестацияси. Аттестация комиссияси таркибини, бу тадбирни ўтказиш муддатини белгилаш, ўқитувчилар ҳақида аттестацияга доир ҳужжатларни тайёрлаш. Бу тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ тажрибаларни кўргазмада акс эттириш. Аттестацияни ўтказиш давомида ўқитувчиларнинг дарсларига қатнашиш ва бошқа ишлари билан танишиш;
- д) илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш. Илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича комиссия таркибини белгилаш, муддати ва мавзусини аниқлаш, жавобгар кишиларни кўрсатиш. Тажрибаларни умумлаштириш ва айирбошлашга доир кўргазма ва стендларни ташкил этиш. Шаҳар, туман ва мактабдаги энг яхши ўқитувчилар дарсларига қатнашиш ҳамда уларнинг ибратли ишларини ўрганиш. Илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйиш методикаси бўйича семинар практикум ўтказиш;
- е) мактаб доирасида педагогик ўқишлар ўтказиш каби тажрибалар белгиланади.

Мактаб иш режасининг ўқув-тарбия ишларини йўлга қўйиш деб номланган қисмида ўқув режаси ва дастурларни ўз вақтида, юқори савияда, сифатли қилиб бажарилишини таъминловчи тадбирлар, мактабдаги таълимнинг асосини ташкил этувчи дарснинг самарадорлигини ошириш, мактабдаги таълимни кабинет тизимида олиб бориш, таълим-тарбия жараёнида техника воситалари ва ЭХМдан фойдаланишни йўлга қўйиш каби масалалар кўрсатилади. Бундан ташқари режанинг мазкур қисмида фанлар бўйича таълимий ва тарбиявий ишлар:

- а) ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан асосий ва факультатив дастурлар бўйича ўқув-тарбиявий ишларини ташкил этиш; фан асосларини ўқитишнинг назарий ва услубий даражасини ошириш;
- б) ўқувчилар билан билимга, фанга, таълим жараёнига қизиқишни ошириш бўйича тарбиявий ишлар олиб бориш. Уларни билимлар ва мустақил кўникма ҳамда малакалар билан қуроллантириш. Мактабда ва уйда ўқув меҳнатини унумли ташкил этиш;
- в) китоб билан ишлаш;
- г) қобилиятли ва бўш ўзлаштирувчи ўқувчилар билан алоҳида ишлаш.

Мактаб китоб фондини яратиш ва уни тўлдириш, ўқувчиларни дарсликлар билан тўла таъминлашга эришиш.

Ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан олиб борадиган ўқув ишларини (тематик, ҳар бир дарсларга режалар тузиш ва уларни ўрганиш, контрол, ижодий, лаборатория ва амалий ишлар, ўқув экскурсияларини ўтказиш ҳамда машғулотларда техника воситаларидан фойдаланишга доир режаларни ишлаб чиқиш кабиларни) режалаштириш.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда:

Ўқувчилар жамоат ташкилотлари (ўқувчи ёшлар ташкилоти) фаолиятига педагогик раҳбарлик. Ўқувчиларнинг жамоатчилик ишларида фаолликка тарбиялаш, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларда ахлоқий тарбия, ҳуқуқий тарбия, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси, меҳнат тарбияси, байналмилал тарбия, касб танлаш, иқтисодий тарбия, эстетик тарбия, экологик тарбия, санитария-гигиена маорифи каби масалаларни амалга ошириш долзарб вазифа ҳисобланади. Шунингдек, ўқувчиларни мустақил ишлашга ўргатиш, уларни мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириб бориш, оғзаки ва ёзма нутқ маданиятларини ривожлантириб бориш, техникага оид таълимни амалга ошириш, фанларни ўқитишда ўқувчиларга амалий малакалар бериб бориш каби тадбирлар белгиланади.

Иш режасининг ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларини ташкил қилиш бўлимида ўқувчилар ўртасида турли мавзуларда конференциялар, кечалар, ўткир зехнлилар мушоиралари ўтказиш, экскурсиялар ташкил этиш, кино, театр, меҳнат жамоаларига гуруҳ бўлиб бориш, меҳнат ва уруш фахрийлари билан учрашувлар ташкил қилиш, деворий газета чиқаришни йўлга қўйиш каби ишлар белгиланади.

Республикамиздаги кўпгина мактаблар тажрибасида синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни бир неча йиллар давомида фаол ўқитувчиларга махсус бириктириб қўйилиши каби усул ўзини оқламоқда. Синфдан ташқари бундай тарбиявий ишларнинг барча қилинадилари ўқитувчидан махсус билим ва малака талаб этадики, бундай билим ва малакалар тезда ҳосил бўлмайди.

Мактабнинг иш режасидаги ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб бориладиган ишлар бўлимида ўқитувчиларнинг ота-оналар билан олиб борадиган ишларининг турли шакллари (ота-оналар мажлиси, ота-оналар билан консультациялар ва суҳбатлар ўтказиш, маҳаллалар, турли меҳнат жамоалари, жамоатчилик ҳамда ота-оналарнинг тарбия ва бошқа масалаларда мактабга қачон ва қандай ёрдамни ташкил қилиш каби) масалалар кўрсатилади.

Иш режасидаги мактабнинг оталик ташкилоти билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишлари бўлимида мактаб биносини ремонт қилиш, ўқув хоналарини жиҳозлаш ишига оталиқ ташкилотнинг эътиборини жалб этиш, оталиқ ташкилотидаги ишчи ва хизмачилар учун турли тарбиявий мавзуларда суҳбатлар олиб бориш каби ишлар режалаштирилади.

Мактаб иш режасининг мактаб кенгаши ва мактаб директори қошидаги йиғилиш деган бўлимида, мактаб кенгаши ва директор қошидаги йиғилишнинг дастури, кенгаш ишининг мавзуси ва мундарижаси аниқ кўрсатилади. Йиғилишларни ўтказиш муддати, кун тартиби, кенгашнинг мактабдаги

методик бирлашмалар билан алоқаси, бирлашмаларга раҳбарлик қилиш, йиғилишларнинг мавзуси, йиғилиш шакли, уни ўтказиш куни каби масалалар мактаб иш режасининг мазкур бўлимида кўрсатилиши шарт.

Иш режасининг педагогик жараёни бошқариш ва назорат қилиш деб номланган бўлимида мактаб ишларини бошқариш ҳамда педагогик жараёнга раҳбарлик қилишнинг асосий шакллари белгиланади ва бунда:

-Ўқувчилар билимининг сифати ва ўқитувчиларнинг ўқув дастурларини бажариши (дарсларга кириш ва таҳлил қилиш, лаборатория ва амалий ишлар, экскурсиялар, контрол, ижодий ишлар, ишлаб чиқариш меҳнати, мактаб майдонидаги тажриба ишларини таҳлили; ўқувчилар билан алоҳида ишлашнинг ҳолатини аниқлаш, дафтар тутиш; синф журналларида ўқувчилар билимини қайд этиш ва баҳолаш; ўқув фанлари бўйича ўқувчилар билими, тушунча ва кўникма даражаси; мактаб маъмуриятининг назорат ишлари; дарслик, ўқув жиҳозлари ва бошқаларнинг қандай ҳолатда экани) текширилади.

- Факультативлар ишини назорат қилиш, метод бирлашмалар, ўқитувчиларнинг ўз устида муваққил ишлаши, синф раҳбарлари, кутубхоначилар, лаборантлар фаолиятини кузатиш, мактаб ҳужжатларининг қай тартибда юритилаётганлигини назорат қилиб бориш каби масалалар ғоятда муҳимдир.

Режанинг мазкур бўлимида қуйидаги масалаларни ҳам кўрсатиш мақсадга мувофиқдир:

- а) улгурмовчи, ёрдамталаб ўқувчиларни ўз вақтида аниқлаб олиш;
- б) ана шундай ўқувчиларнинг тайёргарликларидаги камчилик ва етишмовчиликларни сабабини ўрганиш;
- в) бўш ўзлаштирувчи ва ўзлаштирмайдиган ўқувчиларнинг барча ёзма ишларини, фанлар бўйича берилган топшириқларни бажариши, уларнинг оғзаки жавобларини текшириб боришни таъминлаш;
- г) улгурмовчи ва икки йил бир синфда қолувчи ўқувчилар билан гуруҳ ва алоҳида ҳолда мунтазам ишлашни ташкил этиш;
- д) ана шундай ўқувчиларни ўзлаштирувчи ўқувчилар қаторига қўшиб бориш борасида ота-оналар ва улар ишлаб турган корхона билан ҳамкорликда олиб бориладиган ишларнинг самарали шакл ва усулларини қидириб топиш каби қатор масалаларни белгилаш зарурий ҳолдир.

Иш режасининг мактабнинг молия ва ҳўжалик ишлари деб аталган бўлимида мактабни шу ўқув йилида ва ундан кейинги даврда моддий-ўқув базасини янада мустаҳкамлаш, давлат ва оталиқ ташкилоти томонидан ажратиладиган маблағларни турли, мақсадга мувофиқ ҳолда сарфлаш, молиявий ҳисоб-китобларни тартибга солиш тадбирлари белгиланади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1) Мактаб ишини режалаштиришнинг аҳамияти нимада?
- 2) Мактаб иш режаси неча турдан иборат?
- 3) Мактаб иш режасининг қандай қилинадилари мавжуд?

9-10-Мавзу: МАКТАБНИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИШЛАРИГА РАЎБАРЛИК.

РЕЖА:

1. Мактабни педагогик ходимлар билан таъминлашни аҳамияти;
2. Педагог ходимларни танлаш, мактаб ички бошқарув тизимини бош масаласи;
3. Директор ўз ходимининг раъбар маслаҳатчиси;
4. Ўқитувчи ва педагогик кадрларни малакасини оширишни шакллари.

Таянч иборалар:

Педагог ходимлар, мактаб директори, малака, умумтаълим, семинар, очик дарслар, сиёсий ўқишлар, раъбарлар, педагогик ўқишлар.



*Мактабни педагог ходимлар билан таъминлашда нималарга
эътибор бериш керак?*

Умумий таълим мактаби - таълим-тарбия масканидир. Унинг раъбари зиммасига ушиб келаётган бахтиёр ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, инсон шахсини қайта қуриш ғоялари руҳида таркиб топшириш жараёнини бошқариш вазифаси юкланган. Мадомики, шундай экан, мактабни бошқариш тизимида ходимларни танлаш, уларни жой- жойига, тўғри қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ходимлар танлаш ва уларни жой-жойига қўйишни ҳозирги замон услуби ва ақидалари асосида ташкил қилиш яхши натижалар беради.

Ходимларни тўғри танлаш, омма билан алоқада бўлиш, ишда омманинг бой тажрибаларига таяниш, тўғри бошқарувнинг яна бир муҳим шартидир.

Ҳозирги кун шароитидаги бошқаришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, унинг энг самарала шакллари ва усулларини қидириб топиш, ходимларни танлаш ишини йўлга қўйиш йўллари белилашга алоҳида эътибор талаб қилади.

Педагог ходимларни, айниқса раъбарларни танлашда қуйидаги шартларга риоя қилиш зарур:

- а) ходимни танлашда ҳалоллиги нуқтаи назаридан ёндашиш;
- б) сиёсий, илмий-методик, умумий педагогик ва психологик билими жиҳатидан ёндашиш;
- в) ишни билиши, ўқитувчилик, раъбарлик, умуман мактаб иши нуқтаи назардан ёндашиш;
- г) маъмурий қобилияти жиҳатидан ёндашиш;

Педагог ходимларни танлаш, мактабни мазкур ходимлар, билан мунтазам таъмин этиб бориш ва уларни жой-жойига тўғри қўйиш мактаб ички бошқарув тизимининг бош масаласидир

Чунки, мактаб олдидаги ҳозирги кун вазифаларини ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимлар амалга оширадилар. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг олиб борган тўғри сиёсати туфайли республикамизда заковатли,

билимдон ва ўзининг тажрибасига эга бўлган етук педагог ходимлар етишиб чикди.

Мактабни педагог ходимлар билан таъминлаш тизимида директорнинг муҳим вазифаларидан бири педагог ходимларни танлаш ва ҳар бирини билим ва малакасига қараб ишга тўғри тайинлашдир.

Айрим директорлар ходим танлашда ўз мактабларига фақат педагогик стажи катта бўлган, тажрибали ўқитувчиларнигина олишга ҳаракат қиладилар, лекин барча мактаб ва синфларни тўла тажрибали ўқитувчилар билан таъминлаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди, ўқитувчи меҳнат жараёнидагина тажриба орттириб боради.

Директор шуни ҳеч қачон унутмаслиги керакки, у фақатгина маъмур эмас, балки ўз ходимининг раҳбар маслаҳатчиси ҳамдир. У, ўзининг берилган ҳуқуқларини суистеъмол қилмаслиги, атрофдаги кишиларга аввало, ишонтириш ва шахсан намуна кўрсатиш йўли билан таъсир кўрсатишга ҳаракат қилиши лозим.

Мактаб бошлиғи ишда қаттиқ қўл ва талабчан бўлиши билан бирга, узоқ вақтдаги кишиларга ҳар тарафлама ёрдам бериши ҳам зарур. Директор педагоглар жамоаси олдига қонуний ва ҳаққоний талаблар қўйиш билан бир қаторда, ўқитувчиларнинг уй-жой, турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилиши ҳам керак.

Мактаб директори мактабни педагог ходимлар билан таъминлашнинг истиқбол режасини ишлаб чиқиши ва бу борадаги ишни ана шу режага мувофиқ ҳолда амалга ошириши лозим.



Ходимлар малакасини ошириш =андай ма=садларга =аратилган?

Мамлакатимизда қайта қуриш ишлари кенг авж олдириб юборилган ҳозирги кунда, умумий таълим мактабларининг ўқитувчи ва тарбиячиларининг билими ва маҳоратига талаб янада ортиб бормоқда. Чунки муаллим жамият аъзосининг манавий қиёфасини шакллантириб боради. Ўқитувчи таълим-тарбия ишида ҳамма вақт асосий фигура бўлиб келди ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади.

Ўз фаолиятини ана шу муҳим ва шарафли, олижаноб касбга бағишлаган муаялим ўқувчиларга фан асосларидан пухта билим бериш билан бир қаторда уларда илмий дунёқарашни шакллантириб бориши, меҳнатга тўғри муносабат, ватанпарварлик, байналминаллик ғоялари ўз ватани билан фахрланиш, уни химоя қилишга тайёр туриш ғояларини сингдириб боришга алоҳида эътибор бермоғи лозим.

Ҳозирги давр ғояларига содиқ меҳнатсевар ёшларни тарбиялашдаги муваффақият кўп жиҳатдан муаллимнинг сиёсий, илмий-методик ва умумпедагогик савиясига, ўз ишига ижодий ёндашишига, ўз бурчига нисбатан сидқидил бўлишига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам дастлаб ўқитувчининг қайта қуриш ғояларимизнинг тўғри ва ҳаққонийлигига чуқур ишонч ҳосил қилиши, етарли даражада сиёсий, илмий-методик ва педагогик тайёргарликка эга бўлиши талаб этилади.

Илмий дунёқараш ўқитувчи фаолиятининг мезони бўлмоғи керак. Маълумки, кишининг сиёсий қилинадии ва эътиқоди табиат ва жамият тараққиёти қонунлари ҳақидаги билимлари тизимига, яъни дунёқарашига боғлиқдир. Дунёқараш шахс психологик структурасида энг муҳим ўрин тутиши билан бирга унинг фақат сиёсий қилинадинигина эмас, балки бутун фаолиятини ҳам қамраб олади, хатто кишига қандай даражада таъсир этишини ҳам белгилайди.

Ҳозирги даврда умумий таълим мактаби жамиятимизнинг маънавий дунёси соҳасида улкан вазифаларни ҳал қилмоқда. У ижтимоий, маънавий фан-техника тараққиётининг қудратли кучи бўлиб, янги кишини-республикаимизнинг бўлажак ижодкорини тарбиялаб етиштирмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш ўқитувчилардан кенг илмий ва амалий кўникмалар эгаси бўлишни, ўз масъулияти ҳамда уюшқоқлигини кўтариш учун кўпдан-кўп куч-ғайрат сарфлашни талаб этади.

Ўқитувчиларнинг малакаларини, педагогик маҳоратини ва ижодий ташаббусларини муттасил ошириб бориши ўқувчиларга фан асосларидан чуқур ва мустаҳкам билим бериш, уларни ўзбек миллий ахлоқи руҳида тарбиялаш ишини янада такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Шундай экан, халқ маорифи бўғинларининг ходимлари, мактабгача, мактабдан ташқари болалар муассасаларининг тарбиячилари ҳамда умумий таълим мактабларининг педагог ходимлари малакасини ошириш ишини ҳозирги даврнинг талаблари асосида ташкил этиш умумдават аҳамиятига эга бўлган масаладир.

Педагогик ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш иши аниқ мақсадга қаратилган режа асосида ташкил этилиши шарт. Мактабнинг бу хилдаги ишини икки турдаги режа асосида, яъни бир беш йилликга мўлжалланган истиқбол режа ҳамда бир ўқув йилига мўлжаллаб тузилган режа асосида ташкил этиш яхши натижа беради.

Бу режа эса умуммактаб халқ хўжалик режасининг битта кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мазкур режани умуммактаб режаси билан бир вақтда тасдиқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Педагог ходимлар малакасини ошириш каналлари асосан икки гуруҳга бўлинади:

1. Мактаб доирасидаги малака ошириш каналлари;
2. Мактабдан ташқари малака ошириш каналлари.

Ҳозирги вақтда республикаимиз педагог ходимлари малакасини ошириш учун етарли шароит яратиб берилган. Бу эса давлатимизнинг мактаб маориф ходимларига бу борада оталарча ғамхўрлигининг натижасидир. Ана шундай ғамхўрлик ва шароит оқибатида республикаимиздаги педагогика институтларининг кечки ва сиртқи бўлимлари, ўқитувчилар малакаси ошириш институтлари, ноҳия ва шаҳар метод кабинетлари қошида ташкил этилган курс ва семинарларда ўз малакасини ошираётган педагог ходимлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари фаолиятида илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва уни турли йўллар билан оммалаштириш салмоқли ўринни эгалламоқда. Кейинги йилларда таълим тарбия муаммолари бўйича вилоят, ноҳия ва шаҳар илмий амалий

конференциялари кўпроқ ўтказилмоқда. Бу конференцияларда илғор педагогик тажрибалар умумлаштирилмоқда ва оммалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги педагог ходимларнинг малакасини ошириш масаласига жиддий эътибор берган ҳолда мустақил республикамиздаги педагогика институтлари қошида ташкил этилган халқ таълими ташкилотчиларининг малакасини ошириш факультетларнинг ишини янада такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор билан қарамокда. Лекин шунинг таъкидлаш керакки, педагог ходимлар малакасини оширишдек муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган ишимизда ҳали жиддий камчиликлар ҳам мавжуддир. Жумладан:

Педагог ходимларнинг малакасини ошириш соҳасидаги амалга ошириладиган ишлар ўқитувчиларнинг иш шароити, назарий ва амалий тайёргарлигига боғлаб дифференциялаштирилмайди. Бу эса, мактаб ўқитувчилари малакасини оширишдаги республика, вилоят ва шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ишидаги жиддий камчиликлардан биридир.

Мактабдаги методика ишлари ўқув тарбия ишларининг сифат ва самарадорлигини оширувчи муҳим воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Методика ишларининг мақсади ўқитувчи ва тарбиячиларнинг маънавий сиёсий савиясини ва педагогик маҳоратини ошириб боришдир.

Методика ишлари аниқ режалаштириш асосида олиб борилади.

Методика ишларини, умуммактаб миқёсида режалаштирилганидек, метод бирлашмалари ва фан комиссиялари миқёсида ҳам режалаштирилади. Ўқув тарбия ишларининг умуммактаб режасига "методика ишлари" бўлими киритилади. Бу бўлимда ишнинг умумий мазмуни кўрсатилади. Методика ишларини режалаштиришни ўқув йилининг охирида, ўтган ўқув йилига тайёрланиш учун ёзда ким нималар қилиши лозимлигини белгилаб қўйиш зарур.

Мактабдаги методика ишларининг энг оддий шакли ўқитувчиларнинг адабиётлар ўқиб чиқиш ва амалий тажрибаларни умумлаштириш асосида маъруза, ахборот ҳамда реферетлар тайёрлашидир. Буни биз ўқитувчиларнинг ўз устида мустақил ишлаб, малакасини ошириши деб атаймиз.

Ўқувчиларнинг фан асосларидан билим олиши, асосан дарс жараёнида амалга ошади, чунки илм дарсадагина ўқувчи онгига сингдирилади. Худди шундай жараёнда уларда ўқув меҳнати бўйича малака, кўникма ва иқтидор ҳосил қилдирилади ҳамда уни ривожлантириб борилади.

Педагог ходимларнинг ғоявий-сиёсий савиясини, маданиятини ва умумий билимини ошириш, асосан ўзи-ўзидан ўқиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун биз малака оширишнинг асосий шаклларида бири, мустақил таълим олишдир, деб дадил айта оламиз. Бизнинг фикримизча, ўқитувчи ва тарбиячилар, мактаб раҳбарлари, халқ маорифи бугинлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг мустақил билим олишларида ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари, республика малака ошириш курслари, олий ўқув юртлари ҳузуридаги мактаб раҳбарларининг малака ошириш факультетлари, ноҳия, шаҳар, вилоят ва республика педагогика жамиятлари педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтлари, халқ университетлари, маданият уйлари, музейлар, кутубхона ва бошқа муассасалар

муҳим марказ бўлиб хизмат қилади. Бундай жойларда мустақил таълим олиш, мустақил ўқиш учун имконият мавжуд.

Ўқитувчи ва мактаб раҳбарларининг мустақил таълими ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Мустақил таълимнинг янги йўлларини, энг самарали усулларини қидириб топиш, уни такомиллаштириш иши билан методик марказлар, халқ маорифи бугинлари, малака ошириш факультетлари, шунингдек мактаб директорлари астойдил шуғулланишлари керак. Бу муҳим ишга халқ маорифи бугинлари ва малака ошириш институтларининг раҳбарлиги ва назоратини кучайтириш талаб этилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Мактаб педагог ходимлари билан таъминлашга нималарга эътибор бериш керак.
2. Раҳбарни танлашга қандай шартларга риоякилиш керак.
3. Нималар учун ўқитувчиларни малакасини оширилади?

11-Мавзу: МАКТАБ ИЧКИ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИДА АХБОРОТЛАР ТЎПЛАШ ВА УНИ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ РЕЖА:

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида;
2. Мактаб ички бошқарув тизимида тўпланган ахборот турлари;
3. Директив ахборотлар. Назорат қилиш йўли билан тўпланган ахборотлар;
4. Ёзма, оғзаки статистик ахборотлар.

Таянч иборалар:

Бошқарув тизими, директив ахборот, статистик ахборот. Ички бошқарув. Техник ходим.



Таълимни ислоҳ =илишда «миллий модел» асосида =абул =илинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» нинг ырни ани=ланг

1. "Хар ким чуқур ва мустаҳкам билимсиз олдимизда турган вазифаларни бажариш мумкин эмаслигини, ишда силжишга эришиш мумкин эмаслигини аниқ тушунмоғи даркор" (Кашқадарё ҳақиқати. 1988 йил 24 м.). Агар келажагимизни ўйлаб иш қилмоқчи бўлсак келажақда ишимизни давом эттирадиган бугунги ёшларимизга шароит яратиб, унинг ҳаёти ҳақида қайгурадиган бўлсак, аввало маҳаллий ёшларни тарбиялаш ишига муносабатимизни мутлақо ўзгартиришимиз керак.

Мумкин қадар кўпроқ иқтидорли ёшларимизни иттифокнинг энг илғор корхоналарга, шулар жумласидан ҳатто ҳорижий мамлакатларга, керак бўлса

янги технология, янгича иш ташкил қилишни ўрганиш учун Япония, Америкага ҳамда бошқа жойларга юбориб, уларни ўқишига, тажриба орттиришига имконият яратиш лозим.

Иқтисодимизни, ҳаётимизни ўзгартириш ана шуларга боғлиқ бўлади. Агар шуни қилмасак, бу юришимизда катта йўлга чиқишимиз қийин бўлади.

Айтиш керакки, кадрларни пухтароқ қилиб тайёрламасдан уларнинг қадрига етмасдан, уларга ишонмасдан ва қўллаб қувватламасдан ўйлайманки, бирон-бир соҳада аҳволни ҳеч қанака тарзда ўзгартириб бўлмайди.

Моддий базани мустаҳкамлаш, кадрлар масаласи, маънавий эҳтиёжлар буларнинг ҳаммаси диққат эътиборимизда бўлиши керак. Бу гап тарихий ва маданий мерос масалаларига, асоссиз тарзда унутилиб юборилган халқ анъаналарини ва удумларини тиклашга ҳам тўла тааллуқлидир.

Фанга истеъдодли ёшларни кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амалга ошириш зарур.

Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратишнинг Республика системасини ишлаб чиқиш керак. Ана шу системанинг аниқ жиҳатлари ва босқичлари ҳусусида сизлар билан биргаликда ўйлаб кўришимиз зарур.

Истеъдодли ёшларимизнинг, йигит-қизларимизнинг ўз қизиққан соҳаларида етук инсонлар бўлиб етишишлари учун тегишли шарт-шароитлар ҳали тўла яратилгани йўқ.

Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарсани аямаймиз. Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммисининг заминида тарбия ётади.



Нима учун ахборотлар тыпланади ва таҳлил =илиб борилади?

Мактаб ички бошқарув тизимида ахборотлар тўплаш ва уни узлуксиз равишда таҳлил қилиб бориш, шу асосда таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштиришга қарата тегишли қарор ва тадбирларни белгилаб бориш, мактаб ишини самарали услубда бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Дарҳақиқат, мактаб-маориф ишини янада яхшилашнинг муҳим шартоти жараёнида тегишли бўлган ахборотларни тўплаш, уни таҳлил қилиш ва ишни янада такомиллаштиришга қарата илмий-методик ва педагогик жиҳатидан асооланган тадбирларни белгилаб бориш, мактаб ишини самарали услубда бошқаришнинг муҳим шартларидан биридир.

Дарҳақиқат, мактаб-маориф ишини янада яхшилашнинг муҳим шarti иш жараёнида тегишли бўлган ахборотларни тўплаш, уни таҳлил қилиш ва ишни янада такомиллаштиришга қарата илмий-методик ва педагогик жиҳатидан асосланган тадбирларни белгилашдир.

Мана шунинг учун ҳам мактаб ички бошқаруви тизимида ахборот-лар тўплаш ва уни таҳлил қилишнинг педагогик аҳамияти жуда каттадир. Шу мақсадда халқ таълими бугинлари ва мактабларнинг раҳбарлари бу муҳим

масалага ўз эътиборларини жалб этишлари зарур. Мактаб ички бошқарув тизимидаги тўпланадиган ахборотларни асосан икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Директив ахборотлар;

2. Назорат қилиш (ишнинг ҳолатини билиш) йўли билан тўпланадиган ахборотлар.

Директив ахборотлар туркумига Республика Президентининг мактаб маориф тўғрисидаги фармон ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг мактаб-маориф борасидаги қарор ва турли кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг турли буйруқ, инструктив-методик кўрсатма ва коллегия қарорлари, вилоят, шаҳар ва ноҳия депутатлари Советларининг мактаб-маориф тўғрисидаги қарор ва кўрсатмалари, вилоят, шаҳар ва ноҳия халқ таълими бўлимларининг буйруқлари Совет қарорлари ҳамда турли инструктив методик кўрсатмалари киради.

Мазкур ахборотлар мактаб маъмурияти ҳамда мактабнинг турли жамоатчилик ташкилотлари орқали ҳар бир ўқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларга етказилади. Мактаб педагогик жамоасини директив ахборотлар билан қуроллантириш мактабнинг таълим-тарбиявий ишларини тўғри ташкил этиш, бу борада педагоглар жамоаси ҳар бир аъзосини ишга нисбатан тўғри муносабатда бўлиши ҳамда ўз ишига шахсий жавобгарлик ҳисси билан қараши мактабнинг таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштириш бобида катта улкан имкониятларни яратиб беради.

Мана шунинг учун ҳам мактаб ички бошқарув тизимида директив ахборотлар тўплаш ва у билан мактабнинг педагоглар жамоасини изчил қуроллантириб боришнинг педагогик аҳамияти жуда ҳам каттадир. Мактабнинг ўқув моддий ва техникавий базасига ўқув-тарбия ишларига синфдан ва мактабдан ташқари ишларига, педагогик ходимларга ҳамда мактабнинг молия-хўжалик каби қатор ишларига тегишли бўлган ахборотлар асосан уч турга бўлинади:

1. Ёзма ахборотлар;

2. Оғзаки ахборотлар;

3. Статистик ахборотлар.

Бу ахборотлар ўрта умумий таълим мактаби уставининг 60-моддасига биноан ва бу моддани ҳаётга тадбиқ қилишга қарата Ўзбекистон Республикаси халқ таълими Вазирлиги томонидан тасдиқланган инструктив кўрсатмага асосан маълум муддатларга мўлжалланган ҳолда (ҳафталик, ойлик, чорақлик, ярим йиллик ва бир йиллик) тўпланиб ва умумлаштириб тегишли халқ маорифи бўғинларига юборилади.

Бунинг учун ҳар бир мактаб директори ва унинг ўринбосарларини аниқ мақсад асосида ахборот манбаларини аниқ мўлжалга олиши ва олиниши керак бўлган ахборот мавзунини олдиндан белгилаб қўйиши катта аҳамият касб этади.

Биз куйида мазкур ахборот манбаларини кўрсатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Мактабнинг халқ хўжалик режаси кўрсаткичлари;

2. Мактабнинг умумий мажбурий (таянч) таълимини амалга ошириш ишлари;

3. Мактабнинг ўқув-моддий ва техника базасига тааллуқли ишлар;

4. Ўқув тарбия ишлари;

5. Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар;
6. Ўқувчилар ташкилоти фаолиятига тегишли ишлар;
7. Мактаб кутубхонасининг ишлари;
8. Мактабнинг оила ва жамоатчилик билан ҳамкорлигида олиб бориладиган ишлари;
9. Мактабнинг оталиқ ташкилотлари ва база корхонаси ҳамкорлигидаги ишлари;
10. Мактабнинг ноҳия (шаҳар) миқёсидаги мактаблараро ўқув ишлаб-чиқариш комбинатлари (УПК) ҳамкорлигидаги ишлар;
11. Мактабнинг шаҳар ёки қишлоқдаги ҳунар техника билим юрти билан ҳамкорликдаги ишлари;
12. Мактабнинг ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ҳамкорлигидаги ишлари;
13. Мактаб ҳужжатларини юритиш ишлари;
14. Мактабнинг молия хўжалик ишлари;
15. Ўқувчиларни иссиқ овқат ва чой билан таъминлаш (мактабнинг буфет, ошхона) ишлари;
16. Мактабнинг ота-оналар комитети фаолиятига тааллуқли ишлари;
17. Мактабнинг таълим-тарбияга оид педагогик ташвиқот ишлари;
18. Ўқувчилар тиббий хизматини ташкил қилиш ишлари;
19. Мактабнинг ўқувчилар учун қатнов воситаларини уюштириш ишлари;
20. Ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари;
21. Мактаб педагогика Советининг ишлари.

Бу манба ўз навбатида мактабнинг ички назорат манбалари ҳам бўлиб ҳисобланади. Мазкур манбаларнинг ҳар биридан турли масалаларга тааллуқли ахборотларни аниқ мавзу асосида тўплаш мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир мактаб раҳбари раҳбарлар ўртасидаги иш тақсимотига кўра ўзи тўплайдиган ахборотлар мавзусини олдиндан тузиб чиқиши ва шу мавзу асосида мўлжалланган муддатда тешили ахборотларни тўплаши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мактабга раҳбарлик қилиш даражаси ҳар бир ўқитувчининг ўқитувчилик фаолияти, ўқувчида билимининг сифати, уларнинг тарбияланганлик ва интизомлик даражаси ҳақида мактаб раҳбарларининг айниқса, директорнинг ўз вақтида қанчалик аниқ мақсад ва мавзу асосида тўғри ва ҳатто ҳар томонлама тўла ахборот тўплаганлигига кўп жиҳатидан боғлиқ. Бундай ахборотларни тўплашнинг энг муҳим воситаси ўқитиш ва тарбиялаш ишининг қандай аҳволдалигини мактаб ички назоратини амалга ошириш орқали айниқса, ўқитувчиларни дарсига кириб кузатишдир.

Ўқитувчининг педагогик ва умумий маданий савияси, билим даражаси ва доираси тайёргарлик даражасининг қандайлигини ўқувчиларнинг ақлий меҳнатини мақсадга мувофиқ ташкил этилганини билимларни ўзлаштириш жараёни қандай бораётганлигини фақат дарс кузатиш билангина билиш мумкин.

Ёки бошқача қилиб айтганда ана шу масалаларга тегишли бўлган ахборотлар дарс кузатиш орқали тўпланади.

Таълим-тарбия ишининг аҳволи ҳақида ахборот тўплашнинг яна бир йўли ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашиш, ўқитувчининг ёзма ҳужжатларини (режалари, методик ишланмалари, синф журналидаги ёзувлар).

Ўқувчиларнинг кундаликлари, ёзув дафтарлари ва бошқа ишлари билан танишиб чиқиш, статистик маълумотлардан фойдаланиш ва педагогик таҳлил қилиш, ўқувчилардан анкета саволларига жавоб олиш ва шу кабиларнинг ҳам қўллашдир.

Таълим-тарбия ишининг натижаларига тааллуқли бўлган ахборотларни тўплаш биланоқ уни тезда таҳлил қилишга киришишни педагогик аҳамияти жуда каттадир.

Бунга фақат камчилик ва хатоларни таъкидлаб ўтиш билан кифояланмай, балки бу камчилик ва хатоларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам ҳар томонлама аниқлаш зарур.

Буни аввало, ўқувчилар билимининг сифатини текшириш пайтида яхши эсда тутиш керак.

Мактаб дафтарлари ўқувчиларнинг билим даражаси ҳақида баъзи дарсларда ўтказган айрим кузатишларига, ўқувчилар билимини ҳамма вақт ҳам тўғри акс эттиравермайдиган ёмон ва яхши баҳоларнинг сонига қараб фикр юритишлари бу борада хулосалар чиқаришлари ва шу ахборотларни таҳлил қилиш натижаларига мувофиқ тарзда ишни яхшилашга қарата аниқ тадбирларни белгилашлари мақсадга мувофиқдир.

Чунки, ҳар бир олинган ахборот таҳлил қилинсада, лекин шу таҳлил асосида ишни яхшилаш тадбирлари белгаланмаса, бундай ахборот тўплаш ва уни таҳлил қилишни самараси бўлмайди.

Модомики шундай экан, ҳар бир мактаб раҳбари бу масалани ўзининг эътиборидан четда қолдирмаслиги зарур.

Мактаб раҳбарлари мазкур ахборотлар билан танишиб олганларидан сўнг бу ахборотларни тезда педагогик таҳлил қилиш орқали ўқитувчи ёки синф раҳбарининг педагогик иш фаолиятини янада яхшилаш тадбирларини белгилайди, ва бу тадбирларни мактаб ҳаётига у ёки бу шаклда тадбиқ этади.

Бундай ички бошқарув сўзсиз мактабнинг таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширади.

Умумий таълим мактаби директори ўз фаолиятини мактабдаги бутун таълим-тарбия ишининг ташкил этилиши ва сифати учун давлат олдида шахсий жавобгар бўлган ягона раҳбар сифатида белгилайди:

Мактаб директорининг ташкилотчилик фаолияти шакллари жуда кўп қирралидир.

У ўқитувчилар, синф раҳбарларининг ишига раҳбарлик қилиши, молия хўжалик ишларининг мактабда қўйилишини бошқариши, бу фаолиятининг нозик томонларини билиши, синфдан ва мактабдан ташқари ишларга раҳбарликни амалга ошириши керак.

Мактаб директори ўзининг яқин кўмакчиларисиз ҳар куни кўндаланг бўлиб турган барча масалаларни хал этиши мушкул. Шунинг учун ҳам унинг ўринбосарлари ёш авлодни шакллантиришда ўқитувчиларга тўғри йўл-йўрик кўрсатиши, кўмаклашиши ва амалий ёрдам бериши, унинг иш жараёнини зийраклик билан кузатиб бориши зарур.

Мактаб директорига шу мактабнинг 6^а - синф раҳбарининг

2004-2005 ўқув йилининг I-ярим йиллик якуни бўйича
ахбороти

№	Ахборот мазмуни	Ўқув йили бошида	Чораклар	
			I	II
1	Синфдаги ўқувчилар сони Шу жумладан: а) қиз болалар б) Ўғил болалар			
2	Синф ўқувчилари ичида моддий ёрдамга мухтож бўлган ўқувчилар			
3	Умумий таълим фонди ҳисобига нечта ўқувчига моддий ёрдам уюштирилди			
4	Синфдаги неча ўқувчи давлат (колхоз ва совхоз) ҳисобидан иссиқ овқат билан таъмин этилган			
5	Синфдаги саломатлиги ночор бўлган ўқувчилар сони			
6	Сабабсиз дарс қолдирган ўқувчилар			
7	Кўча ҳаракатига тегишли маълумот			
8	Ўқувчилар ҳаракатига тегишли маълумотлар			
9	а) Ўқишни ташлаб кетган ўқувчилар б) бошқа мактабга кетган ўқувчилар в) ҳар хил сабабларга кўра мактабдан қолган ўқувчилар г) бошқа мактабдан келган ўқувчилар д) "4" ва "5" баҳога ўқийдиган ўқувчилар			
10	Фақат "5" баҳога ўқийдиган ўқувчилар			
11	Бир ва икки фандан "3" (қолгани "4" ва "5") баҳога ўқийдиган ўқувчилар			
12	Ўзлаштирмайдиган ўқувчилар. Шундан икки ва ундан ортиқ фандан ўзлаштирмайдиган ўқувчилар			
13	Ўқув анжомлари билан тўлиқ қуролланган ўқувчилар			

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Мактаб ички бошқарув тизимида тўпланган ахборотларни асосан неча гуруҳга бўлинади?
2. Хўжалик ишларига тегишли бўлган ахборотлар неча турга бўлинади?

**12-Мавзу: ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИДА
ИЖРОНИ ТЕКШИРИШ.**

РЕЖА:

1. Ижрони текшириш;
2. Ички назорат тизимида дарс кузатиш;
3. Дарс таҳлили турлари.

Таянч иборалар:

Ички назорат тизими, ижро, дарс таҳлили, дидактик таҳлил, умумий педогогик таҳлил.

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан сўнг таълим соҳасига алоҳида эътибор берилмоқда. 1997 йилда таълим тўғрисида янги қонун қабул қилинди.

Таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш вақти етди, профессионал билимларни эгаллаш имкониятини кенгайтириш, маъмур-менеджерларни тайёрлашни йўлга қўйиш, янги шароитларда, янги замонавий технологияларда ишлашга қобил ишчи ва мутахассисларни тайёрлашни йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кун ёшлар билан мунтазам, қунт билан иш олиб бориш, истедодли болаларни саралаб, уларга чет-элнинг яхши ўқув марказларида профессионал билим олишлари учун шарт-шароитлар яратишни тақоза этипти. Бу мақсадни амалга оширишга яқинда тузилган "УМИД" жамғармасидан умидимиз катта. Энг муҳими шуни англаб етишимиз керакки, кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъйи-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Демакки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислох қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош қилинади бўлмоғи даркор.



Ички назорат тизимида ижрони текшириш зарурати борми?

Мактаб раҳбарларининг ташкилотчилик ишида ҳукуматимизнинг халқ маорифи ва мактаб тўғрисидаги қарорлари, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, вилоят, шаҳар ва ноҳия халқ таълими бўлимлари томонидан қабул қилинган қарорларининг ва мактабнинг ўз қарор ва буйруқларининг ижросини назоратга олиш ва текшириш мактаб ички назоратини таъсирчанлигини ҳамда ҳар бир ўқитувчи ва мактаб ходимларининг ишига нисбатан шахсий жавобгарлигини оширади. Бу эса, уз навбатида мактабда ўқув-тарбия ишларининг янада такомиллашувига тез таъсирини кўрсата.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ижрони текшириш билан масъул ходимлар шуғуллангандагина у таъсирчан бўлади. Шунинг учун ҳам ижрони мунтазам равишда текширишни ташкил этиш учун раҳбарларнинг шахсан жавобгар бўлиши шунингдек, ходимларни танлаш, омма билан алоқада бўлиш, ишда оммани бой тажрибасига таянишини назорат қилиш ва ижрони текшириш билан узвий равишда бирга боғлаб олиб бориш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

қабул қилинган қарор билан ижронинг борлиги, сўз билан ишнинг борлиги раҳбарлик услубининг негизини ташкил қилади. Ишнинг кузини

билиб ташкил этилган ижрони текшириш ана шундай борликни шубҳасиз мустаҳкамлайди. У ўқитувчи, тарбиячи, мактаб ходимларида ўзига ва бошқаларга нисбатан юксак талабчанликни интизомни тарбиялайди, топширилган иш учун масъулият ҳиссини кучайтаради қўйилган вазифаларни муваффақиятли амалга оширишни тўғри йўллари қидириб топиш кишиларда қийинчиликларни енгиш сабот-матонат, ташаббускорлик муваффақиятига эришиш учун узлуксиз ва собитқадамлик билан интилиш ҳиссини тарбиялайди. Бу мактабнинг тўғри бошқаришнинг муҳим шартларидан, ҳозирги бозор иқтисодиётида даври энг зарур талабларидан биридир.



Дарс кузатиш ва уни таҳлил =илиш =андай натижа ёки самара беради?

Мактабда дарс ўқув ишини ташкил этишни асосий шакли ҳисобланади. Ёки бошқача қилиб айтганда, мактабдаги таълимнинг асоси дарсдир. Дарсда мактабнинг таълим-тарбиявий вазифалари ҳал этилади, ўқитувчи ўқувчиларга изчил билим бериш юзасидан турли ишлар олиб боради.

Дарс-фикрни уйғотиш ва зеҳнини янги далиллар, воқеалар, талқинлар, янги тафаккур медалари билан бойитиш машқидир.

Умумий таълим мактабларида олиб бориладиган дарсдан кузатиладиган мақсад асосан учта: умум таълимий, тарбиявий ва амалий мақсаддир. Биринчиси, билимдон бўлиш, иккинчиси одобли бўлиш, учинчиси, меҳнатсевар бўлиш демакдир.

Ҳамманинг узи ўрганган ўрни ва севган машғулоти бўлади. Ўқитувчининг серзаҳмат ишини синфда дарсдан бошланади. Ҳар бир дарс педагогик маҳорат кўриги бўлиши, ҳар бир дарсда муайян мақсадга эришилиши, ҳар бир дарсдан ифтихор билан чиқилиши лозим. Демак ҳар бир мактабнинг ўқитувчилар жамоаси таълимининг асоси дарснинг самарадорлиги учун деган шиор асосида ишлаш ҳозирги куннинг муҳим талабидир.

Мактабда дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш масаласи аниқ мақсадга қаратилган, ягона умуммактаб режаси-график асосида ташкил қилиши шарт.

Мактаб раҳбари ўқитувчининг ҳар бир дарсини ўз олдига аниқ мавзу ва мақсад қўйган ҳолда кузатса, уни илмий, методик ва педагогик жиҳатдан тўғри таҳлил қилиб бера олсагина бу борада яхши натижаларга эришган бўлади.

Мактаб ички назоратини, жумладан, дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш масаласини нотўғри ташкил қилиш, бу масалага панжа орасида қарашнинг оқибати эса мактабнинг таълим тарбия ишларига салбий таъсир қилади. Ана шунинг учун ҳам мактабда дарс кузатиш ва уни таҳлил қилиш масаласини тўғри ташкил қилиш ўқув тарбия ишларини янада такомиллашувида катта аҳамият касб этади.

Биз юқорида ўқитувчиларнинг дарсларини кузатувчи ҳар бир мактаб раҳбари ёки ноҳия, шаҳар ва вилоят, халқ маорифи бўлимининг инспектор-методисти дарсга киришдан олдин ўз олдига аниқ мақсадни қўйишни ва шу мақсад асосида у ёки бу фан ўқитувчисининг дарсини махсус тайёргарлик асосида кузатиши ва уни тўғри таҳлил қилиб бориши лозимлиги ҳақида фикр юритган эдик.

Мактаб раҳбарлари дарсни кузатиш ва таҳлил қилишни режалаштирилган вақтларида қуйидагиларни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишлари мумкин:

Масалан, жуғрофия дарсларида ўқитувчининг ўқувчиларини фаоллаштириш ва уларни жуғрофия атласи, контурли карта ёки дарслик билан мустақил ишлатиш йўлларини ўрганиш, тарих дарсларида ўқувчиларни ғоявий сиёсий жиҳатдан тарбиялаш масаласини амалга оширилиши, химия дарсларида ўқувчиларни амалий-мустақил ишлаш қобилиятларини ўрганиш, математика дарсларида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ўстириш борасида ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиш, адабиёт дарсларида ўқувчиларни эстетик руҳда тарбиялаш масаласининг қўйилишини ўрганиш кабилар.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш керакки, мактаб директори ёки илмий бўлим мудирини ўқитувчиларнинг дарсига кирган вақтда ўқувчиларнинг билимини аниқлаш мақсадида ўзи ёки ўқитувчи орқали ўқувчиларга саволлар бериши ҳам мумкин, лекин бу иш узок вақт чўзилмаслиги керак. Бундан ташқари мактаб раҳбарлари фан ўқитувчисига бирор мавзу кўрсатиб (унинг розилиги билан), шу мавзу юзасидан ёзма иш ўтказишни таклиф қилиши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, мактаб раҳбарлари кузатган дарсларнинг таҳлили, умумий педагогика ва хусусий методика жиҳатдан бир хил бўлса ҳам, лекин дарсларда қайси фан ўрганилганига қараб, турлича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, физика, химия ва биология дарсларида ўқувчиларнинг тажриба ўтказишда ва бошқа амалий малакаларни канчалик даражада эгаллаб олганликларига аҳамият берилса, она тили дарсларида ўқувчиларнинг нутк маданияти қандай эканлигига кўпроқ эътибор берилиши мумкин. Лекин дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш тартиби қандай бўлишидан катъий назар, унинг асосий мақсади ўқувчиларнинг билим ва малакаларини янада яхшилашга, дарснинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Ўқитувчилар дарсини кузатиш ва таҳлил қилишни дарсни таҳлил қилиш дафтарида қуйидаги тартибда ёзишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Дарс берувчи ўқитувчи ва синф ҳақида умумий маълумот.

- Шу кунги число ва йил;
- Ўқитувчининг исми ва фамилияси;
- Маълумоти ва педагогик стажи;
- Охирги марта қачон ва қаерда, қандай муддатда малака оширишнинг қайси туридан ўтган;
- Дарс олиб борадиган синфлар (9-"А", 10-"Б", 11-"Г");
- Фан (Ўқитувчи дарс бераётган фан);
- Дарс мавзуси;
- Ўқитувчининг дарсдаги таълимий ва тарбиявий мақсади.
- Синф ёки ўқув хоналарининг мактаб гигиенаси талабларига тўлиқ жавоб бериш ҳолати.

2. Ўқитувчининг кундалик дарс режаси ва баёни (унинг мақсадга мувофиқ ёки номувофиқ тузилганлиги);

- Ўзи ишлаган ва дарсга олиб кириш учун танлаган кўргазмалар куруллари (Диаграмма, таблица, схема, расм, макет, турли коллекция ҳамда гербарий кабилар);

- Дарс давомида кўрсатиш учун танлаган ўқув фильмлари (Уларнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги);

- Мазкур дарсга тайёргарлик даврида ўқитувчи томонидан фойдаланилган, сиёсий, илмий-методик ва педагогик адабиётлар рўйхати;

- Дарс кузатувчининг мақсади: шу ўринда дарс кузатувчи ўз олдида қайси мақсадни қўйган бўлса, таҳлил дафтарининг мақсад мавзуси шу қисмига ёзиб қўяди. Масалан, дарсда ўқитувчининг таълимни тарбия билан боғлаш йўллари ва бу борадаги услубларини ўрганиш.

4. Дарснинг боришига илмий-методик ва педагогик таъриф.

- Дарснинг тузилиши, унинг қисмларини режалаштириш, вақтдан, синф доскасидан ва ўқув кўргазмалар куруллардан фойдаланиш (мазкур дарс машғулотининг кабинет тизимида олиб борилганлигини, ўқув ёки синф хонасининг санитария-гигиена ҳолати, синфдаги ўқувчиларни ўқув анжомлари билан тўлиқ ёки нотўлиқ курулланганлиги);

- Дарснинг мазмуни-ўрганилаётган мавзунинг вақт ва мазмун жиҳатидан ўқув дастурига мослиги, ўқитувчи баён этаётган мавзунинг илмийлиги, тўлаллиги, изчиллиги, дарсни политехника таълими нуқтаи назаридан лаборатория ва амалий ишлар билан боғланиши, мавзунинг ўқувчилар ёшига мослиги, ғоявий-сиёсий қиймати, дарснинг тарбиявий аҳамияти, ўқитувчи баёнининг равишлиги;

Ўтган дарс мавзусининг сўралиши, ўқувчилар билимининг баҳоланиши, янги мавзунинг ўтилган мавзуга боғланиши.

- Ўқитувчининг дарс ўтиш усуллари: дарс давомида, олдинги ёки ўтган дарсда ўтилган мавзунинг сўрашда, янги мавзунинг баён қилиши мустаҳкамлаш ва яқунлашда ўқитувчи қўллаган усуллар, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги. Дарс давомида фойдаланилган кўргазмалар куруллар, дарсликлар ва техник воситалар, дарсда ўқувчиларнинг мустақил ишлатиши;

- Ўқувчиларнинг дарсга муносабати-дарсга ўз вақтида етиб келиши, диққат билан қараши, қизиқиши, фаоллиги, иштиёқи, интизоми, мазкур фан асосларини билиши, мустақил фикрлаш фаолияти, амали ва лаборатория ишларини мустақил бажара олиши.

- Ўқитувчининг дарсга муносабати ўз вақтида яхши тайёргарлик билан дарсга етиб келиши, мазкур синф ўқувчиларининг психологиясини билиши (дарсда ўқувчиларга нисбатан муомиласи), синфни идора эта билиши, иш услуби, дарсда ўқитувчининг раҳбарлик роли, нутқ маданияти, ташқи қиёфаси, ўқувчилар ўртасидаги обрўси, дарсда электрон ҳисоблаш техникаси ёки бошқа ўқув техникаси воситаларидан фойдаланиши, мазкур синфнинг раҳбари билан алоқаси ва ҳоказо.

5. Дарснинг ижобий ва салбий томонлари. Бундан дарсга ёзилган илмий, методик ва умумпедагогик таъриф, асосан унинг ижобий ва салбий томонларини дарс кузатиш дафтарининг шу қисмига илмий-методик нуқтаи назардан ёзилади.

6. Дарс ҳулосаси-дарс режасининг бажарилиши, ўқитувчининг дарсда ўз олдида қўйган таълимий ва тарбиявий мақсадига тўлиқ эришиши ёки эриша

олмаганлиги, ўқувчилар билимининг сифати, дарсда таълимни давлат дастурига мослиги ҳамда таълимнинг тарбияга боғланиши, ўқитувчининг илмий-методик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлиги ёки мазкур ўқитувчининг илғор тажрибасини оммалаштиришга сазоворлиги ва ҳоказолар.

7. Дарс самарадорлиги ва ўқувчининг иш фаолиятини янада яхшилашга оид дарс кузатувчи томонидан бериладиган таклифлар таълим-тарбия ишларини янада такомиллаштиришга қаратмоғи лозим.

Маълумки, дарс таҳлили фақатгина методик аҳамиятга эга бўлиб қолмай, балки мактабда ўқув тарбия ишларига раҳбарлик ва назоратни муҳим шакли ҳамдир.

Дарс таҳлили асосан ўқув машғулотларини текшириш, ўрганиш кўринишида олиб борилади. Бунда қуйидагилар кўзга ташланади:

а) Мактаб директори ва унинг ўринбосарларининг мактабда ўқитувчи ишига раҳбарлик доирасидаги дарс таҳлили;

б) Ўқитувчининг малакасини оширишга ёрдам бериш, такомиллаштириш, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш доирасидаги дарс таҳлили;

в) Бўлғуси ўқитувчилар педогогик жараёнида назарий билимларни амалиётга қай даражада тадбиқ қилинаётганлигини текшириш ва унинг натижаларини ўрганиш, шунингдек, ўргатиш доирасида дарс таҳлили;

г) Ўқитувчиларнинг ўзаро бир-бирларининг педагогик усул ва услубларини ўрганиш доирасида дарс таҳлили;

д) Ўқувчилар жамоаси ёки бир ўқувчининг билим даражасини ва уларни ўзлаштириш, ахлоқ мезонлари қай ҳолда эканлигини ўрганиш, текшириш доирасидаги ота-оналар, тарбиячилар ва бошқаларнинг дарс таҳлили.

Демак, дарс таҳлилининг асосий мақсади ва вазифаси биз юқорида фикр юритганимиздек, мураккаб таълим-тарбия оқимининг тўғри қилинадиини, бажарилишини назорат этишгина эмас, балки уни ҳукуматимиз қўйган талаблар даражасида амалга оширишга ҳар бир ўқитувчига амалий кўмаклашишни тақоза этади.

Дарс таҳлилини шартли равишда қуйидаги тўрт турга бўлиш мумкин:

1. Илмий таҳлил; 2. Методик таҳлил; 3. Дитактик таҳлил; 4. Умум педагогик таҳлил.

Илмий таҳлил берилаётган билимларнинг илмий, назарий жиҳатини, ўқувчи бажариётган мустақил ишнинг эса мақсадга мувофиқ қилинади жиҳатидан тўғрилигини аниқлаш демакдир.

Ҳар бир дарс кузатувчи раҳбар дарснинг илмий таҳлилига асосан қуйидагиларга эътибор бериши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Ўқитувчининг илмий жиҳатдан (ўз мутахассис бўлган фаннинг илмий асосда чуқур билиши) қуроолланганлиги;

2. Шу кунги дарсга илмий жиҳатдан тайёргарлик ҳолати;

3. Ўз мутахассислигига оид энг янги илмий назарий ахборотлар билан қуроолланиб бориш;

4. Дарс жараёнида илмий қоида ва таърифларнинг тўғри баён этилиши ҳамда атамаларнинг ўқувчиларга сингдириб борилиши;

5. Дарсда таълимнинг ўзига хос хусусиятларининг ҳисобга олиниши;

6. Дарслик материалларининг қўшимча адабиёт ва материаллари билан бойитилиши;

7. Ўқувчи бажариётган лаборатория, амалий ҳамда мустакил ишларни илмий қилинади бўйича мақсадга мувофиқлиги;

8. Ўқувчилар хулосасининг илмий жиҳатдан тўғри, қисқа ва мукаммал баён этилиши ҳамда уни ўқитувчи томонидан назорат қилиниши;

9. Дарс давомида янги мавзуни баён этиш жараёнида таълимнинг тарбия билан боғланиши;

10. Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг илмий нутқ маданияти. Методик таҳлил-ўқитувчининг дарс жараёнида қўллаган усулларининг мақсадга мувофиқ эканлиги таълимнинг турига ва унинг ўзига хос хусусиятларига қараб белгиланади. Ўқув материални ўқувчиларга баён қилиш ва тушунтириш жараёнида қўлланилган усулларнинг шу материалга мослиги ёки мос эмаслиги методик таҳлил давомида аниқланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўқитувчи дарсда қўллаган усулларнинг самарадорлиги, ранг-баранглиги, намунавийлиги, унинг ўтган, янги мавзу материални ўқувчиларнинг қай даражада ўзлаштириб олганликлари билан белгиланади. Шу боисдан ҳар бир дарс кузатувчи (ўқитувчи, директор, илмий бўлим мудир, инспектор ёки методист) дарс таҳлилининг бу турига алоҳида эътибор билан қараши керак.

Дарс методларини таҳлил қилишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

I. Дарс жараёнидаги ўқитувчи ва ўқувчилар фаолиятини ташкилий шаклларига кўра:

а) ҳикоя усули;

б) оғзаки баён усули;

в) суҳбат усули;

2. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришига кўра:

а) ўқитувчининг сўзлаш усули;

б) кўрсатмали куроллардан фойдаланиш усули;

в) дарслик, контурли карта, диаграмма ёки жадваллар билан ишлаш усули;

г) лаборатория асбоблари билан ишлаш усули;

д) техника воситаларидан (информатика, электрон ҳисоблаш техникаси, кинофильм, диафильм, радио, телевизор кабилар) фойдаланиш усули;

е) синф доскасидан, жуғрофия, тарих ёки зоологияга тегишли бўлган турли хариталардан фойдаланиш усули кабилар.

ДИДАКТИК ТАҲЛИЛ-таълим турлари самарадорлигида уни белгиловчи қонунлар ва қоидаларнинг дарсда қанчалик тўғри ҳамда мукаммал бажарилганлигини таҳлил қилиш демакдир. Дарсни дидактик жиҳатдан таҳлил қилишда қуйидагиларга эътибор бериш ўринли бўлади:

1. Ўқитувчи баёнининг синф ўқувчилари жамоасига тўла тушунарли бўлиши ва бу баённинг изчил равишда ўқувчи онгига етиб бориши;

2. Ўқитувчи фикрининг сиёсий-ғоявий жиҳатдан тарбия талабига мос бўлганлиги;

3. Барча ўқувчиларнинг ўқитувчи бераётган материални онгли равишда ўзлаштиришлари;

4. Ўқитувчи баёнида ривожлантирувчи ва муаммоли таълимнинг мавжудлиги;
5. Ўқитувчи фикрининг изчиллиги;
6. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда кўрсатмали қуроллардан, тарқатма материаллари ва техника воситаларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги;
7. Экскурсия, тажриба, лаборатория ва амалий ишларнинг мақсадга йўналтирилган ҳолда ўтишга эришилганлиги;
8. Дарслик билан ишлашнинг тўғри бўлиши;
9. Мисолларнинг таълим-тарбия бирлиги мазмунида қилинади;
10. Дарсни маълум бир тизимда олиб борилиши кабилар.

УМУМИЙ ПЕДАГОГИК ТАҲЛИЛ-дарсдаги ҳамма жиҳатларнинг қисқа ва энгил кўринишидаги таҳлилидир. Дарсни умумий педагогик жиҳатдан таҳлил қилганда қуйдагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

1. Ўқув хонаси ёки синф хонасининг дарс ўқишга тайёргарлик ҳолати (дарс жиҳозлари);
2. Ўқув хонаси ёки синф хонасининг санитария-гигиена ҳолати;
3. Ўқитувчининг дарс мавзуси ва унинг таълимий, тарбиявий мақсади;
4. Ўқитувчининг мазкур дарсга илимий-методик ва педагогик жиҳатдан тайёрланганлик даражаси;
5. Ўқитувчининг ўқувчиларга таълим-тарбия беришида педагогик жиҳатдан намунали шахс даражасига кўтарила олганлиги;
6. Ўқитувчининг дарсни ташкил этиши ва дарс этапларидан тўғри фойдаланиши;
7. Ўқувчилар билимига қўйиладиган баҳонинг адолатли ва изохли бўлиши;
8. Ўқувчиларнинг дарсдаги фаоллиги, интизоми, мустақил фикр юритиши ҳамда мазкур фан асосларини ўзлаштириб олганлик даражаси;
9. Ўқувчиларнинг ўқитувчи дарсига муносабати ва ҳурмат билан қараши;
10. Ўқитувчининг дарсидаги раҳбарлик роли ва иш услуби;
11. Ўқитувчининг дарс давомида таълимни тарбияга боғлаши;
12. Дарс жараёнида ёки янги мавзуни баён қилишда ўлкашунослик материалларидан фойдаланиши;
13. Дарсда ўқувчиларнинг сифат ўзлаштириши;
14. Ўқитувчининг дарсдаги таълимий ва тарбиявий мақсадига тўлиқ эриша олганлиги;
15. Ўқитувчининг илмий, методик ва умумпедагогик жиҳатдан ёрдамга муҳтожлига кабилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ички назорат тизимида ижрони текшириш қандай олиб борилади?
2. Дарс таҳлили неча турга бўлинади?

АДАБИЁТЛАР:

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод орзуси". 1999 йил.
2. И.А.Каримов "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" Т. Ўзбекистон 1995 йил;
3. "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури". 1997 йил.
4. "Таълим тўғрисида»ги қонун. 1997 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим тўғрисидаги йўриқномаси. "Халқ таълими" 1992й. 2-сони
6. Ўзбекистон Республикасининг умумий ўрта таълим тўғрисидаги муваққат Низоми. "Халқ таълими" 1992й. 2-сони;
7. М.Н.қосимов. "Мактабни бошқаришнинг назарий ва педагогик асослари". Т. "Ўқитувчи". 1995 йил.
8. Ахлоқ одобга оид ҳадис намуналари. Т. "Фан" 1996 йил.
9. Ш.Мирзаев. Дарс таҳлили. Т. 1993 йил.
10. Ф.Г. Фропов "Ёш директор мактаби" Т.-Ўзбекистон 1991й.
11. К.Юсупов "Миллий мактаб-ҳаётий эҳтиёжи" "Халқ таълими" 1992 й. 6,7-сони.

Мундарижа

1. Кириш.....	3-4
2. 1-Мавзу: Ўзбекистонда халқ таълими тизими ва унинг тузилиши.....	4-10
3. 2-Мавзу: Бошқариш ҳақидаги умумий тушунча.....	10-14
4. 3-Мавзу- Бошқариш усуллари.	14-17
5. 4-Мавзу: Мактабни бошқаришнинг педагогик асослари.....	18-25
6. 5-Мавзу: Мактаб ички бошқарувининг ташкилий-педагогик йўналишлари.	26-36
7. 6-Мавзу: Мактаб ички назорати.	36-38
8. 7-Мавзу: Мактабнинг ўқув тарбия ишларига раҳбарлик.	39-48
9. 8-Мавзу: Мактаб ишини режалаштириш.	48-57
10. 9-10-Мавзу: Мактабни педагог ходимлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларига раҳбарлик.	57-61
11. 11-Мавзу: Мактаб ички бошқаруви тизимида ахборотлар туплаш ва уни педагогик таҳлилқилиш.	62-68
12. 12-Мавзу: Ички назорат тизимида ижрони текшириш.	68-75
13. Адабиётлар.....	76
14. Мундарижа.....	77